

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақола-лар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. МЧЖ «Better Print» босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 26.09.2018.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2018.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2018 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш**Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства**

Матмуродов Б.Ж. Жиноятни субъектив томони бўйича квалификация қилишнинг айрим масалалари.....3

Эсанова З.Н. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг такомиллашуви – ҳуқуқий ислоҳотлар самараси10

Қонун устуворлиги ва қонунчилик тарғиботи**Верховенство закона и пропаганда законодательства**

Мирсултанова Ҳ.А. Оммавий ахборот воситаларига оид қонунчиликдаги янгиликлар.....15

Эиматова Ф., Зайнобиддинова Ф. Халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлик фаолияти.....19

Бердиев А. Т. Коррупциянинг олдини олишда «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуннинг ўрни ва аҳамияти.....22

Ички ишлар органларидаги ислоҳотлар**Реформы в органах внутренних дел**

Ҳайитов Э. Ш. Ички ишлар органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти: ҳозирги ҳолати ва янада такомиллаштириш йўллари.....26

Исмаилов И. Тошкентда «Хавфсиз пойтахт» концепцияси асосида жамоат тартибини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлашнинг янги тизими.....31

Алиев Ш.Х. К понятию оперативно-розыскной профилактики преступлений как приоритетного направления деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел.....37

Тураббаев Х. А. Пути повышения эффективности подготовки экспертов-криминалистов в органах внутренних дел.....41

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:
С. А. Раззаков, И. В. Солохина

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print» Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1 проезд, дом 254.
Цена договорная.
Подписано в печать 26.09.2018.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2018.

Шаринов С.С. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....46

Қаршиев А.Н. Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятида амалга оширилаётган ислоҳотлар.....51

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш

Профилактика правонарушений и обеспечение общественной безопасности

Қўлдошев М.Ў. Порахўрлик жиноятининг келиб чиқиш омиллари, оқибатлари ва унга қарши курашнинг долзарблиги.....55

Бобомуродов Ф.Б. Чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув тавсифи.....59

Қулматов Ш. А. Жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартибини такомиллаштириш.....64

Муродов Б. Б., Ботаев М. Д. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш институтининг айрим муаммолари.....68

Муродов А.Ш. Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг хусусиятлари.....71

Матчанов А. А. Совершенствование технологии розыска террористов и экстремистов органами внутренних дел.....76

Таълим ва тарбия масалалари

Вопросы обучения и воспитания

Қурбонов А.С., Мирзакулов А.Г. Курсантларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти.....82

Тадқиқот, таҳлил, мулоҳаза

Исследование, анализ, дискуссия

Қиличев Х. М. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини тартибга солиш (тарихий-ҳуқуқий таҳлил).....85

Зайтов З. Природа и понятие предварительного исследования материальных следов преступления.....91

Танқид ва библиография

Критика и библиография

Исмоилов И., Бердияров Ш.
Ҳ. Т. Одилқориев. Davlat va huquq nazariyasi.....96

Б. Ж. Матмуродов,

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг
раиси, юридик фанлар номзоди, доцент*

ЖИНОЯТНИ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЎЙИЧА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноятнинг субъектив томони, яъни қасд ва эҳтиётсизлик, айбсиз ҳолда зарар етказиш, мураккаб айбли жиноятлар, жиноятнинг мотив ва мақсади, хато ва унинг ҳолатларига боғлиқ квалификация қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жиноятнинг субъектив томони, айб, қасд ва эҳтиётсизлик, жиноятнинг мотив ва мақсади, мураккаб айбли жиноят, айбсиз ҳолда зарар етказиш, юридик ва фактик хато.

Некоторые вопросы квалификации преступления по субъективной стороне

Аннотация. В статье анализируются субъективная сторона преступления, то есть умысел и неосторожность, причинение вреда без вины, преступления со сложной виной, мотив и цель преступления, ошибка и особенности квалификации её положений.

Ключевые слова: субъективная сторона преступления, вина, умысел и неосторожность, мотив и цель преступления, преступление со сложной виной, причинение вреда без вины, юридическая и фактическая ошибка.

Some questions of the qualification of the crime on the subjective side

Annotation. The article analyzes the subjective side of the crime, that is, intent and negligence, causing harm without guilt, crimes with complex guilt, the motive and purpose of the crime, the failure and the special features of the qualifications of its provisions.

Key words: the subjective side of the crime, guilt, intent and negligence, the motive and purpose of the crime, a crime with complex guilt, causing harm without guilt, a legal and factual failure.

Жиноятнинг субъектив томони деганда айбдор шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавfli қилмиш ва унинг оқибатига руҳий муносабати тушунилади. Жиноят таркибининг объектив томонига зид тарзда субъектив томони унинг ички томони деб ҳам аталади. Чунки, шахснинг содир этган жиноятига унинг руҳий муносабатини ташқаридан кузатиб, аниқ билиш қийин. Буни том маънода фақат жиноят содир этган шахснинг ўзи билади. Шунинг учун жиноятнинг субъектив томони аниқлаш уни квалификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга, чунки, рус олими В.Н.Кудрявцев қайд этганидек, «... у ёки бу

жиноятнинг субъектив томони мазмунини тўғри тушуниш содир этилган қилмишни тўғри квалификация қилишга имкон яратади...»¹.

Бундай фикр ўзбек олимлари томонидан ҳам билдирилган. Жумладан, проф. М.Х.Рустамбоев: «Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли, шахснинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлашнинг зарурий шартидир»², — деб таъкидлаган.

Жиноятнинг субъектив томони асосий белгиларига айб, мотив ва мақсад киради. Бу белгилардан ҳар бирининг тўғри аниқланиши шахсни жиноий жавобгарликка тортишда

унинг айбини ва ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Айб жиноят субъектив томонининг асосий белгиси, яъни ўзаги ҳисобланади. Чунки айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Жиноят кодексининг 9-моддасида: «Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади», деб белгиланган.

Айб – шахснинг содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланган руҳий муносабати. Айбнинг иккита шакли мавжуд: қасддан жиноят содир этиш ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этиш. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга айбсиз ҳолда ҳам зарар етказилиши мумкин. Бундай ҳолда шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шу боис айбнинг шаклларини билиш ва ўзаро фарқлаш қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш учун зарур ҳисобланади.

Албатта, жиноят содир этган шахснинг айбини унинг жиноят содир этишига сабаб бўлган мотив ва унинг ўз олдига қўйган мақсадини аниқламасдан туриб билиш қийин. Жиноят содир этишнинг мотиви – шахсни жиноят содир этишга йўналтирувчи ички куч ва сабаб. У шахс онгига ва руҳиятига таъсир қилиб, уни жиноят содир этишга ундайди. Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганида муайян мақсадни кўзлайди, яъни содир этилаётган жиноятда маълум оқибатни кутади.

Аксарият жиноятларда айб билан бирга мотив ва мақсад ҳам жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади. Лекин айрим жиноятларда мотив ёки мақсад жиноятнинг квалификациясига бевосита таъсир этмаслиги мумкин. Шу сабабли бундай таркибли жиноятларда мотив ва мақсад факультатив (қўшимча, иккиламчи) белгилар сифатида намоён бўлади. Масалан, Жиноят кодексининг 123-моддасида кўрсатилган отанани моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятида мотивнинг ўзгариши (фойда кўриш, хафа бўлиш ёки ўч олиш нияти) жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Жиноят кодекси Умумий қисмининг *Ҳ* боби айб институтига бағишланган. Унда айб, унинг шакллари, мураккаб айбли жиноят ва айбсиз ҳолда зарар етказиш масалалари акс этган.

Юқорида қайд этилганидек, *айб* – шахснинг содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатига руҳий муносабатини англатади. Демак, бунда унинг ўзи содир этаётган жиноятнинг барча ҳуқуқий томонларини билиши ва тушуниши (интеллектуал ҳолат) ҳамда шу қилмиш ва унинг оқибатини исташи ёки бунга онгли равишда йўл қўйиши (буни хоҳлаши) ёки эҳтиётсизлик қилиб, жиноий ўз ўзига ишониши ёки бепарволикка йўл қўйишига муносабати тушунилади.

Жиноят тўғри ёки эгри қасддан, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида, яъни жиноий ўз-ўзига ишониш ва жиноий бепарволик натижасида содир этилади.

Жиноят кодексининг 21-моддасига мувофиқ, қонунда жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт ҳисобланади. Жиноят деб топилган қилмишлар (моддий таркибли жиноятлар) тўғри ёки эгри қасддан содир этилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини *истаган бўлса*, бундай жиноят *тўғри қасддан* содир этилган деб топилади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига *била туриб йўл қўйган бўлса*, бундай жиноят *эгри қасддан* содир этилган деб топилади.

Демак, тўғри ва эгри қасддан содир этиладиган жиноятларнинг фарқи уларнинг учинчи белгиси, яъни интеллектуал (ақл-идрок, англаш) ва иродавий элементидир. Тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди (интеллектуал элемент), шундай оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етади (интеллектуал элемент) ва шу оқибатнинг бўлишини истайди (иродавий элемент). Масалан,

ўғрилиқ содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди, бировга моддий зарар етказишига кўзи етади, шунингдек, унинг мулкни талон-торож қилиб, унга зарар етказишни истайди. Ёки қасддан одам ўлдириш жиноятида айбдор шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди, бунинг натижасида ижтимоий хавфли оқибат, яъни одам ўлимига олиб келишини билади ва буни истайди.

Эгри қасддан содир этиладиган жиноятларда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди (интеллектуал элемент), шу оқибатнинг келиб чиқишига кўзи етади (интеллектуал элемент) ва бундай оқибатнинг келиб чиқишини бевосита хоҳламаса ҳам, лекин онгли равишда бунга йўл қўяди (иродавий элемент).

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида айбдорда жиноятни содир этиш ниятининг пайдо бўлиш вақтига боғлиқ равишда қасд иккига, яъни *олдидан ўйланган* ва *тўсатдан пайдо бўлган* қасдга ажратилади.

Олдидан ўйланган қасд билан содир этиладиган жиноятлар кўп ҳолларда муайян тайёргарлик кўрилиши сабабли хавфлироқ бўлади.

Тўсатдан пайдо бўлган қасд *оддий* ёки *аффектлив* бўлиши мумкин. *Оддий* тўсатдан пайдо бўлган қасд айбдорнинг жиноят содир этиш нияти пайдо бўлган вақтда амалга оширилади. *Аффектлив* қасдда шахс руҳий ҳаяжон ҳолатида жиноят содир этади. Унинг бундай ҳолатга келишига жабрланувчининг ўзи, яъни унинг одобсиз ёки ноқонуний ҳаракати сабабчи бўлади. Жиноят ҳуқуқида бу қасддан одам ўлдириш жиноятига нисбатан айбни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. (Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, ЖК 98-м.).

Шахснинг ўзи содир этаётган қилмишнинг хусусиятига баҳо бериши даражасига кўра, *аниқ* (конкретлаштирилган) ва *ноаниқ* (конкретлаштирилмаган) қасд ажратилади.

Аниқ қасд билан содир этиладиган жиноятларда шахс қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилишини билади ва қилмиш натижасида муайян оқибат келиб чиқишини хоҳлайди. У ҳатто аниқ муқобил вариантларни назарда тутлади. Масалан, ўғри сейфни

бузаётганида ичида пул борлигини билади ва истаган миқдордаги пулни олишни кўзлайди. Бунда сейфдан кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда пул чиқиши ҳам мумкин. Айбдор сейфдан олган пулнинг миқдорига кўра жавобгарликка тортилади, агар сейфни оча олмаса, унда жиноятни содир этишга суиқасд қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Агар шахс сейфда пул бор ёки йўқлигини билмаса, лекин таваккалчилик билан очиб, ичидаги пулни олмоқчи бўлса, бу ноаниқ қасд бўлади. Бунда шахс келтирган зарари бўйича жавобгарликка тортилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят. Жиноят кодекси 22-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилганидек, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб (интеллектуал элемент), эҳтиёткорлик чораларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса (иродавий элемент), ушбу жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Жиноят кодекси 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-ю (интеллектуал элемент), лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса (иродавий элемент), бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятнинг эгри қасддан содир этилган жиноятдан фарқи қуйидагича. Шахс жиноий ўз-ўзига ишониш билан эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этилганида ўз ҳаракатининг қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади (интеллектуал элемент), лекин жиноий оқибат келиб чиқишини истамайди

(иродавий элемент); *эгри қасд* билан содир этганида оқибатни тўғридан-тўғри истамасада, онгли равишда шу оқибатга йўл кўяди (иродавий элемент). Демак, *эгри қасдда* шахс жиноий оқибатнинг бўлишини муайян даражада истаганлиги сабабли, била туриб бунга йўл кўяди. Жиноий ўз-ўзига ишонишда эса жиноий оқибатнинг бўлишини умуман хоҳламайди. Масалан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган шахс қанчалик маст бўлмасин, авария қилиш нияти бўлмайди. Эгри қасдда эса, айтайлик, айбдор муштлашув пайтида бировнинг бошига ёки елкасига темир таёқ билан уради. Бунда жабрланувчи ўлиши ҳам, оғир шикастланиши ҳам мумкин. Урган шахс бундай оқибат бўлиши мумкинлигини билади ва бунга йўл кўяди. Шунинг учун қилмиш *эгри қасддан* содир этилган бўлади. Агар жабрланувчи ўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 97-моддаси билан, агар баданга оғир шикаст етказиш натижасида одам ўлими келиб чиқса, Жиноят кодекси 104-моддаси учинчи қисми «д» банди билан квалификация қилинади. Агар жиноятчи бу ишини тўғри қасд билан қилса-ю, мақсади амалга ошмаса, яъни одам ўлмаса, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун (ЖК 25-м. 2-қ. 97-м.) жавобгар бўлади.

Жиноятни *эгри қасд* оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик ёки тўғри қасддан содир этиш масаласини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сон қарорида қайд этилган қоидага амал қилиш муҳим. Унга кўра, «қўрқитиш, раҳмсиз муносабатда бўлиш ёки шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан содир этиладиган ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишдан (ЖК 103-м.) фарқли равишда, ўзини ўзи ўлдиришга ундашда (ЖК 103¹-м.) айбдор кўндириш, алдаш ёки инсоннинг эркини синдирувчи бошқа йўл билан (масалан, тушкунликка солувчи ғоявий ташвиқот орқали) қасддан бошқа шахсда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан қатъиятни кўзгатади. *Субъектив*

томондан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш *эгри қасд* ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш эса қасддан содир этилади»³.

Мураккаб айбли жиноятлар. Жиноят ҳуқуқида жиноятларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилишига тўғри ҳуқуқий бериш жазо тайинлаш ва амнистия актини қўллашда катта аҳамият касб этади. Шу боис мураккаб айбли жиноятларда уларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлигини аниқлаш зарур. Жиноят кодексининг 23-моддасига мувофиқ, агар шахснинг қасддан бир жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмиш учун қонунда қаттиқроқ жавобгарлик белгиланган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади. Айтайлик, танага қасддан оғир шикаст етказилса-ю, бунинг оқибатида одам ўлса, одам ўлдириш қасддан содир этилган бўлади (ЖК 104-м. 3-қ. «д» б.). Ёки фарзандликка олиш сирини ошкор этиш оғир оқибатга олиб келса (ЖК 125-м. 2-қ.), қасддан содир этилган бўлади.

Айбсиз ҳолда зарар етказиш. Жиноят кодексининг 24-моддасига мувофиқ, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш *айбсиз ҳолда содир этилган* деб топилади. Демак, айбсиз ҳолда зарар етказилган қилмиш учун шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолатнинг эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятдан фарқи шундаки, қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилганида айбдор жиноий оқибат келиб чиқишини билади (ўзига ўзи ишониш) ёки кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади (бепарволик).

Жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари. Мотив ва мақсад, айрим жиноятларда аниқлаш шарт эмаслиги (яъни уларнинг аниқланиши жиноятни квалификация қилишга таъсир этмаслиги) сабабли факультатив белгилар деб номланади. Лекин

кўп жиноятларда улар зарурий (аҳамиятли) белги ҳисобланади ва квалификацияга бевосита таъсир қилади.

Жиноятнинг мотиви шахсни жиноят содир этишга йўналтирувчи ички куч ва сабаб бўлиб, у инсон онгига таъсир қилади, уни жиноят содир этишга йўналтиради ва бошлайди. Айтайлик, шахс ўғрилик содир этганида мотив ғаразгўйлик, яъни фойда кўриш бўлади. Шахснинг фойда кўриш, текин бойлик орттириш нияти уни ўғрилик содир этишга йўналтиради ва ундайди. Қасддан баданга оғир шикаст етказилганида мотив безорилик, қасддан одам ўлдириш жиноятида эса рашк ёки ўч олиш бўлиши мумкин. Мотив қасддан содир этиладиган барча жиноятларга хосдир.

Албатта, мотивни фақат қасддан содир этиладиган жиноятларга хос деган фикрга тўлиқ қўшилиш қийин. Эҳтиётсизликдан содир этиладиган айрим жиноятларнинг сабаби айбдорнинг безорлик ҳаракатлари бўлиши мумкин (масалан, тўй-ҳашамларда транспорт воситаси ҳайдовчисининг йўл ҳаракати қодаларини безорилик мотивида қўпол тарзда бузиши оқибатида авария келиб чиқиши, ёки безорининг ўйнаб туриб жабрланувчини баланд зинадан туртиб юбориши оқибатида эҳтиётсизликдан унга оғир шикаст етказилиши). Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда жиноятчи бундай жинойи оқибат келиб чиқишини хоҳламайди. Шу сабабли бу вазиятлар (мотив, сабаб) фақат жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Мотив айрим жиноятларга тегишли моддаларнинг диспозициясида кўрсатилади. Айтайлик, Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» бандида — фойда кўриш, яъни тамағирлик, «к» бандида миллий ёки ирқий адоват мотиви кўрсатилган. Жиноят кодексининг 124-моддасида кўрсатилган болани алмаштириб қўйиш ёки Жиноят кодексининг 137-моддаси иккинчи қисмидаги одам ўғирлаш жиноятлари фойда кўриш ёки бошқа паст ниятларда (мотивда) содир этилади.

Жиноят ҳуқуқида мотив ва мақсадни жиноят таркибидаги аҳамиятига кўра иккига ажратиш мумкин. Биринчидан, уларнинг

айрим жиноятларда бўлиши унинг *мураккаб тузилишидан далолат беради*. Масалан, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (ЖК 245-м.), ўзининг мотив ва мақсадига кўра, шахсни зўрлик ишлатиб қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш жиноятидан (ЖК 138-м.) фарқ қилади.

Иккинчидан, айрим жиноятларда мотивга *квалификацион тур* сифатида қаралади ёки Жиноят кодекси 55 ва 56-моддаларига мувофиқ, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Жиноятларнинг мотив ва мақсадларини ҳуқуқий нуқтаи назардан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси — *паст ният* билан содир этиладиган, иккинчиси — шу гуруҳга кирмайдиган жиноятлар. *Паст ният* билан содир этиладиган жиноятларда мотив ва мақсадлар кўпинча қонунда кўрсатилган бўлади. Улар жиноятларда жавобгарликни оғирлаштирувчи квалификацион тур сифатида бўлиши ёки шу белгисига кўра алоҳида кучайтирилган жавобгарлик кўрсатилган (махсус норма) ижтимоий хавфли қилмиш бўлиши мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 241-моддасидан (жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) жавобгарлик кучайтирилган махсус норма Жиноят кодекси 155¹-моддаси (тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик) алоҳида ажратилиб кўрсатилган. Демак, паст ниятли мотив ва мақсадларда содир этилган жиноятлар учун айбни оғирлаштирувчи жавобгарлик кўрсатилади. Булар: ғаразгўйлик, яъни фойда кўриш, безорилик, бошқа одамнинг хизмат ёки жамоавий вазифасини бажаришини ёки қонуний ҳаракат қилишини кўра олмаслик, миллий ёки диний адоват, халқаро муносабатларни мураккаблаштириш ва ҳ.к.

Жиноят ҳуқуқида айрим мотив ва мақсадлар борки, уларнинг жинойи жавобгарликни оғирлаштиришга ёки шу асосда махсус нормалар (модда) ишлаб чиқиш ёки жиноятга квалификацион тус беришга алоқаси йўқ. Булар паст ниятга кирмайдиган рашк, ўч олиш, мансабпарастлик, худбинлик, шахсий адоват каби-

лардир. Масалан: шахсий адоват, ўч олиш мотиви билан қабрни таҳқирлаш (ЖК 134-м.), тўхмат қилиш (ЖК 139-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш ва уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.), ёлғон хабар бериш (ЖК 237-м.).

Айрим адабиётларда мотивлар тўрт турга бўлиб кўрсатилади: 1) паст ният; 2) паст ниятга кирмайдиган; 3) сиёсий (душманлик, нафрат, ёмон кўриш) ва 4) ноаниқ (худбинлик, манманлик, шўхлик) мотивлар⁴.

Жиноятнинг мақсади. Жиноятчи қилмиш содир этганида муайян мақсадни кўзлайди, яъни содир этилаётган жиноятга тегишли оқибатни кутади. Айтайлик, одамга қарата ўқ отганда – бировни ўлдириш (ЖК 97-м.); ўғрилиқ содир этганда – ўзганинг мулкига эгалик қилиш (ЖК 169-м.); ёлғон гувоҳлик берганда – терговни чалғитиш орқали бировни айбдор қилиш ёки аксинча (ЖК 238-м.); қўпоровчилик жиноятини содир этганда – давлат органлари фаолиятини ёки ижтимоий-иқтисодий аҳволни беқарорлаштириш ёки иқтисодиётга зарар келтириш (ЖК 161-м.) мақсадини кўзлайди. Таъкидлаш жоизки, жиноятнинг субъектив томонида мақсад етакчи ўринда туради ва жиноятнинг квалификациясига таъсир қилади.

Жиноят кодексининг айрим моддаларида мақсад бевосита кўрсатилади. Айтайлик, террорчилик ҳаракатини содир этишдан кўзланадиган мақсад – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига зарар етказиш, уруш ва қуролли қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариш, аҳолини қўрқитиш кабилар бўлади (ЖК 155-м.); босқинчилик жиноятида ўзганинг мулкни эгаллаш мақсадида шахсга ҳужум қилинади (ЖК 164-м.); сохта тадбиркорликда уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш (ЖК 179-м.) амалга оширилади.

Агар шахсда қонунда кўрсатилган мақсад бўлмаса, у қилмиш бошқа модда билан квалификация қилинади ёки умуман жиноят бўлмайди. Масалан, шахс транспорт воситасини товламачилик йўли билан ўз тасарруфига олмақчи бўлса, унда товламачилик жинояти (ЖК 165-м.) бўлади. Агар шундай мақсади бўлмасдан, фақатгина бирон жойга бориб келиш учун транспорт воситасини олиб қочган бўлса, унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 267-моддаси билан квалификация қилинади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 273-моддасида наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик, 276-моддасида эса шундай ҳаракатларда ўтказиш мақсади бўлмаган ҳолат учун жавобгарлик кўрсатилган.

Демак, мақсад ва мотив жиноятнинг субъектив томонидаги ўзаро бевосита боғлиқ белгилар бўлиб, жиноятларни квалификация қилишда муҳим ўрин тутаяди.

Хато ва унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти. Жиноят содир этган шахснинг айби ва жавобгарлигига таъсир қиладиган хато бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқида хато шахснинг ўзи содир этаётган қилмишининг мазмуни, хавфлилик даражаси ва жиноят қонунига зидлиги хусусидаги янглишишидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида хатонинг икки тури, яъни юридик ва фактик хатолар фарқланади.

Юридик хатода шахс ўзи содир этган қилмишининг ҳуқуқий мазмуни, қонунга мувофиқ ёки хилоф эканлиги, Жиноят кодекси моддасининг қайси қисмига тегишли эканлиги ва ҳуқуқий оқибатлари борасида янглишади.

Фактик хатода шахс содир этган қилмишининг объектив белгилари, жумладан хавфлилиги хусусида адашади. Бу хатолар жиноятнинг объекти ва предмети, жабрланувчининг шахси, қилмишининг хусусияти, жиноятни содир этиш усули ва фойдаланилган қуроллар, сабабий боғлиқлик, жавобгарлик даражаси ва бошқа белгилари бўйича бўлиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида предметнинг сифати, баҳоси, вазни ва бошқа белгилари бўйича хато қилиш фарқланади. Агар, айбдор сейфдан пул олмоқчи бўлиб, уни бузса-ю, лекин унда пул бўлмаса, у олдига қўйган мақсади бўйича (масалан, кўп миқдорда пул олмоқчи бўлса) жавобгарликка тортилади. Ёки мансабдор шахс бировдан кўп миқдорда пора олмоқчи бўлса-ю, лекин пора берувчи уни алдаб, ваъда қилинган пулнинг ярмини ўроғлиқ қоғозда берса, ушбу ҳолда пора миқдори тўлиқ бўлмаса ҳам, мансабдор шахс кўп миқдорда пора олишга суиқасд қилгани учун жавобгар бўлади.

Айбдор шахс жиноятни *содир этиш усулида хато қилиши* мумкин. Айтайлик, жиноятчи бировнинг буюмини ўгирилаганида буни кўрган жабрланувчи кўрққанидан ўзини билмасликка олса, буни сезмаган жиноятчи, яширин усулда ўзганинг мулкни оламан деб ўйлаганлиги сабабли, талончилик учун эмас, балки ўғрилик жинояти учун Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Жиноятчи *фойдаланаётган қурол ва воситаларга нисбатан ҳам хато қилиши* мумкин. Айтайлик, айбдор бировни милтиқ билан отмоқчи бўлса-ю, милтиқ ёки ўқ яроқсизлиги боис режа амалга ошмаса, бу ҳаракат бировни ўлдиришга суиқасд қилиш ҳисобланади (ЖК 97-м.). Худди шунингдек, айбдор бировни ўлдириш мақсадида заҳар сотиб олиб, унга берса-ю, сотувчи заҳар ўрнига оддий кукун бергани сабабли у ўлмаса, айбдор бировни ўлдиришга суиқасд қилгани учун жавобгар бўлади (ЖК 25-м. 2-қ., 97-м.)

Шахс *жиноий ҳаракатининг оқибати* ҳусусида хато қилиши мумкин. Айтайлик, уй эгалари меҳмонга кетганларида қўшниси уларга мулкий зарар етказиш мақсадида уларнинг

уйига ўт қўйса-ю, тўрдаги хонада қолган касал кампир алангада қолиб ўлса, айбдор бировнинг мулкни нобуд қилгани учун — Жиноят кодексининг 173-моддаси, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирилгани учун эса 102-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Айбдор *жиноятнинг ёки квалификациянинг тури бўйича хато қилиши* мумкин. Айтайлик, безорилик жиноятини содир этиш вақтида ўқотар қуролдан фойдаланган шахс, унинг бу ҳаракати Жиноят кодексининг 277-моддаси учинчи қисми билан квалификация қилинишидан хабардор бўлмаса ҳам, модданинг айнан шу қисми билан жавобгарликка тортилади.

Айбдор жиноятдаги *сабабий боғлиқлик бўйича хато қилиши* мумкин. Айтайлик, шахс бировнинг мулкни олиш учун унга ўқ отиб, жабрланувчи ўлди, деган ҳаёлда уни ўрмонга ташлаб келса-ю, жабрланувчи бироз вақтдан сўнг хушига келиб, жароҳати оғир бўлгани сабабли ўрмонда икки кун ёрдамсиз қолиши оқибатида ўлса, айбдор Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми «и» бандида кўрсатилган жиноятни содир этишга суиқасд қилгани ҳамда оғир жароҳат олган шахсни ўрмонга ташлаб, эҳтиётсизлик орқасида ўлимига сабабчи бўлгани (ЖК 102-м.) учун жавобгарликка тортилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноятнинг *субъектив томони* хусусиятларини, яъни *айб ва унинг шакллари*нинг аҳамияти, бир-бирига ўхшашлик ёки фарқи, мураккаб айбли жиноятлар, айбсиз ҳолда зарар етказиш, жиноятнинг субъектив томони факультатив белгилари бўлмиш мотив ва мақсад, юридик хато ва фактик хатонинг мазмуни ва аҳамиятини аниқлаш жиноятларнинг хавфлилик даражасини аниқлашда ва уларни тўғри квалификациялашда катта аҳамият касб этади.

¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. — М., 2004. — С. 147.

² Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). — Т., 2006. — Б.150.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz>

⁴ Российское уголовное право. Общая часть / Под ред. В.С.Комиссарова. — СПб., 2005. — С.195.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ – ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгиликлар ҳамда буни тақозо этган объектив зарурат ва омиллар ҳақида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, судья ёрдамчиси, процессуал мажбурулов чоралари, келишув битими, чет давлатлар судлари ва ҳакамлик судлари.

Совершенствование гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан – результат правовых реформ

Аннотация. В статье речь идёт о нововведениях в Гражданском процессуальном кодексе Республики Узбекистан, а также объективной необходимости и факторах, детерминировавших это.

Ключевые слова: Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан, помощник судьи, процессуальные меры пресечения, мировое соглашение, иностранные суды и иностранные третейские суды.

Perfection of the civil procedure code of the Republic of Uzbekistan – the result of legal reforms

Annotation. The article deals with innovations in the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, as well as objective necessity and factors that determined this.

Key words: Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, assistant judge, procedural measures of restraint, amicable agreement, foreign courts and foreign arbitration courts.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонларида кўйилган устувор вазифалар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Хўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, «Судлар тўғрисида»ги қонунга ҳамда суд ишларини юритиш билан боғлиқ бошқа моддий ва процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос ўрин тутди; ҳусусан, процессуал хусусиятга эга ҳужжатлар, айниқса фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сифатида долзарб ва муҳим манба ҳисобланади.

Қарийб икки йилга яқин давом этган тадқиқотлар, бунда билдирилган фикр-мулоҳазалар, ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялар, назарий ва амалий аҳамиятга эга умумлаштиришлар, олинган илмий хулосалар ва энг асосийси, ваколатли органлар вакиллари, тажрибали соҳа мутахассислари, нуфузли амалиёт ходимлари ва олимлар иштирокидаги ишчи гуруҳ фаолиятининг натижалари, кенг жамоатчилик муносабатлари асосида мазкур Кодекс Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 14 декабрда қабул қилинди, 2017 йил 20 декабрда Сенат томонидан маъқул-

ланди, 2018 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиб, 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.

Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ва судлов ишларини юритиш борасида тўпланган тажриба МДХ давлатлари (Россия, Қозоғистон, Беларусь) ҳамда ривожланган хорижий давлатлар (Германия, Япония, Корея, Хитой ва бошқалар)нинг қонун ҳужжатлари, қолаверса, республикамиз судлари амалиётида учраётган муаммолар, қонунчиликдаги бўшлиқлар, бир-бирини такрорловчи нормалар, энг асосийси, фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатларида кўтарилган муаммо, масалалар, берилган таклифлар инobatга олинган.

Миллий моддий ва процессуал ҳуқуқ тизими тарихига назар солсак, мустақилликка эришилганидан кейин 1994–1996 йилларда – Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Меҳнат кодекси; 1997–1999 йилларда – Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекс, Жиноят ижроия кодекси, Оила кодекси, Уй-жой кодекси қабул қилинди ва шу даврга қадар уларга киритилган кўшлаб ўзгартиш ва қўшимчалар билан амалда фойдаланиб келинди. Ўтган йилларда улар назария ва амалиётга, соҳа ривожига катта хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини янги таҳрирда қабул қилиш **зарурати** қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлди:

– республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарали натижаси, стратегик мақсадларимизнинг устувор йўналиши;

– барча соҳаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тобора янгилашиб, такомиллашиб бораётгани;

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими ва кўламининг кенг миқёсга олиб чиқилганлиги;

– иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи мулк шакллари ва уларнинг турлари тобора кўпайиб бораётгани;

– тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги ва шу асосда турли янги фуқаролик, иқтисодий, тадбиркорлик тузилмалари вужудга келаётгани;

– фуқаролик суд ишларини юритишга таъсир қилувчи амалдаги процессуал институтлар (фуқаролик суд ишларини юритиш турлари, адвокатура, прокуратура, соҳавий принциплар ва бошқалар)нинг тобора глобаллашуви, янги процессуал институтларга эҳтиёж мавжудлиги;

– фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти тобора ошиб бораётгани;

– жамиятимизда келиб чиқётган низолар (фуқаролик, уй-жой, оила, меҳнат, мерос, зарар етказишга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо ва бошқалар)нинг олдини олиш, уларга барҳам бериш, муаммоларни жойида бартараф этиш, ишларни судга қадар ҳал қилиш имкониятларини ишга солиш, келиштириш механизмидан имкон қадар кенг фойдаланиш;

– судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш чораларини кучайтириш ва аҳолига янада қулайлик яратиш;

– хорижий мамлакатларнинг илғор ва ҳар томонлама ўзини оқлаган тажриба ва амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва миллий қонунларимизга имплементация қилиш жараёни.

Амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг **янгилиги ва афзалликларини** эса қуйидагиларда кўриш мумкин:

– *тузилишига кўра*, мазкур Кодекс бешта бўлим, 47 та боб, 462 та моддadan иборат (шу билан бирга фуқаролик суд ишларини юритиш турлари кетма-кетликда *кичик бўлимларда* ўз ифодасини топган);

– *тизимига кўра*, назарияда фуқаролик процессуал ҳуқуқ умумий ва махсус қисмлардан иборатлигини инobatга олган ҳолда, шунингдек нормаларни амалиётда бевосита қўллашда қулайлик яратиш мақсадида дастлаб *умумий қоидалар* (умумий қисм 1-бўлим (1–17-боблар), сўнгра *махсус қисм* (2–5-бўлимлар) жойлаштирилган;

– янги боб ва нормалар вужудга келганлиги: 1-бобда «фуқаролик иши» номли 5-модда; фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари алоҳида умумлаштирилиб, янги 2-боб; «Суд таркиби» номли 3-боб; «Суд мажлиси котиби» номли 55-модда; «Даъвони таъминлаш чоралари» номли 106-моддага яна 6) низоли мол-мулк бузилиши, ҳолати ёмонлашининг олдини олиш мақсадида жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш; 7) низоли мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш; 132-моддадаги ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга 4) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар; 5) суд томонидан тан олинган бошқа зарур харажатлар; «Процессуал мажбуриятлар чоралари» номли 14-боб; «Келишув битими» номли 17-боб; «Суд буйруғини бериш бўйича талаблар» нинг кенгайганлиги (171-модда); «Вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация)» номли 34-боб; «Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижро этиш» номли 42-бобнинг киритилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг бош мазмунида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судлар ташкил этилганлиги, электрон тартибда суд ишларини юритишнинг замонавий механизмлари жорий этилганлиги, судлар тизимида судья ёрдамчиси лавозимининг таъсис этилганлиги, назорат тартибида иш юритиш ислоҳ қилинганлиги, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражаси ва уни амалга ошириш сифатини яхшилашга олиб келадиган ўзгартиш ва қўшимчалар, устувор ғоялар мужассамлашган.

Судья ёрдамчиси (judicial assistant). ФПКнинг 55-моддасига биноан суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифасини судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажаради.

Судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) судьянинг топшириғи асосида судьяга келиб тушган аризаларни ўрганади ва уларни кўриш юзасидан таклифлар киритади, суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди; иш-ни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифаларини бажаришда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда ва бошқа шахсларни жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда иштирок этади; суд жараёнини тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этади; ариза ва мурожаатлар, шунингдек кўрилиши кейинга қолдирилган ёки иш юритиш тўхтатиб турилган ишлар ўз вақтида кўрилиши таъминланишини ташкил этади; тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади ҳамда судьянинг топшириғига биноан бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Суд мажлисининг котиби мазкур иш бўйича чақирилганлардан кимлар келганлигини, келмаганларга суднинг чақирув қоғозлари ёки бошқа хабарномалар топширилган-топширилмаганлигини (етказиб берилганлигини) ва уларнинг келмаганлиги сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини судга маълум қилади (213-м.). Суд мажлиси котибига оид нормалар айрим боб ва моддаларда кўрсатилган, холос. Масалан, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлиси котибининг рад қилиш асослари (22-м.).

Кодекснинг «Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари» номли 6-бобининг 55-моддасида Суд мажлиси котибининг ваколатлари келтирилган. Бироқ, ишда иштирок этувчи шахслар (39-модда. Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўриладиган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади)

ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (54-модда. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилари одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслардир) туркумида кўрсатилмаган.

Хорижий мамлакатларда (АҚШ, Германия, Англия ва бошқаларда) суд ишларини юритишда *судья ёрдамчиси* асосий институтлардан бири саналади. Манбаларда судья ёрдамчисининг роли ташкилий ва процессуал мазмундаги ваколатлар деб юритилади. Аксарият давлатларда судья ёрдамчиси ва суд мажлиси котиби бошқа-бошқа ваколатларни бажаради.

Келгусида бу икки субъектнинг ваколатлари биринчи ва юқори инстанция судларида алоҳида кўрилиши таклиф қилинади.

Процессуал мажбурлов чоралари (coercive procedural measures). Фуқаролик процессуал кодексга 15-боб (143-150-модда) сифатида «Процессуал мажбурлов чоралари» киритилди. Унга кўра, процессуал мажбурлов чораларининг турлари сифатида мажбурий келтириш; огоҳлантириш; суд мажлиси залидан чиқариб юбориш; суд жаримаси кўрсатилган (14-боб).

Шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларининг қўлланилиши уни ушбу Кодексда ёки суд томонидан белгиланган тегишли мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди. *Шу нуқтаи назардан, ушбу институтнинг жорий этилиши:*

– ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал тартибга оғишмай риоя қилишини таъминлайди;

– суд процессининг ўз вақтида ва сифатли олиб борилишига кўмаклашади;

– процессуал мажбурлов чоралари институтининг нуфузи ошишига хизмат қилади;

– судда процессуал мажбурият ва интизомни мустаҳкамлайди.

Е.В.Чуклованинг таъкидлашича, процессуал мажбурлов чоралари мулкӣ ва номулкий чораларга ажратилади³.

Судьянинг алоҳида фикри (dissenting opinion of judge). Миллий процессуал қонунчилигимизда судьянинг алоҳида фикри фуқаролик иши биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилганида алоҳида фикрга зарурат бўлмайди. Ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўришда, шунингдек янги очилган ҳолатлар бўйича юқори инстанцияларда қайта кўриш жараёнида судьянинг алоҳида фикри берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасида судьянинг алоҳида фикри ҳақида сўз юритилган бўлиб, ишни муҳокама қилиш чоғида юзага келадиган барча масалалар судья томонидан якка тартибда, ишни судьялар ҳайъати кўраётганда эса судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Масала ҳайъат таркибида ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Озчилик томонида қолган судья суд ҳужжатини имзолаши шарт, алоҳида фикрини эса ёзма шаклда баён қилишга ҳақли. Судьянинг алоҳида фикри конвертга солиниб, муҳрланган ҳолда ишга қўшиб қўйилади, бироқ ўқиб эшиттирилмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди. Юқори инстанция суди судьянинг алоҳида фикри билан танишишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига кўра, алоҳида фикр ишлар ҳайъат таркибида кўрилгандагина вужудга келади ҳамда ҳал қилув қарорига тўлиқ ёки қисман қўшилмаганлик ҳолатида келиб чиқиши мумкин.

Алоҳида фикр МДҲга аъзо деярли барча давлатлар (Россия (15-модда, 16-боб), Озарбайжон (18-модда), Қирғизистон (16-модда, 337-модда, 358-модда), Қозоғистон (36-модда), Тожикистон (17-модда), Беларусь (31-модда), Украина ва бошқ.)нинг ФПКларида асосан «Ишлар (масалалар)ни ҳайъат таркибида ҳал қилиш» номли нормаларида берилган, аммо

Россия, Қирғизистон ФПКларида кассация инстанция суди ваколатларига киритилган ҳамда алоҳида фикрни бериш муддати беш кун қилиб белгиланган.

Тарихий материалларга назар солсак, АҚШ Олий судига Жон Маршалл раҳбарлик қилган суд амалиётида у 35 йил (1801-1835) ичида 1187 та ишда иштирок этган бўлса, фақат учта-сидагина алоҳида фикр ёзганлиги қайд этилган.

Алоҳида фикр, аслида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини самарали ва кенг қамровли ташкил этиш ва амалга ошириш; судлар фаолиятида демократия принципларига риоя этилишни таъминлаш; судьяларнинг моддий ва процессуал нормаларга риоя қилинишини кучайтириш; судьялар мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий принципларга оғишмай амал қилиш; қонунийлик, асослилик, адолатлилик, ички ишонч принциплари судьянинг ўзи учун ҳам мажбурийлигини кафолатлаш ҳамда судьяларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ва масъулиятини оширишга, жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида ҳам, континентал ҳуқуқ тизимида, хорижий юридик адабиётларда, шунингдек миллий процессуал адабиётларимизда ҳам алоҳида фикр ҳақида, унинг фойда-зарари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Шу ўринда «Судьянинг алоҳида фикрни ҳамма билиши керакми?», «Судьянинг алоҳида фикри билан танишиш мумкинми?», «Алоҳида фикр билдиришнинг оқибати қандай бўлади?», деган саволлар туғилади.

Алоҳида фикрнинг мунозарали жиҳатлари (салбийлиги) ҳақида ҳам айрим фикр-

лар билдирилади⁴. Чунончи, *биринчидан*, гарчи тарафлар алоҳида фикр билан таништирилмаса-да, аммо ўзи ва адвокати (вакиллари) орқали ишда конвертга солинган ва муҳрланган конверт мавжудлигидан хабардор бўлади; *иккинчидан*, тарафлар, хусусан ишда иштирок этувчи шахслар иш бўйича судьяларнинг яқдил фикри бўлмаганлигини, низони ҳал этишда судьялар ягона позицияда эмасликларини ҳис қилади.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонда иккинчи асосий йўналиш (бўлим) сифатида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш вазифалари белгиланган эди⁵.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги Фармон ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур Кодекснинг қабул қилинганлиги ва амалга киритилганлиги аҳолининг одил судловга ишончини янада ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

¹ Чуклова Е.В. О понятии, признаках и мерах гражданской процессуальной ответственности // Вестник Самарской гуманитарной академии. — 2008. — № 2. — С. 64-68.

² Муратишина Г.П. Институт особого мнения судьи в гражданском процессе: состояние и проблемы / Вестник Бурятского государственного университета. — 2014. — № 2. — С. 28-29.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-м.

*Ҳ. А. Мирсултанова,
халқаро журналистика магистри*

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Аннотация. Мақолада ахборот олиш ва тарқатиш борасидаги норматив ҳужжатлар таҳлил қилинди, жорий йилда янги таҳрирда қабул қилинган қонунлардаги ўзгаришлар шарҳланди, журналистларнинг «касбий масъулият» тушунчасига аҳамият бериши нечоғлик муҳим экани асосланди.

Таянч тушунчалар: оммавий ахборот воситалари, ахборот, қонун, ахборот манбалари, жавобгарлик, шарҳ, модда, ўзгартиш.

Новое в законодательстве о средствах массовой информации

Аннотация. В статье проанализированы нормативные документы о распространении информации, прокомментированы изменения, внесенные в закон в этом году, подчеркнута важность профессиональной ответственности журналистов.

Ключевые слова: средства массовой информации, информация, закон, информационные источники, ответственность, комментарий, статья, изменение.

New in the legislation on the mass-media

Annotation. The article analyzes normative documents on the dissemination of information, comments on changes introduced to the law this year, underlines the importance of professional responsibility of journalists.

Key words: mass-media, information, law, information sources, responsibility, comment, article, change.

Сўнги йилларда халқаро ва миллий қонунчиликда оммавий ахборот воситалари ва журналистикага оид қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ҳозиргача замон талабларига мос равишда такомиллаштирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида **2018 йил 18 апрелдаги 476-сон Қонун¹ билан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Жумладан, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 1-моддасида «Ушбу Қонуннинг мақсади журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат»² эканлиги белгиланди. Бунда, биринчидан, «мажбуриятларни белгилаш ва қафолатлар бериш» жумласининг бу

борадаги «муносабатларни тартибга солиш» деб таҳрир қилиниши қисқалик ва мазмунан аниқликни юзага келтирди. Иккинчидан, қонуннинг аввалги кўринишида «жавобгарлик чораларини белгилайди» дейилган эди, бироқ жазо чоралари «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда келтириб ўтилмагани, улар асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Жиноят кодексларида ўз аксини топганлиги сабабли мазкур жумла янги таҳрирда олиб ташланди.

Мазкур қонуннинг 2-моддаси янги таҳририда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир», деб ёзилди. Бунда «ушбу Қонун» жумласи алоҳида ёзилган, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса бошқа қонун ҳужжатлари таркибига киритилган.

Қонуннинг 3-моддаси таҳрирдан сўнг қуйидагича ўзгарди: «Журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир». Демак, янги таҳрирдан сўнг оммавий ахборот воситаларида ишламаган, ammo ахборот тайёрлаш билан шуғулланадиган шахс ҳам журналист, деб кўрсатилган.

Қонуннинг 4-моддаси янги таҳрирдан сўнг қуйидаги кўринишга эга бўлди: «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас». Биринчидан, модданинг аввалги кўринишида етишмаётган «оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига» деган жумла киритилди. Иккинчидан, «хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олиниши» жумласи «эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини» тарзида тўғирланди. Чунки тадбирлар ҳақидаги пресс-релиз аввалдан тарқатилади, мантиқан ўйлаб қараганда хабарлар ҳам, материаллар ҳам аввалдан келишилади, бунда журналист тайёрлаб бўлган материални келишиб олиши назарда тутилган.

Эски таҳрирдаги Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошида журналистнинг ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида «ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш» ҳуқуқига эга экани билдирилган эди. Янги таҳрирдан сўнг «ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш» деб тўғирланиб, таҳририятда фаолият юритаётган мусаҳҳиҳлар ва газета дизайнерлари ҳам журналистлик фаолиятини амалга оширувчиларга киритилди.

Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисми «соҳа сирини ошкор этмаслик» ва «касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш» мазмунидаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилди.

Қонуннинг 7-моддасига ҳам муҳим ўзгартиш киритилди: «Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сирини ҳисобланади». Зеро, ахборот манбаи ўзини ошкор қилмаслик ҳуқуқига эга.

Шунингдек, 7-модда «Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари» номли 7.1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, «журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг хулқ-атворида қўйиладиган талабларни белгиловчи қоидалар мажмуидан иборатдир». Ушбу қоидалар «журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг бирлашмалари томонидан белгиланади»ган бўлди.

Қонуннинг «Журналистни аккредитация қилиш» номли 11-моддаси 2014 йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг «Оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш» номли 17-моддасида келтирилган бандлар билан бойитилди.

Қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмида журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун қайси ҳолларда жавобгар бўлмаслиги аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги қонунига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди³. Бунда эски қонуннинг 1-моддаси матнидаги «ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши» деган сўзлар янги қонунда умумий тарзда «фаолияти» деган сўз билан алмаштирилди. 4-модданинг биринчи қисми «Оммавий

ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газета-лар, журналлар, ахборотномалар, бюллетен-лар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастур-лар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаси-дир» деган таҳрирда берилди.

Қонунинг 5-моддасига ҳам ўзгартишлар киритилди. Хусусан, «ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига муво-фиқ амалга оширади» деган жумла қуйи-дагича ўзгартирилди: «Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқону-ний қарорларидан, улар мансабдор шахс-ларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари-нинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки арала-шиш тақиқланади». Бу қоида журналистлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.

Шунингдек, 5-модда «оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қув-ватлаш» номли 5.1-модда билан тўлдирилди. Унга қўра, «давлат оммавий ахборот восита-ларини қуйидаги йўллар билан қўллаб-қув-ватлаши мумкин: солиқлар ҳамда бошқа маж-бурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш; давлат субси-диялари, давлат грантлари ва давлат ижти-мой буюртмалари тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш; моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тад-бирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; таҳририятлар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш; оммавий ахборот восита-ларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этиш; таҳририятлар ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга

ва уларнинг малакасини оширишга қўмак-лашиш. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас».

«Оммавий ахборот воситалари тўғриси-да»ги қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмидан сўнг қуйидагилар келтирилди: «Даврий босма нашрнинг электрон шаклида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: даврий нашрнинг номи; давлат рўйхатидан ўтказил-ганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси ва рақами; муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми); бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми; индекс, таҳририятнинг жойлашган ери (почта ва электрон манзили)». Бунда оммавий ахборот воситасининг электрон шакли нашрнинг қоғозда чоп этилган шакли билан бир хил кучга эга бўлиши белгиланди. Модданинг аввалги иккинчи қисми учинчи қисмга кўчирилди.

Қонуннинг «Оммавий ахборот воситаси-ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза» номли 20-моддаси қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилди: «Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилган тақдирда веб-сайтнинг домен номи кўрсатилади, бунда ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумот-ларни тақдим этиш талаб қилинмайди». Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Интернет сайтларининг оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтишида унинг даврий-лиги ва ҳажмини кўрсатишнинг имкони йўқ-лиги сабабли оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада уларни кўрсатиш шарт эмаслиги белгиланди.

Қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисми-да таҳрирдан сўнг рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилиш муддати қисқартирилди. Муддатнинг қисқартирилиши оммавий ахборот воситаси ташкил этиш истагида бўл-ган жисмоний ва юридик шахсларнинг ишчан-

лигига ижобий таъсир этиши аниқ. 24-модданинг учинчи қисмидаги «уч кун ичида ёзма шаклда» деган сўзлар «шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган қўшимча билан тўлдирилди. Бу эса ахборот алмашинуви жараёнида замонавий техник қурилмалардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Қонуннинг 27-моддаси қуйидаги биринчи қисм билан тўлдирилди, «ахборот ташувчи жисмларга ёзилган, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган, электрон техник қурилмалар ёрдамида фойдаланишга мўлжалланган газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқа даврий босма нашрлар даврий босма нашрнинг электрон шаклидир».

Шунингдек, Қонуннинг 27.1-моддасига ҳам қўшимча қилинди. Модданинг биринчи қисмида: «Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси Интернет тармоғидаги таҳририй-ноширлик жиҳатидан ишлов берилган, ўзгартирилмаган тарзда тарқатиш учун мўлжалланган, электрон шаклдаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсидир», деб белгилаб қўйилди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддаси иккинчи қисмидаги «оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» деган сўзлар янги таҳририда чиқариб ташланди. Натижада чет эл мухбирлари нафақат оммавий ахборот воситаларига алақадор, балки Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай қонунини бузса, белгиланган тартибда жазоланадиган бўлди.

Янги таҳрирдан сўнг 5-бобнинг «оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари» номи «оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа

ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари» тарзида ўзгарди. Бунда журналистларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан маълумот олиши ва уни тарқатиши янада мустаҳкамланди.

Қонуннинг 35-моддаси 35.1-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур муддатлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида ҳам келтирилган.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 40-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «матбуот хизматлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек уларнинг расмий веб-сайтлари» деган сўзлар билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, «оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ва «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунлари асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, «Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кучга кириши туфайли электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган ахборот хавфсизлик нуқтаи назаридан текширувдан ўтказилади ва ёш тоифалари ҳисобга олинган ҳолда эфирга узатиладиган бўлди.

¹ <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasining-ajrim-qonun-huzhhatlariga-ozgartish-va-qoshimchalar-kiritish-togrisida>

² «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 5-модда. https://lex.uz/paes/getact.aspx?lact_id=9540

³ Қаранг: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 4-5. — 110-модда.

Ф. Эшматова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, юридик фанлар номзоди;
Ф. Зайнобиддинова,
халқаро ҳуқуқ магистри

ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Мақолада халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти, белгилари, функциялари, қабул қиладиган қарорларининг шакллари, норма ижодкорлигининг бугунги ривожланиш тамойиллари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: халқаро парламент ташкилотлари, норма ижодкорлик фаолияти, белги, функция, ривожланиш тамойиллари.

Нормотворческая деятельность международных парламентских организаций

Аннотация. В статье исследована нормотворческая деятельность, признаки, функции международных парламентских организаций, формы постановлений, принимаемых ею, нынешние тенденции развития нормотворческой деятельности.

Ключевые слова: международные парламентские организации, нормотворческая деятельность, признаки, функции, тенденции развития.

Normative activity of international parliamentary organizations

Annotation. The article studies norm-setting activities, signs, functions of international parliamentary organizations, forms of resolutions adopted by it, current tendencies in the development of norm-setting activities.

Key words: international parliamentary organizations, norm-setting activities, signs, functions, development trends.

Халқаро ҳуқуқда норма ижодкорлиги фаолияти давлатлар ўртасида халқаро шартномалар тузилиши ва давлатларнинг халқаро ҳуқуқий нормани амалиётда тан олиши билан чекланмайди. Замонавий норма яратиш фаолиятига халқаро ташкилотлар ролининг ошиб бориши ҳам хосдир. Бу эса халқаро ташкилотларнинг мазкур фаолиятини халқаро норма ижодкорлигининг таркибий қисми сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

Чунончи, дунё сиёсатида бугунги демократлашув ва глобаллашув шароитларида тобора кўплаб халқаро ташкилотлар парламент органларини ташкил этмоқда, мавжудлари эса янгича функциялар билан тўлдирилиб, парламентаризм амалиётини инобатга олган ҳолда трансформациялаштирилмоқда¹. Бу, ўз навбатида, норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқ нормаларини унификациялаш ҳамда

парламентаризм ривожининг замонавий тамойиллари билан боғлиқдир.

Халқаро парламент ташкилотлари халқаро норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Норма ижодкорлиги ваколатларининг турлари, йўналишлари ва ҳажми ҳар қандай халқаро парламент ташкилотининг таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Шунингдек, вакилик органларининг истиқболи парламентларнинг миллий, минтақавий ва глобал даражаларда қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг кучайгани билан ҳам изоҳланади².

Минтақавий ташкилотлар доирасида ташкил этилган халқаро парламент тузилмалари бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Масалан, Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг судьяларини сайлайди,

ЕХХТнинг Парламент ассамблеясида ҳар бир аъзо давлат учун квота мавжуд. Африка Халқаро парламент иттифоқи эса Африка бирлиги ташкилоти билан юридик жиҳатдан боғлиқ эмас.

Шунингдек, умумий жиҳатдан халқаро парламент институтларининг қуйидаги **белгиларини** қайд этиш мумкин:

– кўп томонлама шартномавий асос (халқаро-ҳуқуқий ёки парламентлараро);

– фаолиятининг доимийлиги;

– ички ташкилий механизмнинг мавжудлиги;

– халқаро ҳуқуқий лаёқатга эгалик³.

XXI аср бошларига келиб халқаро парламент тузилмалари билан суверен давлатлар парламентлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик асосида норматив-ҳуқуқий база яратиш орқали замонавий халқаро ҳуқуқ ривожига катта ҳисса қўшилмоқда.

Бундай халқаро институтларнинг асосий вазифаларидан бири норма ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланишидир.

Чунончи, парламент тузилмаларининг мазкур функцияси МДХнинг Парламентлараро ассамблеяси тўғрисидаги Конвенциянинг 4-моддасида мустақамланган бўлиб, унга кўра Парламентлараро ассамблея иштирокчи давлатлар қонунчилигини ўзаро яқинлаштириш, турли соҳалар бўйича давлатлар ҳамкорлигини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилади. Шунингдек, мазкур халқаро институт 2005 йил 14 апрелдаги Низом⁴га кўра, иштирокчи давлатлар қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан намунавий қонун ҳужжатлари ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси консультатив орган саналиб, ўзида Европанинг 47 та мамлакати парламентларининг вакиллари билан бирлаштиради. Ассамблеянинг ҳар йили ўтказиладиган тўртта ялпи мажлис сессияларида Европа сиёсатининг долзарб муаммолари ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари кенг муҳокама этилиб, унга давлат ва ҳуқуматлар раҳбарлари ҳам таклиф этилади. Мазкур халқаро институт норма ижодкорлиги фаолияти доирасида қуйидаги **функцияларни** бажаради:

– Европа Кенгашида ишлаб чиқилган халқаро конвенциялар лойиҳаларини маъқуллайди;

– турли мавзулар бўйича депутатларнинг маърузалари асосида резолюция ва тавсиялар қабул қилади;

– Европа Кенгашига аъзоларни қабул қилиш шартларини белгилайди;

– янги миллий қонунлар қабул қилиш ташаббусини илгари суради, лойиҳалар тақдим этади ёхуд қонунчилик жараёнида аъзо-давлатларга ёрдам кўрсатади ва ҳоказо.

Халқаро норма ижодкорлиги халқаро ҳуқуқ субъектининг муайян масалаларда қарорлар қабул қилиш жараёни билан боғлиқдир. Кўплаб парламент ташкилотларида қарорлар уларнинг ялпи мажлисларида қабул қилинади ва турли шакллардаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Масалан, Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси уч турдаги ҳужжат (тавсия, резолюция, хулоса) қабул қилади. Тавсияларда Вазирлар қўмитасига йўналтирилган таклифлар қайд этилади. Резолюцияларда Ассамблеянинг ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари акс эттирилади. Янги аъзоларни қабул қилиш, конвенциялар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджетни шакллантириш борасида Вазирлар қўмитаси тақдим этган масалалар юзасидан хулосалар берилади. Тавсия ва хулосаларни қабул қилиш учун малакали кўпчилик овози талаб этилади, резолюция ва бошқа қарорларни қабул қилишда эса қатнашувчиларнинг оддий кўпчилик овози етарли ҳисобланади⁵.

МДХнинг Парламентлараро ассамблеясида **қарорларнинг** мурожаат, тавсия, таклиф ва меморандум **шакллари** қабул қилинади, шунингдек барча қарорлар, тавсиявий хусусиятга эгалигидан қатъи назар, консенсус асосида қабул қилинади. Европа Кенгашининг Парламент ассамблеясидан фарқли равишда, МДХ Парламентлараро ассамблеяси Регламентининг 2-модда 6-бандига кўра, ялпи мажлислар аъзо давлатлар парламент делегацияларининг учдан икки қисми иштирок этганида ваколатли саналади.

Халқаро парламент ташкилотларининг қарорлари одатда **тавсиявий хусусиятга** эга бўлади. Бироқ, айтиш жоизки, парламент ташкилотларидан энг қадимгиси ҳисобланмиш 1889 йилда тузилган Парламентлараро Иттифоқнинг қарорлари юридик аҳамият касб этмаса-да, дунёдаги кўплаб давлатлар қонун чиқарувчи органлари вакилларининг фикри ва иродасини ифода этгани сабабли, жаҳон ҳамжамияти, давлатлар ва халқаро ташкилотлар фаолиятига салмоқли таъсир кўрсатди. Шунингдек, Африка Халқаро парламент иттифоқининг қарор ва тавсиялари ҳам юридик кучга эга эмас, лекин мажбурий тартибда парламент гуруҳлари томонидан давлатлар парламентларига етказилади ва уларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида бош котибга ҳисобот бериш талаб этилади.

Шу ўринда, Халқаро парламент ташкилотлари **норма ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиш тамойилларига** тўхталиш ўринлидир. Жумладан, халқаро парламент институтлари ваколат доираларининг кенгайиши, яъни ҳукуматлараро даражада ишлаб чиқилган мажбурий норматив актлар билан мустақамланадиган тавсияларнинг чиқарилиши; халқаро парламент институтлари ва ҳукуматлараро орган ўртасидаги алоқаларда номувофиқликлар юзага келганда мажбурий амал қилиниши лозим бўлган жараёнларнинг жорий этилганлиги, ХПИ фаолиятига доир ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштирилганлиги – мазкур институт тараққиётининг янги босқичини ҳамда яқин келажак учун ривожланишнинг ўзига хос тамойилларини англатади. Бундан ташқари, халқаро парламент институтлари ҳуқуқий мақомининг кучайиши, хусусан, давлатлар

томонидан халқаро шартнома асосида ташкил этиладиган халқаро парламент институтлари ваколатлари нуқтаи назаридан ҳамда функционал ва институционал муносабатларда кўпроқ такомиллашганлиги, таъсис ҳужжати асосида ҳуқуқий лаёқат, муайян имтиёз ва иммунитетларга эга бўлиши бу борадаги яна бир тамойилидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги халқаро ҳуқуқий глобаллашув жараёни – ҳуқуқнинг янги истиқболли йўналишларига асос солиш ва уни ўқув-услубий жиҳатдан тизимли ўрганишни тақозо этмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, дунёдаги қадимги ва нуфузли парламент ташкилотларидан бири ҳисобланган Парламентлараро иттифоқнинг 2017 йил октябрда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 137-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси глобал парламентлар ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида ўз иштирокини тиклаши тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеясида ҳам аъзолигимизнинг тиклангани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси тадбирларида парламентимиз вакилларининг мунтазам равишда иштирок этаётгани улкан аҳамиятга эга бўлди. Зеро, Ўзбекистон ушбу ташкилотлар доирасида ҳам норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этади.

Халқаро парламент ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини тадқиқ этиш ҳамда мазкур жараёнларга хос хусусият ва ривожланиш тамойилларини ўрганиш ҳозирги халқаро ҳуқуқий амалиёт ва миллий парламентаризм ривожини учун муҳимдир.

¹ Виноградова А.А. Межпарламентские институты: критерии и классификация. «Обозреватель – Observer». 6/2012 С.90.

² Саидов А. Х. Национальные парламенты мира: Энциклопедический справочник. – М.: Российская академия наук. Институт государства и права, Волгерс Клувер, 2005. – 673 с.

³ Claudia Kissling. The Legal and Political Status of International Parliamentary Institutions. Committee for a Democratic U.N. – Berlin, Germany, January 2011. – P. 17.

⁴ Положение о разработке модельных законодательных актов и рекомендаций Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств. http://iacis.ru/upload/iblock/789/regl_ipa.pdf (accessed 12.05.2017)

⁵ Rules of Procedure of the Assembly. Resolution 1202 (1999) adopted on 4 November 1999. P.136. <http://www.assembly.coe.int/nw/xml/RoP/Rules-EN.pdf> (accessed 15.05.2017)

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА «ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарурати асослантилган, Қонуннинг тузилиши, ундаги асосий қоидалар очиб берилган, ушбу соҳадаги хорижий тажриба таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: давлат хариди, электрон харидлар, электрон дўкон, давлат буюртмачиси, махсус ахборот портали, давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги очиқлик ва шаффофлик.

Место и значение закона «О государственной закупке» в предупреждении коррупции

Аннотация. В статье обосновывается необходимость принятия Закона Республики Узбекистан «О государственных закупках». Раскрыта структура закона, его основные положения, проанализирован зарубежный опыт в данной сфере.

Ключевые слова: государственная закупка, электронный магазин, электронные государственные закупки, специальный информационный портал, открытость и прозрачность государственных закупок.

The place and significance of the law «on state procurement» in the prevention of corruption

Annotation. The article substantiates the necessity of adopting the Law of the Republic of Uzbekistan «On Public Procurement». The structure of the law, its main provisions are disclosed, is analyzed foreign experience in this field.

Key words: state purchase, electronic store, electronic state purchases, special information portal, openness and transparency of government purchases.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 2 февраль) қарори билан тасдиқланган Давлат дастурида жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, хусусан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатлари, сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ана шундай устувор вазифалардан бири эди.

Қонунни қабул қилишдан қуйидаги мақсадлар кўзланган эди:

— давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ меха-

низмини яратиш, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

— давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

— давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш;

— электрон харидларни янада ривожлантириш ва бошқалар¹.

2018 йил 9 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилинди. Ушбу қонунни қабул қилиш зарурати қуйидагилар билан боғлиқ:

биринчидан, давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатимизда давлат харидларига оид 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Лекин ушбу ҳужжатларда ҳуқуқий асос аниқ, уйғун, тўлиқ акс эттирилмаган

ёки мувофиқлаштирилмаган бўлиб, кўпгина қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Давлат харидларига доир қонунчиликдаги бу каби камчиликлар натижасида тизимда, энг аввало, сарфланган маблағдан оптимал фойда олиш ҳамда давлат эҳтиёжларини энг қулай тарзда қаноатлантирадиган харидлар жараёнларининг тежамлилиги, самарадорлиги ва шаффофлиги ҳамда барча иштирокчиларга нисбатан тенг, холисона ва одилона муносабат, шунингдек инсофли етказиб берувчилар учун давлат харидлари бозорида жозибадорлик ва рақобат муҳити, коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш таъминланмаган. Бундан ташқари, соҳага оид амалдаги қонунчилик нормалари талаб даражасида эмаслиги оқибатида давлат сектори зарур товар, иш ва хизматларни харид қилиш учун кўп вақт сарфлашига тўғри келган, инвестиция дастуридаги кўп лойиҳаларни амалга ошириш эса кечиккан;

иккинчидан, давлат харидларини тартибга соладиган ва бир-бирига қарама-қарши ҳамда эскирган нормаларни бартараф этишга, давлат харидлари тизимининг очиқ-ошкоралигини оширишга, шунингдек амалдаги нормаларни, харид қатнашчиларининг ваколатларини тизимлаштиришга, коррупция келтириб чиқарувчи омилларни камайтиришга қаратилган, тўғридан-тўғри амал қилувчи яхлит ҳуқуқий асос яратиш лозим эди.

Шу ўринда давлат хариди институти-нинг ҳуқуқий механизмларини таҳлил қилиш жараёнида «давлат хариди» тушунчасига тўхталиш жоиз. Хусусан, **давлат хариди** деганда ҳукумат ёки давлат идоралари бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб оладиган, мамлакат ёки чет элларда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тушунилади². Улар давлат секторини юқори сифатли барча зарур товарлар билан керакли миқдорда ва мақбул нархларда таъминлайди.

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши давлат секторидида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни камай-тиришда, давлат харидлари тизимининг

очиқ-ошкоралигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Қонун 12 та боб ва 79 та моддадан иборат бўлиб, давлат харидларининг барча босқичларида мавжуд маблағдан оқилона фойдаланиш, тадбиркорлар ўртасидаги рақобатнинг очиқ ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Унда иштирокчидарга қўйилган умумий талаблар, электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, танлов, тендер, ягона мол етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари, шикоят қилиш механизми камраб олинган.

Шунингдек, қонун билан коррупцияга йўл қўймаслик принципи давлат харидлари иштирокчиларининг давлат буюртмачисининг касбий маҳорати, асосланганлик, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиқлик ва шаффофлик каби асосий принциплари қаторида белгилаб қўйилди. Жумладан, харид қилиш жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши керак.

Қонуннинг амалга киритилиши натижасида давлат харидларининг барча турлари учун махсус **ахборот портали** жорий этилади. Электрон дўкон ва аукционда голибни аниқлаш электрон тизим орқали автоматик тарзда амалга оширилади, махсус талаблар қўйилмайдиган товарлар (иш ва хизматлар) электрон дўкон орқали харид қилинади, харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг ва назорат амалга оширилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 5120-сон фармони билан **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги** ташкил этилган эди³. Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сифатида

белгиланди. Ушбу органга давлат харидлари соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш чораларини кўриш, махсус ахборот порталининг операторини ҳамда унинг давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги фаолияти қоидаларини белгилаш, давлат харидларини амалга ошириш усулини танлаш тартиб-таомилларини белгилаш, харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, хабарнинг, харид қилиш ҳужжатларининг, харид қилиш иштирокчиси таклифининг, харид қилишда иштирок этиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасининг намунавий нусхаларини тасдиқлаш каби **ваколатлар** берилди.

Қонунда давлат буюртмачилари ва махсус ахборот портали оператори давлат харидларини ўтказиш учун одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиши, давлат буюртмачисининг, махсус ахборот портали операторининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмаслигидан иборат **асосий қоидаларнинг** назарда тутилиши давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Давлат секторида коррупциянинг олдини олиш учун қонунда кўзда тутилган муҳим шартлардан бири **давлат харидлари жараёнида қатъий чекловлар** белгиланишидир. Жумладан, давлат хариди жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

иштирокчиларни камситиш, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёз ёки преференциялар бериш;

манфаатлар тўқнашуви;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланмаган усулларини қонунга хилоф равишда танлаш, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклаш ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни ошириш, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллари (бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно);

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктириши;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш ёки тарқатиш, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклаш;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлаш;

иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар бериши, кейинчалик шартномани имзолани ёки уни тегишли тарзда ижро этишни рад этиши;

давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритиш;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлиши;

молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга ошириш.

Хорижий давлатлар, айниқса, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси ҳам давлат харидлари соҳасидаги масалалар алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинганини кўрсатади. Масалан, Францияда «Давлат харидлари кодекси», АҚШда «Федерал харидлар қонун-қоидалар тўплами», Хитойда «Давлат харидлари учун

тендер тартиби тўғрисида»ги қонун, ундан ташқари, ҳар бир вилоятнинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти харидлари тўғрисида»ги қонунлари мавжуд. Россияда «Федерал контракт тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунларнинг энг яхши тарафлари эътиборга олиниб, ЮНСИТРАЛ (Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси) томонидан давлат харидлари тўғрисидаги модель қонун ишлаб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун ҳужжати давлат харидларини амалга ошириш

жараёнидаги очиқлик ва шаффофликни таъминлайди; электрон форматдаги давлат ва жамоат назорати эса соҳада рақобат муҳитини яратиш, давлат бюджети ҳамда марказлашган манбалар ва давлат улушига эга корхоналар маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради; энг асосийси, давлат харидлари тизимида, қолаверса, давлат секторида коррупциянинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари такомиллашувига асос бўлади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 10 апрель, 03/18/472/1050-сон

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 3. — Т., 2002. — Б. 167.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 30. — 722-м.

«Жинойт ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш — инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш кафолати» мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жинойий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 24 апрель куни ИИВ Академиясида ана шу мавзуда республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Конференцияда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашишда янгича ёндашув пайдо бўлаётгани, бунда асосий эътибор жиноятларнинг барвақт профилактикаси, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органларининг очиқлигини таъминлаш орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришга, оммавий ахборот воситалари орқали халқнинг ушбу жараёнларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва жамоатчилик назоратининг янги йўналишларини очишга қаратилаётгани, энг асосийси, ушбу фаолият «Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун» принципи асосида олиб борилаётгани таъкидланди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясининг яратилиши ва амалга оширилиши, аввало, миллий қонунчиликни янада либераллаштириш, мавжуд ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб этиши тўғрисида фикрлар билдирилди.

Анжуманда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясининг асосий жиҳатлари, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, ишни судга қадар юритиш тартибини соддалаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал рағбатлантирувчи нормаларни янада такомиллаштириш, жиноят қонуни ижодкорлигида криминализация ва декриминализация ҳуқуқий принципнинг бугунги аҳамияти, жиноят қонунчилигида жазо институтини либераллаштириш, янги турдаги муқобил жазоларни миллий қонунчилигимизда жорий этиш ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек айрим турдаги жиноятларга қарши курашишнинг мустақкам чораларини амалга ошириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Илмий-амалий конференция якунида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш, мазкур қонунларнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустақкамлаш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклиф ва тавсиялар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Э. Ш. Ҳайитов,

ИИВ Академиясининг мустақил изланувчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг моҳияти, вазифалари, аҳамияти ва ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган, амалга оширилган таҳлиллар асосида махфий ҳуқуқ ижодкорлигининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, кўрсатмаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, «идоравий ҳужжат» тушунчасига аниқлик киритиш ҳамда Ички ишлар вазирлиги регламентини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, ҳуқуқ ижодкорлиги, идоравий ҳуқуқий ҳужжат, махфий ҳужжат, ҳаволаки норма, кўрсатма, регламент.

Правотворческая деятельность органов внутренних дел: современное состояние и пути дальнейшего совершенствования

Аннотация. В статье рассмотрены понятие, задачи, значение и правовые основы правотворческой деятельности органов внутренних дел. На основе проведенного анализа выработаны конкретные предложения по разработке правовых основ секретного правотворчества, определению понятия ведомственного акта, а также принятия регламента Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Ключевые слова: органы внутренних дел, правотворчество, ведомственный правовой акт, секретный акт, отсылочная норма, указание, регламент.

Lawmaking activity of internal affairs bodies: the current condition and ways of further improvement

Annotation: In this article, the concept, tasks, meanings and legal bases of the law-making activity of the internal affairs bodies have been studied. In the article, on the basis of the analysis, concrete proposals have been worked out on the development of the legal basis for secret law-making, definition of the concept of a departmental act, and the adoption of the Regulations of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Key words: internal affairs bodies, law-making, departmental legal act, secret act, referential norm, instruction, regulation.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳалар сингари ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тартибга солиш борасида ҳам ўзига хос миллий тажриба шаклланди. Хусусан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база яратилди, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар белгиланди, уларнинг лойиҳаларини тайёр-

лаш, кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, жамоатчилик ва илмий-экспертлар муҳокамасига тақдим этиш ва қабул қилишга оид муҳим ҳуқуқий асослар яратилди. Булар натижасида ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солувчи, қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминловчи ҳар томонлама мукамал идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул

қилиш, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона амалиётни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришилди.

Шундай бўлса-да, бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир қатор камчиликлардан холи эмас. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда. Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Бу борадаги ишларни ташкил этишда, авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур»¹. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5505-сон фармони қабул қилиниши ушбу соҳада кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бугун ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш зарурати юзага келди. Хусусан, 2017-2018 йилларда ички ишлар органларини ислоҳ этишга қаратилган 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам мазкур тизимда ушбу нормалар тўлақонли ижро этилиши учун ҳуқуқ ижодкорлигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқ ижодкорлиги – идоравий бошқарув фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, хулқ-атворнинг умумий қоидаларини таърифлаш борасидаги мураккаб фаолият. Ҳуқуқ ижодкорлиги изчил, фаол, ўз хусусиятига кўра давлат аҳамиятига молик фаолиятдир. У доимо ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситаси бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳуқуқ ижодкорлиги давлатнинг типи, шакли, механизм ва функциялари билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқий маданият даражаси, қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг сифати жамиятдаги маърифат ва демократизм кўрсаткичидир.

Ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш жараёнини ўрганмасдан туриб уларнинг пайдо бўлиши, мавжудлиги ва амал қилишини тушуниб бўлмайди. Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуққа ҳаёт бахш этади, уни яратади, шакллантиради ва расмийлаштиради, унинг ижтимоий ҳаётда «яшаб кетиши» учун йўл очади. Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқий ҳужжатлар ривожланишининг дастлабки босқичи ҳисобланади, ҳуқуқнинг амал қилишига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни қамраб олади. Ҳуқуқ ижодкорлигига ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий ва илмий қизиқишнинг кучлилиги айти шу ҳол билан изоҳланади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади ва тегишли соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлат-ҳокимият ваколатларини амалга оширади. Натижада ижро этувчи ҳокимиятга кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан тегишли соҳа доирасида амал қилувчи норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга мажбурий қоидалар, хусусан вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларининг буйруқлари ва қарорлари вужудга келади («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси).

Шундай қилиб, ҳуқуқ ижодкорлиги касбий фаолият бўлиб, уни амалга ошириш

жараёнида ваколатли субъектлар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасидаги эҳтиёжларни қондириш мақсадида тегишли тартиб-таомиллар доирасида муайян усул ва методларни қўллаш орқали ҳуқуқ нормаларини яратади ва қабул қилади (шунингдек, уларни ўзгартиради ва бекор қилади).

Амалиёт идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги у ёки бу тор доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Тарихий жараён идоравий ҳуқуқ ижодкорлигининг роли, ҳажми ва миқёси аста-секин торайиб бораётганидан, аниқроқ айтганда, аниқлашаётгани, муайян мезонлар билан чегараланаётганидан далолат бермоқда. Ҳуқуқ ижодкорлиги функция бўлмаса, ички ишлар органлари давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга ошира олмас эди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир-бирига зид нормалар пайдо бўлишининг олдини олади ва ҳуқуқ тизимининг сифат даражасини оширади. Ҳуқуқ ижодкорлигининг яна бир муҳим вазифаси вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига зид келишининг олдини олишдир. Шу боис, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилаётган вазирлик ва идоралар уни бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишиши йўлга қўйилган. Ўз навбатида, ушбу амалиёт ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиради.

Вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни қонуности ҳужжатлар билан ҳам тартибга солиниши белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда 2565-сон билан рўйхатга олинган «Идора-

вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» ана шулар жумласидандир. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳозирги кунда вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан, «идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат – вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан белгиланган тарзда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат» ҳисобланади.

Идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқ нормаларини яратиш борасидаги фаолиятнинг бошқа турлари билан бир қаторда, идораларнинг ижроия фаолиятини уйғун ва изчил амалга оширишга ҳамда юқори турувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширишга замин яратади. Идоравий ҳуқуқ ижодкорлигини давлатнинг маъмурий сиёсатини ифодалаш воситаларидан бири деса ҳам бўлади, чунки унинг ёрдамида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарувининг мазмуни ва шаклини аниқлаш мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими яхлит, ўзаро боғлиқ, ягона мажмуани ҳосил қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мустақил тармоғидир. Тизимлилик – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хос муҳим белги. Ушбу хусусият идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳужжатларнинг тасодифий йиғиндиси эмас, балки муайян мақсадда шакллантирилган ягона тизим эканлигини англатади. Айни вақтда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига кирувчи ҳужжатлар ўзига хос жиҳатларига, амалга ошириш механизмларига эга эканлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайд.

Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги, аввало, унинг ташкил этилиши билан боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни учун норматив ҳужжатлар мазмуни, уларни тайёрлаш ва

қабул қилиш шакллари ҳамда усулларини таҳлил қилиш айниқса муҳим.

Норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилиш жараёнининг сифати ва таъсирчанлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВда махсус хизмат мавжуд. Таъкидлаш лозимки, ушбу тузилма мустақиллик йилларида ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Чунончи, 2009 йилга қадар ҳуқуқ ижодкорлиги функциясини Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа бошқармаси бажарган бўлса, 2009 йилда мазкур бошқарма негизида аниқ белгиланган функция ва ваколатларга эга Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил этилди (*Ўзбекистон Республикаси ИИВ-нинг 2009 йил 12 январдаги 8-сон буйруғи*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сон фармони билан ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими негизида Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилди.

В настоящее время специализация сотрудников по родам экспертиз, объектам и методам исследования положена в основу структурной организации государственных судебных экспертных учреждений. Этот принцип является основополагающим в их деятельности, поскольку только специализация способна обеспечить достойный уровень качества производства экспертиз и рациональное использование различных ресурсов. Практика показывает, что сотрудники экспертно-криминалистических подразделений среднего и высшего звена обычно специализируются на производстве трех или четырех видов экспертиз, что позволяет им сконцентрировать усилия на совершенствовании знаний и практических навыков в конкретной области и со временем стать высококвалифицированными специалистами. Сотрудники же экспертно-криминалистических учреждений низшего звена практикуют выполнение большего числа видов традиционных криминалистических экспертиз, тем самым не имеют возможности сконцентрировать усилие на одном из видов экспертиз, а также дальнейшего совершенствования производства какого либо единого вида экспертизы, что практикуется в странах Европы, которое очень удобно и практично для специалиста.

Исходя из сказанного, необходимо критически подойти к сложившейся системе обучения курсантов до уровня права получения самостоятельного производства всех традиционных криминалистических экспертиз. Кроме того, данная практика является экономически нецелесообразной, так как приводит к нерациональному расходованию финансовых средств и материальных ресурсов.

Имеющаяся в вузах системы МВД практика непредоставления курсанту права самостоятельного производства того вида экспертизы, по которому у него выявлены неудовлетворительные знания, является своего рода полумерой. Так, если курсант имеет плохую успеваемость по одному предмету экспертной специальности, то, вероятнее всего, его знания и по другим предметам будут посредственными, что обусловлено общим отношением к учебе. В итоге из учебного заведения выпускается специалист сомнительной квалификации, который также посредственно будет исполнять свои профессиональные обязанности.

Эксперт-криминалист обязательно должен обладать глубокими знаниями в области естественных наук, аналитическим складом ума и склонностью к экспертной деятельности. Обеспечить такую совокупность может лишь та система подготовки экспертов, которая отбирает лиц, склонных к естественным наукам. Для обеспечения такого отбора во всех формах подготовки экспертов-криминалистов в развитых странах глубокая естественно-научная подготовка предшествует получению правовых знаний. Сложившаяся у нас академическая система подготовки экспертов-криминалистов предполагает обратный порядок, что крайне негативно отражается на качестве подготовки выпускников. Учитывая опыт экспертных подразделений, следует добавить, что выпускники технических вузов, имеющие естественно-научную и техническую подготовку, поступаая на должность эксперта, достаточно быстро по ученической системе осваивают различные экспертные специальности и становятся более успешными экспертами, чем выпускники профильных учебных заведений системы МВД.

Кроме естественно-научной подготовки современному квалифицированному специалисту просто необходимы знания компьютерной техники и программирования, которые потребуются при использовании компьютерных средств поддержки принятия

экспертных решений. Содержание дисциплины, преподаваемой на кафедре «Информационные технологии», в том виде, в котором она отражена в ГОС ВПО (Государственного образовательного стандарта высшего профессионального образования) по специальности «Экспертно-криминалистическая деятельность», имеет больше ознакомительный характер и отчасти дублирует курс средней школы. Поэтому есть все основания углубить изучение дисциплины для данной специализации. Это позволит курсантам изучить графические редакторы, локальные сети, принципы издания и управления автоматизированными базами данных, т.е. получить знания, позволяющие самостоятельно решать задачи в области информатики и компьютерной техники.

Во-вторых, необходимо введение потенциальных курсов, дополняющих дисциплины по научным основам и методикам криминалистических экспертиз, имеющих выраженный технический уклон, должны быть включены курсы, объединяющие изучение физических основ устройства и функционирования стрелкового оружия, внутренней и внешней баллистики стрелкового оружия, технологии производства стрелкового оружия, физических основ устройства и функционирования боеприпасов стрелкового оружия. Помимо этого, для успешного изучения указанных наук курсанты должны обладать навыками по инженерной графике, иметь базовые знания по теоретической механике, теории машин и механизмов, деталям машин, сопротивлению материалов и т.п., которые должны быть включены в раздел общепрофессиональных дисциплин образовательного стандарта по данной деятельности.

В соответствии со спецификой криминалистических экспертиз производящее экспертизу лицо должно обладать помимо познаний в базовых науках, например естествознании, филологии, экономике, специфическими знаниями именно в области

исследования вещественных доказательств, владеть сертифицированными и утвержденными методиками экспертного исследования, а кроме того – глубокими знаниями в области юридических наук. В процессе производства экспертизы решаются вопросы, требующие специальных знаний в области науки, техники, искусства или ремесла, необходимых для дачи заключения². Исследование представленных на экспертизу объектов осуществляется в соответствии с принятыми и утвержденными методиками и абсолютно не зависит от вида процесса (уголовный, административный, гражданский и пр.). Эксперт действует в рамках закона, определенных соответствующим процессуальным правом, но для того чтобы не выходить за рамки закона не обязательно изучать административное право, экологическое право, трудовое право и т.д. Полагаем, что основы правовых знаний, необходимых эксперту, должны преподаваться в рамках дисциплины «Правоведение».

В заключение следует отметить, что одним из условий достижения высокого качества подготовки экспертов-криминалистов может служить реализация так называемого компетентностного подхода в образовании.

Профессиональная компетентность подразумевает помимо технологической подготовки целый ряд других компонентов,

имеющих в основном внепрофессиональный или надпрофессиональный характер, но в то же время необходимых сегодня каждому специалисту. Это прежде всего такие качества личности, как самостоятельность, способность принимать ответственные решения, творческий подход к делу, умение доводить его до конца, умение постоянно учиться и обновлять свои знания; мышление, гибкость, абстрактное, системное и экспериментальное мышление; такие коммуникативные качества, как коммуникабельность, способность к сотрудничеству, умение вести диалог.

Профессиональная компетентность – это уровень собственно профессионального образования, опыт и индивидуальные способности человека, его мотивированное стремление к непрерывному самообразованию и самосовершенствованию, творческое и ответственное отношение к делу.

Использование компетентностного подхода в подготовке экспертных кадров согласуется с общемировыми требованиями, предъявляемыми к качеству современного образования. Указанный подход позволит перейти от обучения преимущественно информационного характера к подготовке специалиста, способного уверенно ориентироваться и принимать обоснованные решения в изменяющихся условиях.

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений» от 17 апреля 2017 года // Собрание законодательства РУз. – 2017. – №15.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. – Т., 2016.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган ҳамда соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, ҳуқуқий асослар.

Совершенствование правовых основ деятельности строевых подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности

Аннотация. В статье анализируются правовые основы деятельности строевых подразделений патрульно-постовой службы в обеспечении общественной безопасности, предлагаются рекомендации по совершенствованию правовой базы в данной сфере.

Ключевые слова: органы внутренних дел, строевые подразделения патрульно-постовой службы, правовые основы.

Improvement of legal bases of activity of stage departments of patrol-post office of internal affairs for public protection and public security

Annotation. The article analyzes the legal bases for the activity of the combat units of the patrol and guard service in ensuring public safety and suggests recommendations for improving the legal framework in this area.

Key words: bodies of internal affairs, combat units and units of the patrol and inspection service, normative-provagative acts.

Республикамизда юз бераётган демократия ва ошкоралик жараёнлари, қонунийликни мустаҳкамлаш зарурати билан кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган шаҳар марказлари ва бошқа жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш жуда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифани бажаришда патруль-пост хизмати муҳим ўрин тутади.

Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолиятининг кўплаб йўналишлари орасида унинг сифат даражасини белгиловчилари мавжуд бўлганидек, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг асосий фаолият тури жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар бажарилди. Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида республикамизда кўча ва жамоат жойларида жамоат тартибни сақловчи ва аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ўзига хос тизим шаклланди.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат

тартибни сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, фаолиятнинг ҳуқуқий базаси яратилган. Жумладан, жамиятда жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1999 йил 20 август), «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги (2009 йил 30 сентябрь), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, (2010 йил 29 сентябрь), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Айниқса, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши бугун ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасида ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларнинг ягона тизимга солинишини таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди¹.

Қонунда патруль-пост ва жамоат тартибни сақлаш хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибни, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) 5005-сон фармонида. Ушбу Фармонда патруль-пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш бўлинмаларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминловчи моддий-техник жиҳозланиши даражасини мустақкамлаш, замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди².

Шунингдек, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўрин тутадиган яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 1 май) 2940-сон қароридир.

Қарорга мувофиқ, *биринчидан*, жамоат тартибни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланди; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш бош бошқармаси ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва идораларнинг жамоат тартибни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириши белгиланди; *учинчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларига кирмайдиган жойларда жамоат тартибни ва хавфсизликни таъминлаш туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шу жумладан профилактика инспекторлари зиммасига юклатилди; *тўртинчидан*, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси Патруль-пост хизмати бригадаси таркибида «Отлиқ отряд» ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди; *бешинчидан*, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришда асосий вазифа, функция, ҳуқуқ ва мажбуриятларни қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги (2018 йил 14 февраль) 3528-сон қарори асосида Тошкент шаҳридаги шаҳар ички ишлар бўлимлари ички ишлар бўлимлари сифатида қайта ташкил этилди ва улар зиммасига секторлар ҳудудларида жамоат тартиби сақланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилди. Шу билан бирга, ички ишлар бўлимлари раҳбарларига қўл остидагилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик дислокациясини белгилаш ҳуқуқлари берилди.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2018 йил 19 июнь) 3786-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда қуйидагилар назарда тутилди:

1) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Олий суди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2018 йилнинг 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қуйидагиларни назарда тутадиган «Хавфсиз пойтахт» концепциясини эксперимент тариқасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди ҳамда соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш орқали куну туну *уч сменали* патруль режими ташкил этилди;

2) патруллик қилиш учун бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кучлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланиши белгиланди;

3) ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга жамоат тартибини таъминлаш кучларининг энг яқин патруль гуруҳи дарҳол етиб келишини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича тезкор чора кўриш мақсадида ҳамда концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларининг фаолият юритиши амалиёти жорий этилди, улар ички ишлар бўлимларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларига бириктирилди;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички

ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари лавозимларига ўзгартирилди ҳамда улар зиммасига ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг самарали ва ўзаро боғлиқ фаолият юритишини ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди;

5) Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилди.

Шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг штат бирликларига тегишли ўзгартишлар киритиш, ходимларнинг хизматини рағбатлантириш, ижтимоий таъминот ҳамда соҳани замонавий махсус воситалар билан жиҳозлаш каби вазифалар қўйилди.

Шу билан бирга, Ички ишлар вазирлигининг соҳага оид бир қатор идоравий ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий базаси такомиллашди.

Бу эса, ўз навбатида, ижобий самарасини бера бошлади. Жумладан, биргина ўтган 2017 йилни олиб қарайдиган бўлсак, ҳусусан, республика ҳудудида 26 302 041 нафар фуқаро иштирокида 33 284 маротаба оммавий тадбир ўтказилиб, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги тўлиқ таъминланди. Шу билан бирга, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 350 тага (-6,5%), кўчаларда содир этилган жиноятлар сони 193 тага (-6,2%), патруль-пост хизмати саф бўлинмалари хизмат ўтайдиган йирик шаҳарларнинг жамоат жойларида содир этилган

жиноятлар сони 277 тага (-7,5%) камайишига эришилди. Бундан ташқари, жами 19 199 та жиноят патруль-пост нарядлари иштирокида фош этилди, 629 та жиноятнинг олди олинди, 1 200 нафар қидирувда юрган ва 82 нафар бедарак йўқолган шахслар аниқланди⁴.

Бироқ, соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш борасида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ижтимоий муносабатлар алоҳида қонун доирасида тартибга солилмаганлиги боис, бир қатор муаммо ва қийинчиликлар вужудга келмоқда. Масалан, *биринчидан*, оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартибининг сақланишини таъминловчи ҳуқуқий нормаларнинг тарқоқлигига, қонуности ҳужжатлар ўртасидаги узилишларга сабаб бўлмоқда; *иккинчидан*, бугунги кунда оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартиби сақлаш соҳасидаги муносабатлар бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларнинг тегишли нормалари билан тартибга солиниши ушбу соҳадаги муносабатларни тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмлари мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда; *учинчидан*, оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартибини сақлаш фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларнинг тизимлаштирилмаганлиги ушбу соҳа субъектларининг хизмат фаолиятида *ҳуқуқни қўллаш* бўйича тушунмовчиликлар келтириб чиқармоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи бошқа субъектлар қатори патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг амалдаги нормалар асосида тартибга солинаётган ушбу фаолияти етарли эмаслигини кўрсатади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маъруза-

сида таъкидлаганидек, «айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур»⁵. Давлат раҳбарининг ушбу сўзлари жамиятнинг барча соҳалари қатори жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Соҳанинг ўта масъулиятли ва серқирра фаолиятини тартибга солиш, фаолиятга оид ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги асосий қоидаларнинг бир тизимга солишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида» қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу қонуннинг **асосий мақсади** оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

«Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, қонунда «оммавий тадбирлар» ва ушбу соҳага тегишли бошқа асосий тушунчаларига таърифлар бериш;

иккинчидан, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, ушбу шароитда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчиларнинг ваколатларини аниқ белгилаш;

учинчидан, оммавий тадбирлар қатнашчиларининг жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳамда оммавий тадбирлар ўтказувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

тўртинчидан, оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни ҳам мазкур қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши оммавий тадбирлар шароитида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чоратадбирлар кўришга имкон беради.

¹ *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни - тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2016. — № 4. — Б. 21.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 20. — 357-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББнинг 2017 йил мобайнидаги хизмат фаолияти тўғрисида маълумотномаси. — 2017.

⁵ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза (2016 йил 7 декабрь) // Халқ сўзи. — 2016. — 8 дек.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифалари таҳлил қилинган ҳамда соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари, қўриқлаш хизмати, қўриқланаётган объектлар, ўта муҳим, тоифаланган объектлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки.

Реформы, осуществляемые в деятельности службы охраны органов внутренних дел

Аннотация. В статье проанализированы правовые основы деятельности, функциональные задачи службы охраны органов внутренних дел, выдвинуты предложения по дальнейшему совершенствованию ее эффективности.

Ключевые слова: органы внутренних дел, служба охраны, охраняемые объекты, особо важные и категоризованные объекты, собственность физических и юридических лиц.

Reforms carried out in the activity of the security service of internal affairs bodies

Annotation. The article analyzes the functional foundations of the legal basis for the activities of the security service of internal affairs bodies, and proposes proposals for further improving its effectiveness.

Key words: organ of internal affairs security service, protected objects, especially important, categorized objects, property of individuals and legal entities.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар замирида ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилиш вазифаси белгиланди¹. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали маросимда бу борадаги масалага алоҳида тўхталиб, «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур»², дея таъкидлади.

Ўтган даврда ички ишлар органларининг фаолиятида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятчиликка қарши курашда қонунийлик ва адолатни таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 й.), «Тезкор-қидрув фаолияти тўғрисида»ги (2012 й.), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 й.), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 й.) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони (2017 й.), «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш

тартибини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарори (2017 й.) асосида янги амалий-ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилди.

Жумладан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, «давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш» ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланди³. Мазкур қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Республика ҳукумати томонидан ички ишлар органларининг қўриқлаш фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон) фармони қабул қилинди⁴.

Фармон ички ишлар органларининг қўриқлаш фаолиятида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутди. Жумладан, мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг қўриқлаш хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкни қўриқлаш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлиги янада оширилди. Шунингдек, Фармон ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги 421-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида янги босқични бошлаб берди⁵. Жумладан, ушбу қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг қўриқлаш хизмати ҳақида»ги низомда қўриқлаш бўлинмаларининг ташкилий тузилиши, вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари белгилаб берилди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ҳуқуқни қўллаш амалиётига аввал мавжуд бўлмаган ҳуқуқий таъриф ва тушунчалар киритилди. Жумладан, қўриқлаш хизматининг давлат объектлари ва бошқа объектларнинг, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкнинг шартнома асосида қўриқланишини ташкил этувчи таркибий бўлинмалари тизими янгидан ташкил этилди. Шу билан бирга, қўриқлаш хизмати тизимига оид «идоравий қўриқлаш», «қўриқланадиган объектлар», «наряд», «объект ички режими» каби муҳим тушунчаларга янги ҳуқуқий таърифлар берилди.

Ҳукумат қарорга мувофиқ, қўриқлаш хизматининг тизимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармаси, Мустақиллик майдони ва у ерда жойлашган биноларни қўриқлаш бўйича Комендатура, Тошкент шаҳрида жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари объектларини қўриқлаш бўйича алоҳида батальон, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг қўриқлаш бошқармалари, техник қўриқлаш воситаларини мониторинг ва назорат қилиш марказлари, батальонлар, алоҳида отрядлар, команда, гуруҳлар, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг туман (шаҳар)лар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) қўриқлаш бўлимлари (бўлинмалари) киритилгани алоҳида эътиборга моликдир. Қарорда қўриқлаш хизматининг асосий вазифалари сифатида шартнома

асосида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш; қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувлари ўтказиш, қўриқланадиган объектда ички рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш; қўриқланаётган объектларда объектнинг ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш; жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш; шартнома асосида қўриқланаётган объектларда ўрнатилган техник қўриқлаш воситаларига хизмат кўрсатиш, уларни ўрнатиш (созлаш) ва улардан фойдаланиш; қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг кадрлар, молия-хўжалик фаолиятини таъминлаш каби вазифалар аниқ белгилаб қўйилди. Яна бир эътиборли томони шундаки, жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартнома асосида қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш Қўриқлаш хизмати фаолиятининг асосий принциплари сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва объектларини қўриқлаш самарали ташкил қилинишига эришилди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари қўриқлаш фаолиятида тўпланиб қолган муаммоларнинг бартараф этилишини таъминлаши билан бир қаторда, бир қанча йўналишлар бўйича қўриқлаш хизмати фаолиятининг самарали ташкил этилиши учун муҳим замин яратди. *Биринчидан*, давлат объектларининг, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини ташкил этиш соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши таъминланди. *Иккинчидан*, қўриқлаш хизматининг турлари кўпайтирилишига, қўриқлаш хизмати фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган хизматларнинг ҳаммабплиги таъминланди. *Учинчидан*, қўриқланаётган объектлар, шунингдек идоравий қўриқлаш объектларига рухсат

бериш режимини, объект ички режимини таъминлаш ва мувофиқлаштиришинг таъсирчан тизимини жорий этиш учун ҳуқуқий асос яратилди. *Тўртинчидан*, қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмининг такомиллаштириш, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш орқали жиноятларнинг барвақт олди олинисига эришиш учун ҳуқуқий асос яратилди. *Бешинчидан*, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар, шунингдек бюджет ташкилотлари объектларининг қўриқланишини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш, идоравий қўриқлашни мувофиқлаштириш ва назорат текширувининг янги тизими белгиланди. *Олтинчидан*, қўриқланаётган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация ва қўриқлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматлари кўрсатиш, ушбу йўналишда ягона техник сиёсатни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикада ҳукуматининг ушбу қарори асосида ички ишлар органлари қўриқлаш хизматининг барча идоравий ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, тизимда катта таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Ислохотлар натижасида қўриқлаш хизмати янги куч, восита, техника ҳамда технологиялар билан таъминланди. Натижада 2017-2018 йилларда қўриқланаётган объектлар сони кўпайди. Хусусан, ҳарбийлаштирилган соқчилик қўриғидаги объектлар — 54,7 фоизга (86 тадан 133 тага), қоровуллар томонидан қўриқланаётган объектлар — 20,8 фоизга (423 тадан 511 тага), қўриқлаш йўналишлари қўриғидагилари — 17,4 фоизга (7333 тадан 8606 тага), шаҳодатланган қўриқлаш постлари қўриғидаги объектлар эса 4,7 фоизга (2401 тадан 2514 тага) ошди. Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида ҳисобот даврида 2 мингдан ортиқ объект, 1600 га яқин хонадон янги-

дан қўриқлашга олинди. Бугунга келиб қўриқланаётган жами объектларнинг 25 мингга яқини сигнализация билан таъминланди.

Мазкур ислохотлар натижасида қўриқлаш ходимлари томонидан 2018 йил биринчи чораги давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли қўриқланаётган объектлардан оз миқдорда талон-торож содир этгани учун 1,5 мингга яқин шахс ўз вақтида қўлга олинган бўлиб, ҳуқуқбузарлардан олинган 193,3 млн сўмдан ортиқ қийматга эга моддий-товар бойликлари эгаларига қайтарилди. Маъмурий ҳуқуқбузарларга эса судлар томонидан умумий миқдори 151,6 млн сўмдан ортиқ бўлган жарима солиниб, улардан ундириб олиниши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг янги қабул қилинган талабларидан келиб чиқиб, қўриқланаётган объектларда йўл қўйилаётган оз миқдорда талон-торож қилиш сабабларини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 23-моддаси талаблари асосида корхона ва ташкилотларга 1615 та тақдимнома киритилган⁶ ва қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан объектлардаги моддий-товар бойликларнинг сақланишини янгича таъминлаш, бу борада моддий жавобгар шахслар ўртасида ташвиқот-тарғибот ва профилактика ишларини амалга ошириш мақсадида 4 мингдан ортиқ суҳбат ва учрашувлар ўтказилган.

Республика ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, соҳада амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва амалиёт материалларининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон берувчи қўйидаги омилларни ўрганиш ҳамда улар

асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади: *биринчидан*, ички ишлар органлари қўриқлаш хизматида ихтисослашган юридик хизматлар (гуруҳлар) нинг малакаларини мунтазам равишда ошириб бориш зарурати мавжуд; *иккинчидан*, тизимдаги туб ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўриқлаш хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни янада такомиллаштириш талаб этилади; *учинчидан*, республикада жорий этилаётган «Хавфсиз шаҳар» лойиҳаси доирасида объектларни қўриқлаш, эҳтимол тутилган таҳдидларга жавоб қайтариш ва огоҳлантириш тизимлари, интеллектуал таҳлил кўрсаткичлари ҳамда навбатчилик-диспечерлик марказлари ва маълумотларни қайта ишлаш марказларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича бошқа ахборот тизимларини интеграция қилиш назарда тутилиши муносабати билан хизмат фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тармоқ дастурлари ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга жорий этилишини таъминлаш зарур; *тўртинчидан*, қўриқлаш хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларга қулай хизмат шароитлари яратиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ўз ечимини топиши зарур.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, сўнгги йилларда қўриқлаш хизмати фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши юридик ва жисмоний шахсларга тегишли объектларда ҳуқуқтартиботни, тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хизмат фаолиятининг самарали ташкил этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққийёт ва янгилашни сари / М.Бекмуродов ва бошқ. — Т., 2017. — Б. 3.

² *Мирзиёев Ш. М.* Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак // Халқ сўзи. — 2017. — 1 сент.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2016. — № 9. — 272-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — 2017. — № 26. — 589-м.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармасининг 2017-2018 йилга оид статистик маълумоти.

М. Ў. Қўдошев,

ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси катта ўқитувчиси

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Аннотация. Мақолада порахўрликнинг объектив ва субъектив сабаблари, жиноятнинг келиб чиқиши, уни юзага келтирувчи омиллар, оқибатлари, ушбу жиноят субъектларининг психологик хусусиятлари таҳлил қилинган, ушбу жиноятларнинг олдини олишда ва унга қарши курашда қонуний чора-тадбирлар қўлланилиши билан боғлиқ маънавий-тарбиявий тарғибот усуллари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жиноят ҳуқуқи, маънавият, психология, ҳуқуқий функция, маънавий-тарбиявий тарғибот.

Факторы возникновения взяточничества, его последствия и актуальность борьбы с ним

Аннотация. В статье анализируются объективные и субъективные причины взяточничества, причины и условия способствующие его возникновению, его последствия, психологические особенности субъектов преступления, духовно-воспитательные пропагандистские методы, связанные с принятием законных мер профилактики и борьбы с данными преступлениями.

Ключевые слова: уголовное право, духовность, психология, правовая функция, морально-духовное воспитание.

Factors of the emergence of bribery, its impact and the actuality of fight against it

Annotation. There is spoken about history of appearance, objective and subjective reasons and psychological factors of bribery subjects. In addition, to fight against bribery there is seen and paid special attention to moral methods of law action.

Key words: ideology, morality, psychology, legal function, moral propaganda.

Порахўрликнинг вужудга келиши, жамиятда ҳукм суриши, уни озиқлантирувчи омиллар, жараёнлар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун порахўрлик иллатининг илдизига назар солиш, унинг пайдо бўлиш омилларини таҳлил қилишдан бошлайлик. Инсон дунёга келар экан, яшаши ва фаровон ҳаёт кечириши учун авваламбор овқатланиши, иссиқ-совуқдан сақланиш учун кийиниши, ётиб-туриш учун бош-пананага эга бўлиши зарур.

Ибтидоий жамоада инсоннинг кундалик моддий эҳтиёжи қондирилиши уни қаноатлантирган. Кейинчалик жамият табақаларга бўлиниб, давлат пайдо бўлиши билан уларда моддий бойликларни тўплаш эҳтиёжи юзага

келган. Бу эса моддий бойлик манбалари ҳисобланмиш ҳудуд учун кураш, босқинчилик, талончилик, зўравонликни авж олдириб, одамларни жамоа бўлиб яшашга ундаган.

Дастлаб жамоалар уларнинг сардорлари (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган. Кейинчалик аҳолининг кўпайиб, ерларнинг кенгайиб бориши жамоани бир киши томонидан бошқаришни қийинлаштирган. Натижада жамоада бошқарув, идора тузилмасига эҳтиёж пайдо бўлади ва бу ҳолат ўз-ўзидан давлатларнинг вужудга келишига замин яратади. Демак, давлатлар пайдо бўлиши билан уларда катта-кичиклигига қараб бошқарув, идора тармоғи тузилмаларида ваколатлар берувчи вазифа ва лавозимлар

ташқил этилиши табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, порахўрликни юзага келтирувчи биринчи объектив омил, мансаб пиллапояларида турли ваколатларнинг юзага келиши ва ваколатга эга бўлмоқдир. Ҳозирги кунгача давлатларни ваколат берувчи идора тармоқларисиз бошқаришнинг бошқа йўли топилмаган.

Жамиятдаги бу иллат инсоннинг руҳиятига таъсир қилмай қолмади. Этибор беринг, ер юзидаги жонзотлардан фарқли ўлароқ, инсонда бошқа ҳудудларни эгаллаш, уларга ҳукмронлик қилиш ва моддий қониқиш иштиёқи унинг онгида аввал-бошдан ибтидоий-туғма тарзда вужудга келган. Инсон онги қанчалик ривожланмасин, барибир, уни бу иллатдан халос қила олмайди. Қисқача ифодалаганда, инсон ўз нафсининг қули бўлиб қолаверди. Аммо инсон онгининг маҳсули бўлмиш жамиятнинг пайдо бўлиши одамлар орасида моддий неъматларнинг тўғри тақсимланишини тақозо қилди ва **қонуний тартибга** сола борди. Шу даврлардан бошлаб инсон нафсининг оқибати сифатида юзага келган порахўрлик илллати ҳам жамиятда моддий манфаатдорликка эришиш борасида инсонда салбий хусусиятлар қаторидан ўрин эгаллади. Аслида, порахўрлик жамиятда энг жирканч иллатлардан бири бўлиб, инсон руҳияти ривожини орқага тортувчи, уни касалликка чалинтирувчи ҳолатлардан бири бўлиб қолаверади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, порахўрлик жиноятининг бу омили, ваколатга эга одамлардаги баднафслик, очкўзлик, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиш уларнинг инсоният цивилизациясини кўра билмайдиган даражада маънавий қашшоқлигидан далолат беради.

Порахўрликни юзага келтирувчи мазкур омиллар объектив омиллар сирасига киради дейишимизга сабаб давлат мансабдорларига ваколатлар берилиши, шунингдек инсон психологиясида салбий манфаатдорлик хусусиятининг шаклланишини табиий ҳол деб баҳолашимиз мумкин эканлигидир.

Порахўрликни вужудга келтирувчи омилларга пора олишга ундаш, қизиқти-

риш, ўргатиш, далолатчилик, воситачилик каби иллатлар киради. Бундай жараёнлар порахўрликнинг амалга ошишига ёрдамлашади, уни тезлаштиради, кенгайиши ҳамда ривожланишига кўмаклашади ва ҳатто сабабчи ҳам бўлиши мумкин.

Порахўрлик шундай жиноятки, мансаб ва вазифа эгалари асосан ўз манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш илинжида бу жиноятга қўл урадилар. Бунинг учун улар ўзига берилган мансаб-ваколатдан қонунга хилоф равишда фойдаланадилар. Бу каби жиноятларнинг сурункали тарзда давом этиши, ўз навбатида, аҳолининг вазифа ва мансаб эгаларига ишончи йўқолишига сабабчи бўлади. Оқибатда давлат идора тизими қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатолмайди.

Иккинчи томондан, одамларнинг ўзлари бу жараёнларга лоқайд муносабатда бўлишлари ачинарли ҳолдир. Қолаверса, пора берувчиларнинг барчаси аҳоли орасидан чиққан шахслар бўлиб, улар порахўрлик жиноятлари кўпайиши ва ёйилишига шароит яратади. Шу боис порахўрлик жиноятида субъектив омил одамларнинг ўзи дейишга ҳақлимиз. Одамларда пора эвазига ҳар қандай гайриқонуний ишларни бажариш иштиёқи оммавий тарзда ривож олса, бора-бора давлат бошқаруви тизими издан чиқиши мумкин.

Порахўрликка қўл урган мутасадди мансабдорларнинг ўзлари бошқараётган ҳудудда бир оила бўлиб яшаётган аҳолидан била туриб, тамагирлик қилиб пора олиши – ўзи ўтирган шохга болта уришдир. Зеро, ўзингиз яшаётган давлатга офат келтирсангиз, у сизни четлаб ўтмайди-ку! Порахўрлик ҳам табиий офатдек гап. У агар гирдобга айланса, жамоани ҳам, давлатни ҳам ўз комига тортади ва емириб ташлайди.

Этибор беринг, Европада тараққиёт бизга нисбатан анча илгарилаб кетган. Бобокалонимиз Амир Темур даврида юртимиз дунёда мисли кўрилмаган даражада юксакликка эришган. Бунинг сабаби жамиятда босқинчилик ва коррупция кўринишидаги жиноятларга барҳам берилган, адолатли салтанат ўрнатилган.

Айтиш жоизки, 2017 йилда республика-мизда жами 171 та порахўрлик жинояти қайд этилган бўлиб, бу каби жиноий ҳодисалар аввалги йиллардагига қараганда анча камайгани кузатилса-да, бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки порахўрлик жинояти латентликка мойил жиноятлар сирасига киради, кўплаб порахўрлик жиноятлари яширин қолади. Шундай экан, бундай ўта хафли жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, ошкор ва бартараф этиш чоралари бир сония ҳам кечиктирилмаслиги керак.

Жамиятда порахўрликдек ижтимоий хавфли жиноятга қарши курашиш ва уни бартараф этиш чораларини топиш борасида азал-азалдан мутахасис ва олимлар биргаликда изланишлар олиб бормоқда. Бу каби жиноятларга қарши курашмоқ ва барҳам бермоқ масалалари ҳозирги кунда ҳам давлатимиз раҳбарининг диққат марказида. Охириги йилларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишини таг томири билан йўқотиш учун зарур чоралар кўрилаётгани юртимизда мазкур жиноятга қарши курашда муайян тажрибага эга эканлигимизни алоҳида қайд этиш жоиз.

Порахўрлик жиноятларига қарши курашиш усулларини қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчиси — порахўрликка қарши курашнинг **маънавий-ахлоқий тарбиявий** усули. Бу инсонни порахўрликдан ихтиёрий қайтариш ва унга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотиш чораларидир. Биринчи ўринда, халқ орасида айнан мазкур масала юзасидан янада кучайтирилган маънавий-ахлоқий тарбияга оид тарғибот ишлари олиб борилиши ижобий натижалар беради. Бундай тадбирлар оддий, холисона, жамоа умумсавия даражасини инobatга олган ҳолда амалга оширилиши ва унга доир таълим-тарбия чоралари ишлаб чиқилиши лозим. Бунда асосий эътибор ҳар бир шахснинг онгида, шуурида, тафаккурида порхўрларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотишга, айниқса мазкур жиноят жамиятни таназулга етаклаши ҳақида тасаввур ҳосил қилишга қаратилиши шарт.

Иккинчидан, давлат бошқарув тизимида ишга қабул қилинувчи кадрлар аввало юксак

маданиятли, айниқса Ватанига, халқига содиқ этиб тарбияланиши, улар турмуш шароитида муҳтожлик сезмаслиги, иш ҳақи, маоши ва моддий таъминоти етарли бўлиши лозим.

Учинчидан, бундай жиноятларни фош қилишда ошкораликка кенг ўрин бериш, айниқса матбуотга, журналистлар фаолиятига тўсиқсиз йўл очиб берилиши ва улар бу жиноятларни бартараф қилишда инсонлар орасида ошкора иш олиб бориши, бунда журналистик ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек улар орасида беғаразлик ҳукм суриши кўзланган натижаларни беради.

Тўртинчидан, ҳар бир вилоятда, ижтимоий жараёнларни доимий равишда ўрганиб боровчи ва таҳлил қилувчи давлат тузилмаларидан ташқари, рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ жамоатчилик назорати яратилишига кенг йўл очиб берилса ва одамларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, рағбатлантирилиб ва амалда қўлланиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Порахўрликка қарши курашнинг иккинчи усули муаммоларни **қонуний йўл билан ҳал қилишидир**. Бу усул асосан долзарб масалаларни ҳал қилишда қўлланиб, бунда аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини инobatга олган ҳолда муаммони фақат қонуний асосда ҳал қилишга тўғри келади. Бунда асосан порахўрликка қарши курашда биринчи навбатда қонунлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижроси юксак даражада ташкил этилиши зарур. Порахўрларни бетўхтов фош қилиш, уларга жазо чоралари қўлланиши ҳам инсонни мазкур жиноятни содир этишдан тийилишга мажбур қилади. Порахўрликка қарши курашда қонунда назарда тутилган жавобгарлик ва жазонинг муқарарлиги муҳим. Зеро, инсон ўзини жиноий қилмишлардан қонунда жавобгарлик мавжудлиги эмас, балки унинг ижроси аниқ ва муқарарлиги боис тияди. Шунинг учун ҳам, юқорида айтилганидек, қонуний чоралар кўрилиши натижасида аҳолининг ҳуқуқий билими даражасини янада кўтаришда маънавий-тарбиявий чоралар ҳам узлуксиз олиб борилиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, у ёки бу давлатда порахўрлик жиноятига қарши курашни амалга оширишда, албатта, у давлатдаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси эътиборга олинган ҳолда ҳам қонуний, ҳам ижтимоий-тарбиявий усуллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, биз ҳам мамлакатимиз учун иллатлардан, жумладан порахўрликдан соқит бўлиш йўлларини излашимиз, жамиятимизни соғломлаштириш йўлида бор кучимизни аямаслигимиз, ёшларимизга юксак ибрат бўлиб, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб кетишига кенг йўл очиб бериш борасида тегишли чоралар кўришимиз шарт.

ГЕНЕРАЛ-МАЙОР ТОЖИДДИН ЖАЛИЛОВНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

2018 йилнинг 25 август куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Тожиддин Жалилов – фахримиз, гуруримиз» мавзуида илмий-маърифий анжуман ташкил этилди. Унда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Академия раҳбарияти, Фахрийлар кенгаши аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида узоқ йиллар хизмат қилган кексалар, марҳумнинг яқинлари, таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва курсантлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбир халқимизга хос хайрли амал билан бошланди. Соҳа фахрийлари ва ёшлар эрта тонгда пойтахтимизнинг «Чигатой» қабристонидан мангу қўним топган Тожиддин Азимов қабрини зиёрат қилиб, марҳум хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Илмий-маърифий анжуманни ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Аҳмедович Матлюбов кириш сўзи билан очди. Унда айтиб ўтилганидек, мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий-маънавий меросимизни тиклаш, тарихда ўчмас ном қолдирган аجدодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу маънода, генерал-майор Тожиддин Азимович Жалиловнинг ҳаёт йўли, сермашаққат хизмат фаолияти бугунги авлод, айниқса ёшлар учун катта ибрат мактабидир.

Унинг ички ишлар органларидаги фаолияти ўта мураккаб, урушнинг оловли йилларига тўғри келди. Хизмат фаолияти давомида ҳуқуқ-тартибот органларининг турли бўғинларида, туман партия ташкилотларида самарали меҳнат қилди ва Ички ишлар вазиригача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, касбга садоқати, чин инсоний фазилатлари билан эл-юрт орасида обрў қозонди, халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун бутун умрини бахшида қилди. Тожиддин Азимовнинг, айниқса Тошкент олий мактаби (ҳозирги Ички ишлар вазирлиги Академияси)ни ташкил этишдаги жонбозлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Юридик фанлар доктори, профессор Т. А. Жалилов ҳаёт бўлганида бу йил 100 ёшни қарши олган бўларди. Унинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Анжуманда Тожиддин Жалиловнинг дўстлари, у билан елкадош хизмат қилиб, бугун нафақалик гаштини сураётган ҳамкасблари, фарзандлари ва шогирдлари ҳам сўзга чиқиб, ёрқин хотираларни ёдга олдилар. Фахрийлар учун эҳсон дастурхони ёзилди. Шу куни Тожиддин Жалилов хотирасини абадийлаштириш мақсадида тайёрланган «Мангу барҳаёт сиймо» китоби ҳамда махсус фильм тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

ЧОРВА МОЛЛАРИ ЎҒИРЛИКЛАРИНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ

Аннотация. Мақолада чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув тавсифи, бундай жиноятларни содир этиш усуллари ва шарт-шароити, чорва моллари ўғирликларининг олдини олиш ва фош этиш босқичлари, ўзига хос жиҳатлари, жиноятда иштирок этиш шакллари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: чорва моллари ўғирлиги, тезкор-қидирув тавсифи, жиноятларнинг содир этилиш вақти, усуллари, шароити, босқичлари.

Оперативно-розыскная характеристика кражи скота

Аннотация. В статье проанализирована оперативно-розыскная характеристика кражи скота, методы и условия совершения таких правонарушений, этапы, особенности предотвращения и раскрытия кражи домашнего скота, формы участия в преступлении.

Ключевые слова: кража скота, оперативно-розыскная характеристика, время, методы, условия, этапы совершения преступления.

Operative-search characteristic of theft of cattle

Annotation. In the article the concept of operative-investigative description of the theft of cattle, time, methods and conditions for committing such offenses, stages, the specifics of prevention and disclosure of theft of livestock, forms of participation in crimes were analyzed and substantiated.

Key words: theft of livestock, description of operational-search, time of crime, methods, conditions, stages.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди¹.

Ички ишлар органлари фаолияти тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан «Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жинойат жазовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган, хусусан мулкий турдаги

жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган»² деган танқидий фикрлар билдирилган эди.

Ўғирлик жиноятлари орасида хонадон ўғирликларидан кейинги ўринда салмоғи жиҳатидан чорва моллари ўғирликлари кўпроқ содир этилади.

Чорва моллари ўғирлиги шахснинг уй ҳайвонлари рўйхатига киритилган чорва моллари (от, қорамол, қўй, эчки ва ш.к.)ни яширин равишда талон-тарож қилишга қаратилган ижтимоий хавfli қилмишидир.

Тезкор-қидирув ва тергов амалиёти шуни кўрсатадики, чорва моллари ўғирлигининг олдини олиш ва фош этиш ўзига хос жиҳатларга эга. Шу билан бирга, ҳозирги кунгача мазкур ўғирликларнинг тезкор-қидирув тавсифини илмий жиҳатдан асослашга етарли эътибор берилмаган. Мазкур муаммо бўйича махсус монографик

тадқиқотлар йўқлиги ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда бир қатор камчиликларни юзага келтирмоқда. Бугун фақат тезкор-қидирув фаолиятига оид илмий мақолалар тўпламларида айрим илмий мақола ва тезислар чоп этилган, холос.

Чорва моллари ўғирлиги содир этилишининг асосий сабаби баъзи фуқароларнинг ижтимоий фойдали иш билан шуғулланишни хоҳламаслиги, фикру хаёли қандай бўлсада бойлик орттириш билан бандлигидир.

Мазкур жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи асосий омиллар куйидагилар: биринчидан, жабрланувчининг мулкани қаровсиз ва назоратсиз қолдириши; иккинчидан, мулк эгаси чорва молларини назорат қилувчи ёки парваришловчи чўпоннинг иш ҳақини етарли миқдорда тўламаслиги ёки вақтида бермаслиги; учинчидан, илгари судланган, гиёҳвандликка ёки спиртли ичимликларни ичишга ружу қўйган, вақтинча ишсиз ёки носоғлом оилада тарбия кўрган шахсларнинг ИИБ ходимлари томонидан етарли назорат қилинмаслиги; тўртинчидан, ёшларнинг назоратсиз қолдирилиши ёки бандлиги тўлиқ таъминланмаганлиги; бешинчидан, ички ишлар органларининг куч ва воситалари жиноят содир бўладиган жойларга тўлиқ бириктирилмаганлиги ёки тезкор-қидирув профилактик ишлари етарли ташкил этилмаганлиги ва ҳоказо.

Чорва моллари ўғирликлари ҳақидаги умумий маълумотларга куйидагилар киради: ушбу жиноятларнинг асосий қисмини (96,4%)³ эркалар содир этади; жиноят содир этган шахсларнинг 25 фоизи вояга етмаганлар, 75 фоизи 18-50 ёшдаги шахслардир; 37 фоизи илгари судланганлар, 33 фоизи яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиган вақтинча ишсизлар, 21 фоизи чорва молларини кўриқтайдиган шахслар, чўпонлар, вояга етмаганлар, жабрланувчи билан бир маҳаллада яшовчи, ишловчи ёки яқин танишлари; 9 фоизи эса вақтинчалик рўйхатдан ўтмай яшаётган шахслардир; ушбу жиноятларнинг 88,7 фоизи 2 ёки ундан ортиқ иштирокчилар томонидан биргаликда амалга оширилади.

Чорва моллари ўғирликларининг сутка мобайнида содир этилиш вақти бўйича ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, чорва моллари ўғирликларининг 74,7 фоизи соат 22:00дан 06:00 га қадар, 21,2 фоизи соат 17:00дан 22:00 гача, 5,1 фоизи эса соат 15:00дан 17:00га қадар содир этилган. Чорва молларини кўриқлаш ишларига асосан тунги вақтда етарли эътибор берилмайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чорва моллари ўғирликларини содир этувчиларнинг 60 фоизини 14-30 ёшдаги шахслар ташкил этади. Чорва моллари ўғирлари ичида илгари судланганлар 62,4 фоизни, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахслар эса қарийб 38 фоизни ташкил этади.

Чўпонлар, отбоқарлар, подачиларнинг ўзларига ишониб топширилган чорва молларига нисбатан масъулиятсиз муносабатда бўлиши чорва моллари ўғирликлари содир этилишига шароит яратади. Ўғирликларнинг деярли ярми (49,7 фоизи) яйлов ва ҳовлилардан, бошқа ярми (50,3 фоизи) эса чорва моллари сақланадиган фермалар, кўтонлардан, одатда, чўпонлар (қоровуллар) эътиборсизлиги оқибатида амалга оширилади.

Жиноят қонунчилигида жиноятда иштирокчилик шакллари уюшган гуруҳ ва жинойий уюшмага ажратилади. Ушбу икки шакл жиноят содир этаётган шахсларнинг сон жиҳатдан таркибини, барқарорлик даражасини, мақсад ва вазифалари ҳамда бошқа хусусиятларини ўзида намоён этади.

Чорва моллари ўғирликларининг салкам 89 фоизи бир гуруҳ шахслар, 11 фоиздан ортиғи эса бир нафар шахс томонидан содир этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Аксарият ҳолларда ушбу гуруҳ 2-3 ёки ундан ортиқ шахслардан ташкил топади ва жиноятчилар ҳодиса содир бўлган жойнинг яқин атрофида, қўшни шаҳар-туман ёки қўшни вилоятнинг шаҳар-туманида яшайдиган шахслардан ташкил топади.

Бундай жинойий гуруҳ аъзолари етарли тажриба ва малакага эга бўлганлиги сабабли ўғирланган чорва молларини сақлаш ва

сотишни олдиндан режалаштиришади. Уларнинг жинойий фаолияти кўп эпизодли хусусиятига эга, шу боис кўп миқдорда чорва моллари ўғирланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ўғирланган чорва молларининг 65,4 фоизи фуқароларга, салкам 35 фоизи гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши учун цехлар, заводларга сотилади.

Чорва моллари ўғирликларининг аксарияти куз-қиш фаслларида содир этилиб, бу ҳолат бир қатор сабаблар билан боғлиқ бўлади. Куз ва қишда гўшт маҳсулотига эҳтиёж кескин ошади, совуқ об-ҳаво эса сўйилган чорва моли узоқ вақт сақланишига имкон беради. Айнан шу пайтда чорва молларининг семизлик даражаси юқори бўлгани учун уларни сотиш осонлашади. Бундан ташқари, кузда даладан ҳосил йиғиб олинганидан сўнг кўп ҳолларда чорва молларининг кўриқланиши талабга жавоб бермайди, фуқаролар чорва молларини етарли назорат қилмасдан, боқиш учун далага, қир-адирларга ҳайдаб чиқаришади.

Чорва моллари ўғирликлари кўпинча бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади, чунки ўғирланган чорва молини бир манзилдан бошқа манзилга транспортда олиб боришни якка бир шахс томонидан амалга ошириш қийин. Жинойий гуруҳга одатда ҳар хил имкониятларга эга шахслар киради: улардан бирида шахсий транспорт воситаси бўлиши талаб этилади, чунки ўғирлик содир этишда ҳамда ўғирланган чорвани (гўштни) ўтказишда транспорт воситаси керак бўлади. Транспорт воситасининг танланиши, аввало, йўлнинг шароити ва тузилишига боғлиқ. Чорва молларини ўғирлашга қарши курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тезкор ходимларнинг ўғирликни содир этиш усуллари ва ўғирланган чорва молларини сотиб юбориш жойлари тўғрисида пухта билимга эга бўлишларига боғлиқ. Бу чорва молларини ўғирлашга имкон берувчи шароитларни бартараф этишда энг самарали чораларни қўллашда, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун тезкор-қидирув фаолиятининг барча усулларида фойдаланишда ёрдам беради.

Чорва моллари одатда кечқурун ўғирланади. Шу мақсадда жиноятчилар даставвал ўғирлик объектининг жойлашувини, кўриқлов ҳолатини, молхонага кириш жойлари ва ҳодиса жойидан кетиш йўлларини ўрганадилар. Жиноятчилар маълум вақтни яширин кузатувга ажратадилар, шундан сўнг чорва молини молхонадан чиқариб, автомашина ёнига ҳайдаб борадилар ва транспорт воситасига юклайдилар. Майда ва йирик чорва молларини автомашинага юклаш қийинчилик туғдирмайди. Чорва молларини бошқа жойга транспортда олиб кетиб, ўша жойда сўйиб, гўштини нимталайдилар.

Шуни билиб қўйиш керакки, яйловлар, қир-адирларда содир этилган ўғирлик бирданига эмас, балки 2-3 кундан сўнг аён бўлди. Чунки чўпонлар чорва моли бошқа подага кўшилиб кетган ёки бошқа жойда ўтлаб юрибди, деб ўйлайдилар ва уни яйлов ҳудудида қидирадилар. Бу вақт ичида жиноятчилар ўғирланган чорва молларини сотиб юборишга ҳам улгуришлари мумкин.

Кўп ҳолларда жиноятчилар ўғирланган чорва молларини бошқа туманларга, вилоятларга бемалол сотадилар ва маҳаллий ички ишлар органлари ходимларига бу ҳақда ҳеч нарса аён эмас, деб ўйлайдилар.

Баъзи мол ўғирлари ресторан, чойхона, кафедра ишловчи ходимлар орасидан чорва молларининг гўштини харид қилувчи шахсларни топадилар.

Чорва моллари ўғирликларининг содир этилишига бир қатор ҳолатлар қулай шароит яратади. Чорва молларининг яйловларда қаровсиз ўтлаб юриши, молхоналар эшиклари ва ҳовли деворларининг мустаҳкам эмаслиги, умуман, чорва молларини кўриқлаш шароитларининг талаб даражасида эмаслиги мазкур ўғирликларнинг содир этилишига қулай шароит яратади. Бундан ташқари, иссиқ пайтларда фуқароларнинг шахсий чорва моллари кечаси ҳовлида ёки усти очиқ жойларда, атрофи ўралган отарларда сақланади. Бундай жойларга кириш жиноят содир этаётган шахсларга катта қийинчилик туғдирмайди.

Албатта, жиноятчилар жазодан қутулиш учун жиноят содир этишнинг ҳаммага маълум усулларидан воз кечиб, янги усулларни ўйлаб топишга ҳаракат қиладилар.

Кўпинча илгари судланган шахслар мазкур жиноятларни содир этишда ташкилотчи ёки бажарувчи сифатида намоён бўлади. Ташкилотчи шахслар жиноий гуруҳларни шакллантиришда иштирокчиларнинг жиноят содир этишга тайёргарлик даражасини яъни жисмоний ва руҳий қобилияти ҳамда бошқа жиҳатларини эътиборга олишади. Хужум қилиш объектининг ноодатий табиати жиноятларни тайёрлаш ва унга тайёргарлик жараёнига хос бўлган бир қатор хусусиятларни белгилайди.

Чорва моллари ўғирликларининг уч асосий босқичи мавжуд:

- мазкур жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш;
- жиноий ҳаракатни амалга ошириш;
- ўғирланган чорва молларини вақтинча сақлаш ёки улардан фойдаланиш, яъни уларни тасарруф этиш.

Биринчи босқичда қуйидаги ишлар бажарилади: жиноий тажовуз объектини танлаш; жиноий тажовуз объектига бориб келиш ва йўналишини ўрганиш; жиноий тажовуз объектининг қўриқланиши, ёритилганлиги, мавжуд тўсиқлар ҳамда объектга кириш ва чиқиш йўллари ўрганиш; ўғирланадиган чорва моллар (қорамол, сигир, от, қўй ва эчки)ни ушлаш усулини танлаш, семизлигини аниқлаш; жиноят иштирокчиларининг сонини белгилаш ҳамда уларга вазифаларни тақсимлаш; жиноят содир этишда керак бўладиган нарсалар, махсус воситалар, жиҳозланган транспорт воситалари, юк ташувчи транспорт воситаларини танлаш ва тайёрлаш; ўғирланган чорва молларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини қидириб топиш; чорва молини сўйиш учун асбобларни тайёрлаш, гўштини ўтказиш жойларини аниқлаш ва ҳоказо.

Жиноятга тайёргарлик босқичида даставвал жиноят восита ва қуроллари танланади, транспорт воситалари, арқон, пичоқ,

болта топилиб, фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтирилади. Аксарият ҳолларда жиноят иштирокчилари тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар йиғиладиган жойлар (кафе, ресторан, пиво ичиш барлари каби-лар)да танланиб, уюштирилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш тегишли восита ва қуролларни қидириб топиш, жиноят содир этиш учун мослаштириш ёхуд жиноий қилмишни содир этиш учун шароит яратишдан иборат бўлади. Жиноятга, яъни чорва молларини ўғирлашга тайёргарлик кўриш ҳаракатларига яйловларни, чорва моллари сақланадиган жойларни, қўтонларни танлаш ва дастлабки тартибда ўрганиш, транспорт воситаларини чорва ташишга тайёрлаш, молни сотиш ёки сўйиш жойларини тайёрлаш, шахсларни ўғирлик қилишга кўндириш киради. Чорва молларини ўғирлашга тайёргарлик кўрувчи шахслар кўпинча аввал, шароитни ўрганиш мақсадида, чорва моллари сақланадиган жойларга борадилар. Тунда объектни қидириб топиш осон бўлиши учун унинг жойлашган ери, шунингдек у ерда итлар бор-йўқлигини аниқлайди. Яйловларга бориб келиш пода қоровулсиз қоладиган вақтни аниқ белгилашда, қайси тарафдан подага сездирмай яқинлашиш ва жойнинг тузилишидан фойдаланиб, чорва молларини автомашинага юклаш ёки уларни яшириш жойларини топишда ёрдам беради.

Иккинчи босқичда аксарият ҳолларда жиноий тажовуз объектига режа асосида кечқурун борилиб, объектга кирилади ва чорва моллари одатда кесиб узилган арқони билан олиб чиқилади, объектда қўриқчи итлар бўлганида уларга махсус ухлатувчи кимёвий восита қўшилган емиш берилади. Жиноий гуруҳ аъзолари чорва молларини объектдан узоқлаштирганларидан сўнг вазиятдан келиб чиқиб, тайёр турган юк машинаси ёки енгил автомобилларга ортишади. Юклаш жараёнида чорва моллари қаршилиқ кўрсатса, уларга бироз ем-хашак берилади, бошқа ҳолларда чорва моллари (асосан сигир ва хўкизлар)га жароҳат етказиб, яъни туёқларини синдириб бўлса-

да, транспорт воситасига жойланади. Ўғирланган чорва моллари режага кўра доимий ва вақтинча жой (ҳовли, бино)га олиб борилади.

Жиноий ҳаракатни амалга ошириш босқичида ташкилотчи асосий шахс ҳисобланиб, у одатда қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган бўлади. У даставвал унга ким фойда беришини аниқлаш мақсадида гуруҳ иштирокчиларига эътиборини қаратади, уларнинг қобилиятини ўрганиб, вазифаларни тақсимлайди. Ташкилотчи гуруҳ аъзоларини танлашда транспорт воситаси бор, қассобчилик билан шуғулланадиган, чорва молларини ўтказиш тажрибасига эга шахсларни топишга ҳаракат қилади. Чорва моллари ўғирликларини содир этишдан аввал айрим жиноят иштирокчилари қўрқув ва ҳис-ҳаяжонини енгиш учун спиртли ичимликлар истеъмол қилишади.

Учинчи босқичда чорва моллари ўғирланган вақтнинг ўзида ёки эртаси кuni сўйилиб, ўтказиш белгиланган жойга юборилади. Айрим ҳолларда тириклайин сотилиши ёки жиноий гуруҳ иштирокчилари

ўртасида тақсимланиши мумкин. Кўпинча чорва моллари сўйилиб, гўшти сотиш учун бошқа вилоятларнинг бозорларига юборилди, шунингдек гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган цехларга топширилади.

Жиноят содир этиш усули, аввало, жиноятчиларнинг чорва моллари ўғирлигини содир этишдан кўзланган мақсади ва ўғирланган чорва молларини сақлаш жойи билан боғлиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, чорва моллари ўғирликларининг маъно-мазмунини тўлиқ билиш мазкур жиноятларнинг босқичлари ва мазмунини аниқлаш, шунингдек тезкор ходимларга ушбу турдаги жиноятларни режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишда ёрдам берадиган шахсларни аниқлашга қаратилган фаолиятни самарали амалга ошириш имконини беради; шунингдек, тезкор ходимларнинг тайёргарлик кўрилаётган, режалаштирилган ёки содир этилган чорва моллари ўғирликлари ҳақида доимий равишда тезкор маълумотга эга бўлишида алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz

² Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль кuni ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи: www.uza.uz

³ Мақоладаги 2013–2017 йилларга оид бу ва бошқа статистик рақамлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази ва ЖҚББнинг 2017 йил яқунлари бўйича ҳисоботларидан олинди.

Ш. А. Кулматов,
*ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси
бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент*

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада жиноят-процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга оид асослангилган таклифлар баён этилган.

Таянч тушунчалар: жиноят процесси иштирокчилари, процессуал мажбуриятлар, жавобгарлик.

Совершенствование порядка привлечения к ответственности за невыполнение уголовно-процессуальных обязательств

Аннотация. В статье изложены предложения по совершенствованию правового механизма привлечения к ответственности за невыполнение уголовно-процессуальных обязательств.

Ключевые слова: участники уголовного процесса, процессуальные обязательства, ответственность.

Improvement of the order of responsibility to the responsibility for the follow-up of the criminal-procedural obligations

Annotation. The article outlines proposals for improving the legal mechanism for prosecuting for failure to comply with criminal procedural obligations.

Key words: participants in criminal proceedings, procedural obligations, responsibility.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар амалдаги қонунларни чуқурроқ таҳлил қилишга ундайди. Бу эса қонунларда мавжуд камчиликларни аниқлашга, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур»¹. Ушбу вазифадан Жиноят-процессуал қонун нормаларининг амалиётда қай даражада қўлланилаётганини таҳлил қилиш ҳамда қайта кўриб чиқиш зарурати ҳам келиб чиқади. Қонунлар мазмунан одилона бўлиши

билан бир вақтда, бевосита таъсир этиш кучига ҳам эга бўлиши керак. Шунингдек, қонунлар қабул қилиниши билан бирга самарали қўлланилиши ҳам талаб этилади. Агар қонунда уни амалга ошириш механизми тўлиқ тартибга солинмаган бўлса, у фақат қоғозда мавжуд бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотади.

Амалдаги ЖПКни таҳлил қилиш натижасида жиноят процессида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун фақат жиноий жавобгарликка тортиш механизми тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Масалан, гувоҳ ёлгон кўрсатув берганлиги учун жиноий иш кўзгатилади ва ЖПКда белгиланган тартибда ҳал этилади².

Дастлабки тергов амалиётида интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ишни юритишга масъул мансабдор шахсларга нисбатан тегишли низомлар асосида ҳал қилинганлигини кўриш мумкин. (Масалан, суд босқичида судья жиноят иши дастлабки терговда тўлиқ ва ҳар томонлама тергов

қилинмаганлиги ҳолатини аниқлаган ва ушбу ҳолат юзасидан дастлабки тергов органига хусусий ажрим юборган; ушбу хусусий ажрим жиноий ишни юритган терговчига нисбатан юқори турувчи ваколатли орган томонидан тегишли интизомий жазо қўллаш учун асос бўлган³. Ёки бошқа мисол: жиноят иши бўйича суриштирувчи терговчининг ёзма топшириғини ўз вақтида ёки умуман бажармаганлиги учун терговчи суриштирув органи бошлиғига (ИИВнинг тегишли буйруғи асосида) тақдимнома юборган ва бу тақдимнома терговчининг топшириғини ўз вақтида ёки умуман бажармаган суриштирувчига нисбатан тегишли интизомий жазо қўлланиши учун асос бўлган⁴.

Бошқа иштирокчиларнинг процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун интизомий, маъмурий ёки фуқаровий жавобгарликка тортилиши масаласи амалдаги ЖПКда тўлиқ ҳал этилмаган.

Амалдаги ЖПКда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизмнинг тўлиқ тартибга солинмаганлиги ишни юритиш учун масъул мансабдор шахсларга процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш, исботлаш ва тегишли таъсир чорасини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Шунинг учун жавобгарликка тортиш механизмини ЖПКда тўлиқ тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми субъектларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий мавқеи ва бажарилмаган мажбуриятларнинг оқибатидан келиб чиқан ҳолда ҳал этилиши лозим. Масалан, терговга қадар текширув органларининг ходимлари — терговчининг қонуний топшириғини ўз вақтида бажармаганлиги учун, терговчи — дастлабки терговни ҳар томонлама ва тўлиқ олиб бормаганлиги учун, прокурор — дастлабки терговда назоратни етарли даражада олиб бормаганлиги учун *интизомий* жавобгарликка; эксперт, мутахассис, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар,

гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларнинг қонуний вакиллари ва вакиллари — терговчининг чақирувига биноан узрли сабабларсиз келмаганликлари учун мажбурий келтириш ёки *маъмурий* жавобгарликка; процесс иштирокчилари эса дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганликлари учун *жиноий* жавобгарликка тортишлари керак ва ҳ.к.

Фикримизча, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми қуйидаги босқичларда амалга оширилиши даркор:

- 1) процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш;
- 2) процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини исботлаш;
- 3) процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш.

Биринчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчиси процессуал мажбуриятларни узрли сабабларсиз қасддан бажармаганлигини аниқлайди. Бунда, энг аввало, ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчисини ЖПКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништирган ҳамда мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари ҳақида огоҳлантирган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини тасдиқловчи маълумотларни тўплайди ва ҳужжатлаштиради, яъни процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчиси олдиндан огоҳлантирилганини тасдиқловчи ҳужжат, процессуал мажбуриятни бажармаганлик ҳолатини акс эттирувчи маълумотларни холислар иштирокида тегишли баённома ёки далолатномаларда акс эттиради ва қарор ёки хулоса чиқаради.

Учинчи босқичда ваколатли мансабдор шахс процесс иштирокчиси процессуал мажбуриятини бажармаганлиги ҳолатини исботловчи далилларга таянган ҳолда, қоидабузарликнинг оқибатига кўра унга тегишли таъсир чорасини қўллаш чораларини кўради, яъни ўз ваколатидан келиб чиқиб таъсир чорасини белгилайди, уни ижро этти-

ради ёки тегишли чора қўллаш ваколатига эга шахс ёки органга ҳужжатларни юборади.

Бизнингча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси, ЖПКнинг 85–95-моддаларига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи ва прокурорга юклатилиши керак. Агар дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ишни юриштишга маъсул мансабдор шахслар томонидан содир этилса, уларнинг юқори турувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахсларига ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаслик ҳолатини аниқлаш ва исботлаш вазифаси юклатилиши лозим.

Агар суд босқичида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятлар бажарилмаса, суд мажлисига раислик қилувчининг ўзи ушбу процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисига тегишли чора қўллаши керак.

Фикримизча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш суд органлари томонидан жиноят ишени кўриб чиқиш вақтида ҳал этилиши керак.

Бизнингча, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш механизми белгиланадиган таъсир чорасининг турига кўра қуйидаги ҳаракатлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, терговчи холислар иштирокида ушбу ҳолат юзасидан баённома тузади ва мажбуриятни бажармаган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиб, келгусида тегишли суд жиноят иши билан бирга кўриб чиқиши учун жиноят ишига кўшиб кўяди.

2. Интизомбузарлик содир этилса, терговчи ёки прокурор процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисининг юқори турувчи раҳбарига интизомбузарлик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлари билан тақдимнома киритади, шунингдек тақдимномага мувофиқ кўрилган чора ҳақида 30 кун ичида жавоб хати юбориш ҳақида талаб ёзилиши лозим;

3. Фуқаровий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ЖПКнинг 301-313-моддалари ва ФКнинг 990, 991, 102¹, 102²-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал этилади;

4. Жиноят содир этилганида жавобгарлик бўйича, дастлабки терговда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор процесс иштирокчилари содир этган процессуал мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ жиноят аломатларини аниқлаб, иш қўзғатади ва ЖПКда белгиланган тартибда ҳаракат қилади.

Бизнингча, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЖПКга *«Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби»* деб номланувчи янги 271¹-модда қуйидаги таҳрирда киритилиши зарур:

«Суриштирув ёки дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан мазкур Кодекснинг 271-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганида бу ҳақда суриштирувчи, терговчи холислар иштирокида баённома тузиб, унда мажбуриятни бажармаган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда мазкур маъмурий ишни тегишли ҳужжатлар билан бирга туман (шаҳар) маъмурий судига кўриб чиқиши учун юборади.

Суриштирув ёки дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаслик оқибатида интизомий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланганида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор процессуал мажбуриятни бажармаган процесс иштирокчисининг юқори турувчи раҳбарига, мазкур Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ, интизомбузарлик ҳолати тўғрисида тегишли ҳужжатлари билан тақдимнома киритади. Тақдимнома асосида кўрилган чора ҳақида тегишли корхона, муассаса ва ташиқлот ўттиз кун ичида суриштирувчини, терговчини ва прокурорни хабардор қилиши керак.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд томонидан тугатилган ёхуд оқланган шахсга нисбатан ноқонуний қарор қабул қилганлиги туфайли етказилган мулкий ёки маънавий зарарни қоплаш масаласини ЖПКнинг 301-313-модда-

ларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳал этади».

Мазкур моддада кўрсатилган процесс иштирокчилари жиноят содир этганлиги аниқланганида ушбу Кодекснинг умумий жиноят иши юзасидан суриштирув ёки дастлабки тергов амалга оширилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда жиноят процесси иштирокчиларини процессуал мажбуриятларини бажармаганлиги

учун жавобгарликка тортиш механизмининг аниқ белгиланиши процесс иштирокчиларини ўз мажбуриятларига нисбатан масъулият билан ёндашишга ундайди, суриштирувчи, терговчи ва прокурорга процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисига тегишли таъсир чорасини қўллашда қийинчилик туғдирмайди. Бу эса дастлабки тергов ва суд муҳокамаси самарали кечишига ва жиноят иши бўйича ҳақиқат қарор топишига замин яратади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

² Гулистон шаҳар суди архивидаги № 21/1289-сонли жиноят иши.

³ Гулистон шаҳар суди архивидаги № 22/2502-сонли жиноят иши.

⁴ Сирдарё вилоят суди архивидаги № 26/1722-сонли жиноят иши.

Ички ишлар органларининг соҳавий хизматларида коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-назарий конференция

2018 йил 3 май куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ички ишлар органларининг соҳавий хизматларида коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий ўқув курслари ҳамда ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультетининг тингловчилари, профессор-ўқитувчилар таркиби иштирок этди.

Илмий-назарий конференцияда 2017 йил 3 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сон қарорида белгиланган вазифалар амалга оширилишининг самарадорлиги юқоридаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари томонидан бажарилиши, ички ишлар органлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашнинг самарали амалга оширилиши, коррупциявий ҳолатларнинг тарқалишига йўл қўймаслик масалаларига бевосита боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар таҳлили, ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш чоралари, ички ишлар органларининг тергов ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг коррупция ҳолатларининг олдини олишдаги аҳамияти, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қўлланиладиган маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳақидаги маърузалар тингланди.

Тадбир жараёнида қилинган маъруза ва чиқишлар анжуман қатнашчилари томонидан ижобий кутиб олинди ҳамда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, илмий-назарий конференция яқунлари бўйича ишлаб чиқилган ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни хизмат фаолиятига жорий этиш ва фойдаланишга келишиб олинди.

Б. Б. Муродов,

*ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси доценти,
юридик фанлар доктори;*

М. Д. Ботаев,

ИИВ Академияси халқаро ҳамкорлик ва чет эл тажрибасини ўрганиш бўлими бошлиғи

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШНИ РАД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят иши қўзғатилишини рад қилиш институтининг қўлланилиши, ушбу жараёнда мавжуд муаммолар тўғрисида, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар ҳақида фикр юритилган.

Таянч тушунчалар: жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, реабилитация, моддий зарар, суд муҳокамаси, хусусий айблов, коллизия.

Некоторые проблемы института отказа в возбуждении уголовного дела

Аннотация. В статье обсуждается применение института отказа в возбуждении уголовного дела, проблемы, имеющиеся в этом процессе, предложения, связанные с усовершенствованием процесса отказа в возбуждении уголовного дела.

Ключевые слова: отказ в возбуждении уголовного дела, прекращение уголовного дела, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, реабилитация, материальный ущерб, судебное разбирательство, частное обвинение, коллизия.

Some problems of the refused institute in exception of the criminal case

Annotation. The article discusses the application of the institution of refusal to institute criminal proceedings, the problems that are available in this process, proposals related to the improvement of the process of denial of a criminal case.

Key words: refusal to institute criminal proceedings, cessation of criminal proceedings, suspect, accused, defendant, rehabilitation, material damage, litigation, private prosecution, collision.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83 ва 84-моддаларида қайд этилган асослар, ушбу Кодекснинг 325, 333, 362 ва 373-моддаларига мувофиқ, айти вақтнинг ўзида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, айбловни қисман тугатиш ва жиноят ишини тугатишга хизмат қилади. Дарҳақиқат, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, айбловни қисман тугатиш ёки жиноят ишини тугатиш институтларини қўллаш асосларининг айнан бир нормада белгиланганлиги, аввало, қонунларда такрорланишларнинг олдини олади ҳамда улардан фойдаланишда қулайлик туғдиради.

Лекин, ЖПК 83 ва 84-моддаларининг амалдаги номланиши ҳамда ушбу нормаларда қайд этилган айрим асослар мазмунининг ўрганилиши улар билан ҳам жиноят ишини тугатиш, ҳам жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд айбловни тугатиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Қолаверса, сўнги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва тугатиш институтларига оид нормаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ЖПК-нинг 83 ва 84-моддаларида қайд этилган ҳар бир асоснинг мазмунини чуқур ўрганиш ва

уларнинг янги таснифини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида қайд этилган асослар, ушбу Кодекснинг 333-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари ҳисобланса-да, мазкур ҳолат ўрганилаётган норма мазмунида ўз ифодасини топмаган. Яъни, қонунда ушбу норманинг биринчи қисми «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қўйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим» тарзида қайд этилиб, реабилитация учун асосларни фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўллаш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу эса, ЖПКнинг 83 ва 333-моддалари ўртасида коллизия ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш жараёнида шахс ишга гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб этилмаган бўлишини инобатга олиб, 83-моддада белгиланган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқариш мумкин эмас.

Шунингдек, ЖПКнинг 83-(Реабилитация учун асослар) ва 84-(Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар) моддалари билан ушбу Кодекснинг 333-моддаси, яъни «Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш» нормаларининг мазмуни ўртасида коллизия ҳолат мавжуд. Чунки, ЖПКнинг 333-моддасига мувофиқ, ушбу Кодекс 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3–8-бандларида назарда тутилган асослар айти пайтда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари ҳисобланса-да, ушбу ҳолат 83 ва 84-моддаларнинг мазмунида ўз ифодасини топмаган. Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

1) ЖПК 83-моддасининг биринчи қисми (Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қўйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим) ёхуд ушбу модданинг 1-бандида (иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган

бўлса) фақат дастлабки тергов босқичи назарда тутилиб, терговга қадар текширув босқичи, яъни жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш масаласи кўриладиган жараён эътиборга олинмаган;

2) ЖПКнинг 84-моддаси («Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар») ўз мазмуни билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш масалаларини қамраб олмаган. Бу каби ҳолатни 84-модданинг биринчи қисмида (яъни ушбу норма «Қўйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти» деб ёзилганлигида) кўришимиз мумкин;

3) 84-модданинг биринчи қисми 3-бандида «айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса» асоси билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш имкони йўқ. Чунки, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш босқичида жиноят содир этган шахс «айбланувчи» ёки «судланувчи» мақомида бўлиши мумкин эмас;

4) 84-модданинг биринчи қисми 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса» асосини қўллашимиз учун жиноят иши қўзғатилиб, ишга жалб этилган айбланувчининг жиноят содир этганлиги иш бўйича йиғилган далиллар билан исботланган бўлиши талаб этилади;

5) юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида амалдаги қонунларимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жиноят-процессуал муносабатларнинг янада либераллаштирилишига хизмат қилди¹. Бу эса, ўз навбатида, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асосларининг қўлланилиш доираси янада кенгайишига олиб келди. Жумладан, ҳисобот маълумотларининг таҳлилидан маълум бўладики, 2016 йил-

да жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳоллари 2011 йилдагига нисбатан салкам 50 фоизга ошган². Ўйлаймизки, жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айбловга доир нормаларни қўллаш доирасининг кенгайиб бориши жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш институти янада мустақамланишига сабаб бўлади. Бу эса мазкур институтга доир жиноят-процессуал қонун нормаларини чуқур тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Юқорида санаб ўтилган омиллар ҳамда амалиётчи ходимлар томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш институтини қўллаш самарадорлигини ошириш ва жиноят-процессуал қонун нормалари ўртасида мавжуд коллизияларни бартараф этиш мақсадида ишни қўзғатишни рад қилиш учун қуйидаги асослар ЖПКнинг 333-моддасида акс этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«333-модда. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш

Қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш рад қилиниши лозим, башарти:

- 1) *жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;*
- 2) *шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;*
- 3) *шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;*
- 4) *эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;*
- 5) *жиноятни содир этган шахс вафот этган бўлса;*
- б) *шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;*

7) *шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;*

8) *иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса.*

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини прокурорга юборади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади».

Таклиф этилган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат қонун нормалари ўртасида юзага келган коллизияларни бартараф этишга, балки амалиёт ходимлари томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари янада самарали қўлланишига хизмат қилади.

¹ Қаранг: *Ражабова М.А.* Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. — Т., 2009. — Б.229.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011-2016 йилларга доир статистик маълумотлари таҳлили.

ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифи берилган, ҳуқуқбузар шахсга оид демографик маълумотлар, унинг ички руҳий дунёси, эҳтиёжлари, мойилликлари, эмоционал иродавий даражаси, индивидуал хусусиятлари, криминогенлик даражаси таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахс, ижтимоий-демографик белгилар, ҳуқуқбузар шахси.

Характеристика лиц, совершивших правонарушения, связанные с семейным насилием

Аннотация. В статье дается криминологическое описание лиц, совершающих насилие в семье, анализируются демографические данные правонарушителя, его внутренний духовный мир, потребности, отношения с членами семьи, психологические особенности и уровень криминогенности.

Ключевые понятия: лицо, совершающее насилие в семье, социально-демографическая характеристика, личность правонарушителя.

Characteristics of persons affected by offenses related to family violence

Annotation. The article describes the criminological description of the perpetrators of domestic violence, the demographic data of the offender, his inner spiritual world, needs, attitudes, emotional irony, intuitive features and the level of criminality.

Key words: a person who has committed domestic violence, socio-demographic characteristics, the personality of the offender, the level of human crime.

Маълумки, ҳуқуқбузар шахснинг ижтимоий хавfli ва айбли қилмишлари билан боғлиқ муаммоларни криминология фани тадқиқ этади. Зеро, жиноят содир этган шахсларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўзининг мазмун ва моҳиятига эгадир. Жиноятчиликни ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этишда ҳуқуқбузарнинг шахси ва хусусиятлари ҳам ўрганилади. Шу боис, мазкур тадқиқот доирасида оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг ижтимоий хавfli, ғайриқонуний қилмишларини тадқиқ этиш учун, биринчи навбатда, уларга хос ғайри-ижтимоий криминологик хусусиятларни аниқлаш зарур.

Биз суд-тергов амалиёти ва ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда оиладаги зўравонлик оқибатида

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг хусусиятларини жиноятчи шахсининг тузилиши ҳақидаги қоидада кўрсатилган кетма-кетликда кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

1. Оилада зўравонлик оқибатида жиноят содир этган шахсга тааллуқли *ижтимоий-демографик белгилар* ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларини криминологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали уларга хос аксарият хусусиятларни ўрганиш мумкин. Лекин, бу ижтимоий-демографик белгилар умумлаштирилган ҳолда маълум бир республикада, муайян даврда жиноят содир этган шахсларга хос ижтимоий-демографик белгилар ўрганилса, улар асосида муҳим криминологик хулосаларга келиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида жиноят содир этганларнинг шахси ҳақида ҳаққоний хулоса чиқариш учун суд-тергов амалиётидан олинган шахсга оид материаллар таҳлил қилинганида уларнинг асосий қисмини илгари судланган, вақтинча ишсиз, спиртли ичимлик истеъмол қилишга ва гиёҳвандликка ружу қўйган, гайриижтимоий хулқ-атворли, маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этиши маълум бўлди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳуқуқбузар шахсларнинг кўпчилиги ёшлигидан спиртли ичимликларни истеъмол қилишни ўрганган ҳамда улар таъсирида турли ҳуқуқбузарликлар содир этишган. Ҳаётда айнан шу тоифадаги шахсларда жиноят содир этишга мойиллик кўпроқ кузатилади ҳамда улар содир этган жиноятлар туфайли шахснинг ҳаёти ва соғлиғига турли даражада зарар етказилади.

Жиноятчи шахсини психологик жиҳатдан ўрганишда уни ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки, жиноий хулқни шахс ёки муҳит эмас, балки айнан уларнинг ўзаро алоқаси юзага келтиради¹. Ижтимоий муҳитнинг жиноий хулққа таъсири мураккаб бўлиб, ўрганилаётган муаммо бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради.

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақидаги жиноят ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан қасддан баданга шикаст етказиш (54,3% ҳолатда), қасддан одам ўлдириш (9,1%), вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (12,5%), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб гайритабиий усулда қондириш (6,1%), тухмат (5,4%), қийнаш (4,7%), номусга тегиш (2,1%), хавф остида қолдириш (1,0%), ҳақорат қилиш (3,2%), ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (1,6%) жиноятларини содир этишган.

Мазкур шахсларнинг **ёшига** оид маълумотлар таҳлил қилинганида, уларнинг 10,1%ини — 18-25 ёшдаги, 38,6%ини — 25-35, 26,8%ини — 35-45, 15,5%ни — 45-55 ёшдаги ҳамда 9,2%ини 55 ёшдан катталар ташкил этиши

аниқланди. Кўриниб турибдики, оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминоген фаоллиги юқори бўлган асосий қисмини 25-45 ёшдагилар ташкил этмоқда.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг 64,8%ини ишсизлар, 27,6%ини ишчилар, 5,4%ини хизматчилар, 2,3%ини тадбиркорлар ташкил қилади. Бундай жиноятларни содир этганлар ичида давлат хизматчиларининг камлиги, ишчилар салмоғининг катталиги, шунингдек ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган (ҳеч қарда ишламайдиган, вақтинча ишсиз) шахсларнинг жиноий фаоллиги юқорилигини кузатиш мумкин.

Оилада зўравонлик содир этиб судланган шахсларнинг ёши бўйича таҳлил қилинганида, уларнинг 18,3%ини — 18-25 ёшдаги, 24,5%ини — 25-30, 32,8%ини — 30-35, 31,4%ини — 35-40, 28,3%ини — 40-45, 29,4%ини — 45-50, 13,1%ини — 50-55 ёшдаги, 14,1%ни эса 55 ёшдан катта шахслар ташкил этди. Шунингдек, ушбу тоифдаги шахсларнинг оиласидан ажрашганлик аҳволи таҳлил қилинганида уларнинг 37,1%ини 18-25 ёшдагилар, 27,6%ини — 25-30, 17,3%ини — 30-35, 8,4%ини — 35-40, 6,4%ини — 40-45, 2,1%ини — 45-50 ёшдагилар ҳамда 1,1%ини 50 ёшдан катта бўлган оиласи билан бирга яшамаган (бўйдоқ, ажрашган) шахслар ташкил этиши аниқланди.

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этувчилар асосан эркаклар бўлиб, улар 82%ни ташкил этади.

2. *Ҳуқуқбузарнинг ақлий етуклиги, билими, маҳорати, қобилиятини* ўрганиш ушбу тоифадаги шахслар билан профилактик чора-тадбирлар олиб бориш йўналишларини белгилаб беради. Бу белгилар ҳам ижтимоий-демографик белгилар сингари умумлаштирилган ҳолда ўрганилсагина криминологик аҳамиятга эга маълумотлар олинади.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Отажонов жиноятчи шахсининг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда унинг **маълумот даражаси** ҳам муҳимлигини, инсоннинг маълумот даражаси унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ва

маданий кўринишларини шакллантиришини таъкидлайди².

Оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг маълумот даражаси бўйича таснифланиши турли даврларда, ҳудудларда, алоҳида турдаги жиноятлар бўйича бир хил эмас. Масалан, оилада зўравонликларни билим даражаси паст, иқтисодий жиноятларни эса, аксинча, маълумот даражаси юқори шахслар кўпроқ содир этишади. Ҳаётда бу тоифадаги тоифадаги шахсларда жиноят содир этишга мойиллик кўпроқ кузатилади. Оилада содир этилган зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан қотиллик ва баданга шикаст етказишларнинг 50% айнан шу тоифадаги шахсларга тўғри келмоқда.

Бир қатор криминологик тадқиқотларда бундай жиноятларни асосан билим ва маълумот даражаси юқори бўлмаган шахслар ташкил этгани қайд этилган. Профессор И.Исмаилов таъкидлаганидек, «маълумотнинг камлиги, маданият даражасининг пастлиги шахс қизиқишларининг анчагина тор бўлишига ва сийқалашувига, ахлоқнинг дағаллашувига, шахсиятпарастлик ва худбинлик хислатлари ривожланишига олиб келади»³.

Шахснинг маълумот даражаси пастлиги, онгининг етарли ривожланмаганлиги, содир этаётган хатти-ҳаракатининг оқибатини англаб етмаслиги, ғайриижтимоий ишлардан ўзини тия олмаслиги каби салбий хислатлари унинг жиноят содир этишида муҳим ўрин тутаяди. Бундайлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларни охирини ўйламай, осонгина содир этадилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу тоифадаги шахсларда раҳм-шафқат ҳислари йўқлиги сабабли улар инсонга шафқатсиз муносабатда бўлиб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятларни содир этадилар. Афсуски, бундай ваҳшийлик билан қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этиш ҳолатлари ҳозирги кунда кўп учрамоқда.

Мисол учун, Миробод тумани Кўйлик-2 даҳасида яшовчи 1951 й.т. фуқаро К.дан ўғли Г. спиртли ичимлик сотиб олиши учун нафақа

пулини беришини талаб қилиб, отасига нисбатан жисмоний куч ишлатган. Бундан жаҳли чиққан ота хўжалик омборидаги болгани олиб, ўглининг бош қисмига зарб билан уриши натижасида ўғли воқеа жойида ўлган⁴.

Бундай ҳолат кўпинча шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишда намоён бўлади. Шахсда жиноий ният пайдо бўлишига ва ушбу жиноятнинг содир этилишига ўғилнинг отасига бўлган салбий муносабати сабаб бўлган. Бироқ, ушбу қилмишни содир этган шахсда маълумот даражасининг пастлиги, онгининг етарли ривожланмаганлиги, содир этаётган ҳаракатининг оқибатини англаб етмаслиги жиноят содир этишига олиб келган.

3. *Зўравонлик содир этган шахсларнинг криминогенлик даражаси.* Оилада зўравонлик содир этувчи шахсларнинг хулқ-атвори, қўполлиги, ижтимоий-руҳий табиатида бўлиб турадиган ўзгаришлар уларнинг психологиясига хос хусусиятлар ҳисобланади. Улар томонидан оила-турмуш доирасида шахсга қарши турли жиноятлар содир этилади.

Шахснинг хулқ-атворидаги таъсирчанлик, ҳис-ҳаяжонга берилувчанлик, жиззакилик, қўполлик, ўзини идора қила олмаслик, хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйламаслик ҳуқуқбузар шахс психологиясига хос хусусият ҳисобланади. Ушбу тоифадаги шахслар кўпинча ҳис-ҳаяжонга берилиши оқибатида ўзларини ҳуқуқбузарлик содир этишдан тия олмайдилар. Бундай шахслар одатда жабрланувчининг бирор бойликка эгалик қилишига қаршилик кўрсатишга, жабрланувчининг муайян ҳаракатлари учун зўравонлик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиладилар.

Жиноятга оид статистик материаллар ўрганилганида оилада зўравонлик содир этган шахслар ичида ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлганлари вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилувчилар экани маълум бўлди. Мисол учун, ЖКнинг 127-моддасида назарда тутилган ушбу жиноят 2012 йилда 431 марта содир этилган бўлиб, вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб қилган шахслар

80 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар тегишлича 2013 йилда 512 та ва 84 нафар, 2014 йилда 532 та ва 83 нафар, 2015 йилда 362 та ва 133 нафар, 2017 йилда 316 та ва 67 нафарни ташкил этди⁵.

Кўриниб турибдики, охириги олти йилда қайд этилган ушбу жиноятлар йилига ўртача 429 тани ташкил этса-да, жиноят содир этишга жалб этилган шахслар сони 99 тани ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, бир оилада икки ёки уч нафар фарзанд бўлса, ота ёки онанинг фарзандини гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилиш ҳолатлари кўпайган. Ушбу тоифадаги шахслар ўз фарзандининг тарбиясини бузиб, уларни жиноят оламига етаклашмоқда.

Мисол учун, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшовчи 1975 й.т. фуқаро Т. ўзининг уч нафар фарзанди билан Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида тиланчилик қилишни ўзига касб қилиб олган; ушбу фаолиятга 5 ва 9 яшарли ҳамда 6 ойлик фарзандларини жалб қилиб, уларга фуқароларнинг раҳмини келтирувчи сўзларни ўргатган. Энг ачинарлиси, она болаларини шу пайтгача боғчага ҳам, мактабга ҳам бермаган. Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган материаллар судда кўриб чиқилиб, фуқаро Т. оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, фарзандлари эса меҳрибонлик уйига топширилган⁶.

4. *Ҳуқуқбузарнинг индивидуал хусусиятлари ва судланганлиги.* Оилада зўравонлик содир этган шахсларнинг маънавий-руҳий жиҳатлари, хулқ-атворидаги тажовузкорлик хусусияти бир қатор табиий ва ижтимоий фан вакиллари томонидан атрофлича ўрганилган. Мазкур психологик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган шахс ўз индивидуаллиги жиҳатдан бетакрордир.

Шахснинг ички майли (рашк, қасос, алам, оилада эркак ёки аёлнинг бир-биридан устунлик қилиш даъвоси ва ҳ.к.) оилада зўравонликнинг ёки жиноий хатти-ҳаракатларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Бу объектив омиллар шахсда салбий маънавий хусусиятларни бевосита шакллантирмаса-да, лекин бунинг учун қулай шароит ҳисобла-

нади. Бундай салбий хислатлар эса шахсда тажовузкорлик шаклланишига олиб келади.

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тажовузкор хулқ-атвори туфайли ўз муаммосини жиноий йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилишади. Суд-тергов материаллари ва айблов хулосалари таҳлили асосида айтиш мумкинки, ушбу тоифадаги шахслар жиноий қилмишларини 56,4% ҳолларда — пичоқ, 25,0%ида — қаттиқ жисм, 14,9%ида — жисмоний куч ишлатиб, 0,9%ида — заҳарли моддаларни қўллаб, 2,8%ида эса арқон ёки шунга ўхшаш воситалардан фойдаланиб содир этишган.

Айрим тадқиқотларда қайд этилишича, ўлимга олиб келмаган зўравонликнинг аксарият қисми қурол ёрдамида эмас, балки пичоқ, ўткир қаттиқ жисм, мушт ёки оёқ билан амалга оширилган⁷.

Жиноят содир этган шахсларнинг айблов хулосалари ўрганилганида оилада зўравонлик 28,4% ҳолатда жабрланувчининг қилмишига жавоб қайтариш мақсадида, 17% ида ўз манфаатини устун қўйиш оқибатида, 13,6%ида ўч олиш учун, 12,6%ида жиноий ниятини амалга ошириш, 11,6%ида жабрланувчидан қутулиш, 14,0%ида оилада бошқарувни қўлга олиш, 13,2%ида бошқалар олдида ўзини намойиш этиш, 7,6%ида эса рашк ёки кучли ҳиссиёт таъсирида содир этилгани маълум бўлди.

Жиноий жавобгарликка торилган шахсларнинг 19,4% жиноятни никоҳсиз бирга яшаган хотинига, 18,4% никоҳдаги хотинига, 8,3% никоҳсиз бирга яшаган эрига, 3,7% никоҳда яшаган эрига нисбатан содир этишган; жиноятларнинг 10,0% ака-укалар, 3,9% опа-сингиллар ўртасида юз берган, 9,3%ида ота-она фарзандига, 5,5%ида фарзанд ота-онасига, 21,5%ида шахс бошқа қариндошларига нисбатан содир этган.

Бундай ҳолат тадқиқот жараёнида ўтказилган социологик сўровлар натижаларида ҳам ўз тасдиғини топди. Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боровчи жамоат тузилмаларининг сўровга жалб этилган вакилларида 39,2 фоизи бундай жиноятларни эр ва хотин, 32,6 фоизи ота-она ва фарзандлар, 15,8 фоизи ака ва ука,

12,4 фоизи қайнона ва келин бир-бирларига нисбатан содир этишларини айтишган.

Умуман олганда, оилада зўравонлик содир этган шахслар асосан жабрланувчининг қилмишига жавоб қайтариши ёки оилада ўз манфаатини оила аъзолари манфаатидан устун қўйишга интилиши натижасида жиноятга қўл урган. Шахсга тан жароҳати етказилишига олиб келувчи яна бир омил айбдорнинг ўз хатти-ҳаракати ва унинг оқибатини англаб етмаслигидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, оилада зўравонлик содир этувчи шахсларни

асосан ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, тажовузкор хулқ-атворли, криминоген даражаси юқори, оилавий турмуш шароитида оила аъзолари ва бошқалар билан муносабати яхши, ахлоқий фазилатлари юксак бўлмаган шахслар ташкил этади. Оиладаги носоғлом муҳит шахснинг жиноий хулқ мотивациясига бевосита таъсир кўрсатади. У ташқи ижтимоий ва бошқа омиллардан ташкил топиб, жиноят содир этувчи шахсга таъсир кўрсатади ва унинг жиноят содир этишини белгилаб беради.

¹ Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. – Т., 2011. – Б. 6.

² Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2009. – Б. 90.

³ Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 78.

⁴ Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архиви. № 1-527-сонли иши.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот марказининг маълумотномаси. 2017 йил.

⁶ Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси маълумотномаси 2014 йил.

⁷ Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. –Т., 2009. –Б. 392.

***Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант
Б.А. Матлюбов томонидан тайёрланган «Профилактика инспектори — халқ
хизматчиси» ҳамда «Профилактика инспектори — халқ эътиборида» номли
қўлланмаларнинг тақдимоти***

2018 йил 28 июнь куни Ички ишлар вазирлиги Академиясида янги қўлланмалар тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари, Тошкент шаҳар ИИББ профилактика инспекторлари, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти аъзолари ҳамда Касбий тайёргарлик факультети тингловчилари иштирок этдилар.

Тақдимотда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг бошлиғи генерал-лейтенант Баҳодир Аҳмедович Матлюбов томонидан тайёрланган ушбу қўлланмаларда профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришлари, қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурият ва ҳуқуқларни оғишмай, тўлиқ ва мукамал амалга оширишлари учун қандай талабларни бажаришлари ва қоидаларга қатъий риоя этишлари миллий қадриятларимиз ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ёритилганлигини таъкидладилар.

Жумладан, муаллиф «Профилактика инспектори — халқ хизматчиси» номли ўқув-амалий қўлланмасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, профилактика инспекторлари институтининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини чуқур ва комплекс таҳлил асосида ёритгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, «Профилактика инспектори — халқ эътиборида» номли ўқув қўлланмасида профилактика инспекторлари халқ ишончини қозониш ва унинг эътиборида бўлиш учун қандай фазилатларга эга бўлиши, қандай талабларга жавоб бериши ҳамда ўз фаолиятини қандай амалга ошириши зарурлиги ҳар томонлама чуқур таҳлил қилингани тўғрисида маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар муаллиф мазкур қўлланмаларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш соҳасида белгилаб берган вазифаларни, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларни, ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар жараёнида дуч келинаётган муаммолар таҳлили натижаларига асосланганини эътироф этдилар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ РОЗЫСКА ТЕРРОРИСТОВ И ЭКСТРЕМИСТОВ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье затрагиваются вопросы, связанные с необходимостью совершенствования технологии розыска террористов и экстремистов, показаны основные направления розыскной деятельности правоохранительных органов, рассматриваются особенности уголовно-процессуального порядка, криминалистического обеспечения, оперативно-розыскного сопровождения и международно-правового регулирования розыска скрывающихся террористов и экстремистов.

Ключевые слова: технология розыска, розыск террористов и экстремистов, следователь, дознаватель, органы, осуществляющие оперативно-розыскную деятельность, криминалистическое обеспечение розыска, оперативно-розыскное сопровождение, международно-правовое регулирование розыска лиц, совершивших террористические и экстремистские акты.

Террорчи ва экстремистларни ички ишлар органлари томонидан қидириш технологиясини такомиллаштириш

Аннотация. Мақолада террорчи ва экстремистларни қидиш технологиясини такомиллаштириш масалалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қидирув фаолиятининг асосий йўналишлари, яширинган террорчи ва экстремистларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик, тезкор-қидирув таъминланиши ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: қидирув технологияси, террорчилар ва экстремистларни қидириш, терговчи, суриштирувчи, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, қидирувнинг криминалистик, тезкор-қидирув таъминланиши, террор ва экстремистик ҳаракатларни содир этган шахслар қидирувининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши.

Improvement of the technology of searching terrorists and extremists by bodies of internal affairs

Annotation. The article addresses on the issues related to the need to improve the search for terrorists and extremists, shows the main directions of the search activity of law enforcement agencies, examines the specifics of the criminal procedure, criminalistic support, operational tracking and international legal regulation of the search for hiding terrorists and extremists.

Key words: technology of search, search of terrorists and extremists, investigator, inquirer, bodies that carry out operational-search activity, forensic search, operatively-search support, international legal regulation of the search for persons who committed terrorist and extremist acts.

Терроризм и экстремизм представляют собой сложные социально-политические, криминальные явления, обусловленные внутренними и внешними противоречиями общественного развития и представляют угрозу для жизненно важных интересов личности, общества и государства.

По своей социально-политической сущности терроризм представляет собой

систематическое, социально или политически мотивированное, идеологически обоснованное применение насилия либо угроз применения, посредством которого через устрашение физических лиц осуществляется управление их поведением в выгодном для террористов направлении и достигаются преследуемые цели.

Согласно ст. 3 Закона Республики Узбекистан от 30 июля 2018 г. «О противодействии экстремизму» экстремизм представляет собой «выражение крайних форм действий, направленных на дестабилизацию общественно-политической обстановки, насильственное изменение конституционного строя Республики Узбекистан, насильственный захват власти и присвоение ее полномочий, возбуждение национальной, расовой, этнической или религиозной вражды»¹.

Терроризм и экстремизм включают несколько взаимосвязанных элементов: идеологию (теории, концепции, идейно-политические платформы); структуру (международные и национальные террористические организации, экстремистские — правые и левые, националистические, религиозные и другие общественные организации, структуры организованной преступности и т.п.), а также собственно террористическую, экстремистскую практику (террористическую, экстремистскую деятельность).

Терроризм и экстремизм являются частью насильственной преступности и уровень их предупреждения и раскрытия представляет собой показатель эффективности усилий общества и государства. Эти преступления относятся к тем видам преступного насилия, жертвой которого может быть каждый, даже тот, кто не имеет ни малейшего отношения к конфликту, породившему их. Для террористических актов они всегда используют расходный людской потенциал². Отсюда крайняя уязвимость граждан и необходимость правоохранительных органов в защите их от преступных посягательств.

Для защиты жизни, здоровья и интересов личности от проявлений террористической деятельности правоохранительными органами принимаются соответствующие меры в различных сферах. Так, в борьбе с терроризмом важное место занимает розыск скрывающихся террористов и экстремистов, в осуществлении которого особую роль выполняют органы внутренних дел. В целях

повышения эффективности деятельности органов внутренних дел, усиления их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан 24 апреля 2017 г. было принято Постановление Президента Республики Узбекистан о реорганизации оперативных подразделений в органах внутренних дел в две самостоятельные оперативно-розыскные структуры: Главное управление уголовного розыска и Главное управление борьбы с терроризмом и экстремизмом и их территориальные подразделения на местах. Предупреждая, раскрывая и расследуя преступления посредством оперативно-розыскной деятельности, они выполняют функцию розыска лиц, совершивших преступления, место нахождения которых неизвестно. На структурные подразделения уголовного розыска (УР), в частности отделения розыска возлагаются непосредственные обязанности розыска скрывающихся преступников, уклоняющихся от правосудия. А подразделения борьбы с терроризмом и экстремизмом занимаются предупреждением, пресечением, раскрытием таких тяжких преступлений, как терроризм и экстремизм и соответственно розыском лиц, совершивших данные виды преступлений.

Относительно находящихся в розыске преступников Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем выступлении на видеоселекторном совещании отметил, что «...незадержание большинства находящихся в розыске лиц позволяет им продолжать свои преступные деяния, и это очень тревожный факт»³. Им же приводятся конкретные данные о том, что из 2988 находившихся в 2017 году в розыске сторонников религиозного экстремизма были задержаны только 75 человек⁴.

Анализ статистических данных показывает, что по отношению с 1990 г. в 2017 г. число лиц, находящихся в розыске, возросло в среднем более чем в два раза, а в среднем число задержанных разыскиваемых преступников, за данный период ежегодно составляет

немногим более половины. Статистические данные, связанные с эффективностью розыска экстремистов, показывают, что это положение вызывает особую тревогу. Так, из всего количества экстремистов за указанный период в среднем задерживалось всего 7,53% преступников и, соответственно, 92,47% экстремистов остались не разысканными⁵. Следовательно, эффективность их розыска очень низкая и проблема розыска экстремистов актуальна на современном этапе борьбы с данными видами преступлений.

Эти показатели свидетельствуют об актуальной необходимости совершенствования комплексного механизма уголовно-процессуального порядка, криминалистического обеспечения, оперативно-розыскного сопровождения и международно-правового регламента розыска скрывающихся террористов и экстремистов.

Среди основных задач оперативно-розыскной деятельности, перечисленных в ст. 4 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», указана задача, связанная с осуществлением розыска лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания, в том числе и объявленных в розыск террористов и экстремистов.

Для осуществления розыска скрывающихся террористов и экстремистов применяются оперативно-розыскные мероприятия, имеющие особенности, связанные со спецификой данного вида преступлений. Ученые-юристы по-разному определяют их содержание. Так, В.Г. Каримов понимает их как проводимые субъектами оперативно-розыскной деятельности на основании требований соответствующих законов и нормативных актов гласных и негласных методов действия⁶. Относительно принципа применения гласных и негласных оперативно-розыскных мероприятий А.А. Хамдамов, Т.Р. Сайтбаев дают следующий комментарий: «Принцип сочетания гласных и негласных методов в борьбе с преступностью в законодательных актах

был впервые введен ст. 4 Закона Республики Узбекистан «О борьбе с терроризмом» применительно к деятельности правоохранительных органов в борьбе с терроризмом, как одному из проявлений преступности.

Необходимость сочетания гласных и негласных методов в борьбе с преступностью на практике обусловлена рядом обстоятельств. Использование лишь гласных мер не позволяет решать задачи правосудия в полном объеме, и, наоборот, одни негласные меры не всегда могут обеспечить решение последних. Кроме того, противопоставление одних мер другим усложняет работу, ведет к неоправданным затратам, иногда к риску расшифровки негласных сил, средств и методов борьбы с преступностью⁷.

О.А. Вагин, А.П. Исиченко, Г.Х. Шабанов указывают, что «ОРМ осуществляются как гласно, так и негласно. Негласность означает неочевидность, скрытость проводимых мероприятий от лиц, в них не участвующих, в том числе от сотрудников органов — субъектов ОРД, но прежде всего — от объектов, в отношении которых они проводятся⁸. Они же отмечают, что «под гласностью следует понимать открытость проведения ОРМ, когда их содержание, цели, участники не скрываются ни от окружающих, ни от объектов их проведения»⁹.

Необходимо отметить, что начало XXI века ознаменовалось продолжающейся научно-технической революцией, внедрением информационно-коммуникационных и иных технологий в жизнь человека, но и, как ни парадоксально, временем ренессанса религиозных ценностей, временем своеобразного возврата к неторопливой, лишенной суеты религиозной духовности. Однако имеется и негативная сторона, проявляющаяся в виде религиозного экстремизма, который многолик так же, как многообразны порождающие и подпитывающие его причины, источники и способы совершения. Религиозный экстремизм относится к числу наиболее опасных явлений современности, которое приобретает все более

разнообразные формы и угрожающие масштабы. Так, Р.Р. Абдулганиев отмечает, что в настоящее время со стороны членов религиозно-экстремистских организаций активно используется глобальная информационная сеть Интернет, на сайтах которой размещаются призывы по свержению конституционного строя, проводится активная идеологическая работа, обмен данными, направление по адресатам для последующего распространения религиозно-экстремистской литературы¹⁰.

По мнению Н.В. Степанова, «характерным признаком религиозного экстремизма неполитического свойства является наличие в его основе религиозной (псевдорелигиозной) идеологической доктрины, на основе которой и развиваются экстремистские взгляды. К особенностям данного вида экстремизма относятся также иррационализм воззрений и поступков его представителей и стремление лидеров религиозно-экстремистских организаций овладеть умами как можно большего количества людей, часто с корыстными намерениями»¹¹.

Одним из действенных способов борьбы с криминальным религиозным экстремизмом является розыск лиц, совершивших эти преступления. И в этом отношении сообщения граждан (физических лиц) и организаций (юридических лиц) о местонахождении скрывающихся экстремистов имеют большое значение. Каждый сознательный гражданин, когда ему станет известно о месте пребывания членов террористических, религиозно-экстремистских групп, обязан сообщить об этом в правоохранительные органы, которые, используя оперативно-розыскную деятельность, проводят проверку полученных сообщений и принимают меры по пресечению этих преступлений.

В современных условиях научно-технического прогресса, при проведении оперативно-розыскных мероприятий возникла необходимость в широком применении информационно-коммуникационных технологий и сам процесс раскрытия,

расследования, на наш взгляд, можно воспринимать как своеобразную технологию розыска.

Законодательное регулирование уголовно-процессуальной, оперативно-розыскной деятельности соответствующими законами является правовыми основаниями технологии розыска лиц, совершивших преступления, место нахождения которых неизвестно. К составляющим элементам данной технологии можно отнести криминалистическую тактику, методику, а также межгосударственные соглашения по организации международного розыска скрывающихся преступников.

В целом, регламентация в уголовно-процессуальном кодексе следственных, процессуальных действий, розыскных и иных мероприятий, порядка производства, средств и методов их осуществления должны быть объектом изучения и разработки не одной отдельно взятой науки, а блока смежных наук. Так, розыск лиц, совершивших преступления, является объектом изучения таких наук, как уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право, международное уголовное право, и в этом отношении данный вид розыска должен изучаться в комплексе единого уголовного блока. Данный комплексный характер розыска, как уже указывалось выше, и следует рассматривать как технологию розыска.

К.Г. Иванов отмечает, «...в криминалистике возникает и приобретает все большее значение комплексная научная категория — «Поисково-розыскная деятельность правоохранительных органов», которая органически объединяет поисковую и розыскную деятельности. Основу поисково-розыскной деятельности составляют: разведывательное содержание поисковой и розыскной деятельности, их направленность на получение не процессуальной и процессуальной информации, для решения специфических задач: эффективное использование информационной базы, ее последовательное расширение и развертывание; оптимальное применение

специальных поисковых методов в сочетании с оперативно-розыскными мероприятиями и следственными действиями»¹².

А. В. Земскова включает оперативно-розыскные действия в содержание криминалистической тактики розыска лиц, совершивших преступление¹³. Относительно розыска скрывающихся преступников, на наш взгляд, следует расширить розыскной аспект дополнив его уголовно-процессуальными, криминалистическими, оперативно-розыскными и международно-правовыми составляющими в динамике единого технологического процесса. Но при этом признаем наличие структурных элементов в форме отдельных технологий: уголовно-процессуальной, криминалистической, оперативно-розыскной и международно-правовой.

Оперативно-розыскная деятельность как юридическая отрасль совместно с криминалистикой, уголовным процессом и международным уголовным правом по отношению к розыску лиц, совершивших преступления, место нахождения которых неизвестно, имеют общий объект — известный органам расследования преступник, умышленно скрывающийся от правосудия, которого необходимо обнаружить и задержать.

В статье 13 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» в обязанность органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность входит организация работы по осуществлению розыска лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания. Следовательно, на законодательном уровне закрепляется положение об обязанности оперативных подразделений в осуществлении именно розыскной деятельности как таковой.

Перечисленные положения Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» указывают на процессуальные основания розыска в уголовном процессе и, на наш взгляд, должны найти свое отражение в действующем УПК Республики Узбекистан.

Установление местонахождения разыскиваемых террористов и экстремистов обеспечивается системой розыскных мер, предусмотренных национальным уголовно-процессуальным законодательством. В тех случаях, когда обвиняемый скрывается за пределами Узбекистана, согласно нормам международного права может осуществляться международный розыск.

Терроризм и религиозный экстремизм в настоящее время имеет транснациональный характер, и вопросы розыска преступников, совершивших данные преступления, имеют международный характер. Так, А.Г. Волеводз отметил, что «транснациональный характер преступлений — особенно, когда это связано с деятельностью организованных преступных групп, требует активного взаимодействия правоприменительных органов и судебных властей различных стран не только в рамках ставших уже традиционными форм правовой помощи по уголовным делам, но также путем создания и развития новых правовых институтов, необходимых практике, одним из которых является международный розыск»¹⁴.

Изучение национального и международного опыта применения современных процессуальных и криминалистических способов и методов организации розыска скрывающихся террористов и экстремистов, взаимодействия по данному вопросу с правоохранительными органами зарубежных стран, позволило выделить основные направления совершенствования организации их розыска. К ним можно отнести:

— внедрение новейших информационно-коммуникационных технологий розыска скрывающихся преступников посредством Интернета или иной международной информационной сети;

— создание международной системы информационного взаимодействия различных правоохранительных органов, в том числе и международных организаций на основе инновационных технологий посредством создания соответствующего банка данных;

– переоснащение правоохранительных органов на основе международного соглашения между различными государственными и межгосударственными организациями более мощными и более быстрыми, мобильными информационно-техническими средствами;

– создание единого, централизованного, международного учета разыскиваемых террористов и экстремистов и на базе этого – специальных международных информационно-поисковых систем, которые необходимо использовать в розыскной деятельности правоохранительных органов;

– учет особенностей уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, регламентирующих порядок сношений с правоохранительными органами иностранных государств по вопросам правовой помощи по уголовным делам и экстрадиции террористов и религиозных экстремистов;

– совершенствование организационных, координационных начал взаимодействия правоохранительных органов с НЦБ Интерпола МВД Республики Узбекистан в розыске террористов и экстремистов.

¹ Lex.uz. Национальная база данных законодательства, 31.07.2018 г., № 03/18/489/1593.

² Григорьев М.С. Противодействие террористической пропаганде. – М., 2017. – С.5.

³ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б.317.

⁴ Там же. – Б.318.

⁵ Статистические данные ИЦ МВД Республики Узбекистан за 2000-2017 годы.

⁶ Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари. – Т., 2015. – Б. 45.

⁷ Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н. Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». – Т., 2015. – С. 42.

⁸ Вагин О.А., Исиченко А.П., Шабанов Г.Х. Оперативно-розыскные мероприятия и использование их результатов: Учебно-практическое пособие. – М., 2006. – С.6.

⁹ Там же.

¹⁰ Абдулганеев Р. Р. Религиозный экстремизм: криминологические и уголовно-правовые аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2013. – 20 с.

¹¹ Степанов Н. В. Криминологические проблемы противодействия преступлениям, связанным с политическим и религиозным экстремизмом: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С.15.

¹² Иванов К. Г. Теоретические проблемы и практика поисковой деятельности в раскрытии и расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2002. – С.12.

¹³ Земскова А. В. Теоретические основы использования результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2002. – С.13.

¹⁴ Волеводз А.Г. Правовое регулирование новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса. – М., 2002. – С.139.

А. С. Курбонов,

ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли бошлиғи;

А. Г. Мирзакулов,

ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчиси

КУРСАНТЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада курсантларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Спорт билан шуғулланишни канда қилмаслик ва зарарли одатлардан йироқ бўлиш тавсия этилган.

Таянч тушунчалар: соғлом турмуш тарзи, биологик ёш, оптимал ҳаракат, фундаментал тадқиқотлар, жисмоний тарбия, медитация, динамик стереотип.

Значение здорового образа жизни в поддержании и укреплении здоровья курсантов

Аннотация. В статье рассматривается значение здорового образа жизни в укреплении и развитии здоровья курсантов. Рекомендовано заниматься спортом и избегать вредных привычек.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, биологический возраст, оптимальное действие, фундаментальное исследование, физическая культура, медитация, динамический стереотип.

Achievement of social health in the stability and confidence of the national academy chairmans health

Annotation. The article deals with the health of a healthy lifestyle in maintaining and strengthening the health of the listeners. It is recommended that you do sports in good health and avoid harmful habits.

Key words: healthy lifestyle, biological activity, optimal motion, fundamental studies, physical culture, mediation, dynamic striotype.

Жисмонан баркамол авлод тарбияси ва унинг камолоти барқарор турмуш тарзи маданияти орқали йўлга қўйилади. Унинг асосий мезони индивиднинг соғломлиги, саломатлиги даражасидир. Саломатлик эса инсон жисмининг камолотига бориб тақалади ва унинг тамал тоши биологик ёшининг илк давриданоқ қўйилади.

Улуғ мақсадларга эришиш, фаровон турмуш, инсон зотига муносиб ҳаёт барпо этиш, аввало, мавжуд жамият аъзоларига, яъни комилликка интилаётган келажакимиз, ёш авлодга боғлиқ. Оқил, доно, қобил фарзандлар насли ўлмас Шарқ фалсафаси, илмий қадриятлар руҳига эга бўлган, умумбашарий маънавий туйғулар соҳиблари бўлмиш улуғ боболаримизнинг азалий орзуси бўлган¹.

Соғлом турмуш, фаол оптимал ҳаракат активлиги ўзининг назарий асосларига эга, лекин бу муаммо ҳозирги кунгача тўлиқ ўрганилмаган. Умумий ва махсус адабиётлар таҳлили мавзу бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда. Соғлом турмуш тарзи (СТТ) жисмоний тарбия таркибидаги соғломлаштириш машқларининг назарий ва амалий асосларига оид билимлар, амалий малакалар жамият аъзосининг соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятга эгалик белгиси эканлиги исботланган.

Жисмоний тарбиянинг мазмун-моҳияти ва соғлом турмуш тарзи жисмоний маданият таркибида восита тарзида муносиб ўринга эга бўлиб, жамият аъзоларининг организмини кундалик ҳаётий фаолиятга тайёрлаш, шу

фаолият учун зарур биологик қувватни юзага келтириш ҳамда улардан ақлий ва жисмоний меҳнат жараёнида фойдаланишни назарда тутати.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни канда қилмаслик, кундалик турмушда доимий шуғулланиш зарарли одатлардан йироқ бўлишда кўмаклашади, қадди-қоматни тўғри ва чиройли ривожлантириш билан бирга, организмнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади².

Барқарор турмуш тарзи маданиятини соғлом асосда қуриш феномени антик даврдан то шу кунгача турли илмий-назарий таъриф ва талқинларга эга бўлди. Унинг ҳозирги таърифида соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти ва унинг машғулоти, жисмоний машқлар ўзининг муносиб жиҳатлари билан баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда етакчи воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти қадрият сифатида қуйидагиларни қамраб олади:

- жамият аъзосининг саломатлиги, гавда қисмларининг хизмат фаолияти даражаси, танани зарур даражада сақлашга ёрдам берадиган тизимли машғулоти;

- жисмоний тайёргарлиги (етуклиги) – кучи, тезлиги, чаққонлиги, чидамлилиги, эгилувчанлиги даражаси;

- жисмоний ривожланганлиги – вазни, бўйи, тана аъзоларининг ўлчами ва уларни зарур даражада сақлашга оид назарий билим ва амалий малакалар;

- жисмоний етуклик ва жисмоний баркамолликка оид назарий билим ва амалий малака;

- кун тартиби таркибида ҳаракат фаоллиги, ўқув, меҳнат фаолияти, «актив», «пассив» дам олиш маданияти;

- ақлий ва жисмоний фаолият учун сарфланадиган қувват тикланишини бошқара олиш;

- оммавий спорт турларидан бири билан шуғулланиш;

- машқларнинг мазмуни ва ташкил этилиши;

- соғломлаштириш машғулотларининг ўзи ёқтирган шакллари билан бири билан мақсадли шуғулланиш;

- сув, ҳаво, кўёш нури орқали чиниқиш;
- массаж, шахсий жамоа гигиенаси омиллари билан, биринчи ёрдам, хавфсизлик қоидалари билан фойдалана билиш ҳамда бошқа назарий билим ва амалий малакалар.

Оммавий спорт – дарсдан ташқари, иш вақтидан сўнг давлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳамда ҳар бир шахснинг ташаббуси билан амалга оширилади.

Актив дам – жисмоний ҳаракатлар орқали организмнинг чарчоғини йўқотиш, иш қобилиятини оширишдир.

Пассив дамда организм ҳеч қандай юклар билан, деярли қувват сарф қилмай барча мускулларни бўшаштириб дам олади.

Медитация – асосан Шарқ мактабига хос жисмоний машқлар мажмуи бўлиб, инсон жисмоний тарбия тизимлари ичида ҳар бир шахс мустақил ёки шу тизим ишқибозлари алоҳида гуруҳларга ажралиб шуғулланадилар.

Соғломлаштириш машқлари – инсонларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, ривожлантиришга қаратилган умумий хусусиятга эга жисмоний юклар.

Организмнинг функционал захиралари – орган ёки функционал тизимлар ишининг тинч ҳолатдагига нисбатан ортиши³.

Жисмоний соғломлик – жисмоний машқлар ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш орқали жисмоний етуклик даражасидаги ҳаракат фаоллигига эгалик, организмнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари ва касалликларга қарши тура олиши, турмуш, ҳаётнинг фаолият талабларига етарли даражадаги муносибати.

Жисмоний қобилият – инсоннинг у ёки бу мушак фаолияти талабларига жавоб берадиган ва унинг самарали бажарилишини таъминлайдиган руҳий-физиологик ҳамда морфологик хусусиятлари мажмуаси.

Жамиятимиз аъзосининг саломатлиги, узоқ умр кўриши, тана аъзоларининг юқори ишчанликда фаолият кўрсатиши унинг организмнинг машқланганлиги билан боғлиқ.

Машқланиш даражаси эса жамият аъзоси ўзи учун динамик стереотипга айлан-тирган жисмоний тарбия жараёни билан

боғлиқ ва бу муаммо мустақиллик йилларида ҳукуратимиз сиёсатида устувор йўналиш муҳимлиги билан давлатимиз раҳбарияти ва бўлиб қолаверади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни. — Т., 2002. — Б. 25.

² *Хазиахметова М.С., Ханкельдиев Ш.Х.* Особенности физического воспитания студенческой молодежи. — Казань, 2003. — С. 54.

³ *Юнусов Т.Т., Юнусова Ю.М., Кудратов Р.К.* «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари — саломатлик гарови // Ўзбекистон аҳолиси саломатлиги ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлашда махсус тестлари бўйича услубий қўлланма. —Т., 2004.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш — коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим мезони

Бугун мамлакатимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, албатта, халқ манфаатлари мужассам. Хусусан, адолатли демократик фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида республикаимизда олиб борилаётган ишлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлидаги собитқадамликдан далолатдир.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 2 февраль) ПҚ-2752-сон қарори ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2018 йил 12 январдаги 2-сон мажлис қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ИИВ Академиясида 2018 йил 20 сентябрь куни «**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш — коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим мезони**» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Адлия вазирлиги, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Юристар малакасини ошириш маркази, Давлат хавфсизлик хизмати институти, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Тошкент давлат юридик университети, Божхона қўмитаси, Божхона институти, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда тегишли манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва тингловчи-курсантлари иштирок этдилар.

Конференцияда сўзга чиққанлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида қонун бузилишларининг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича амалдаги тизимни ўрганиш, бу борада қабул қилинган идоровий норматив-ҳужжатларни амалда қўллаш самардорлигини янада ошириш ҳамда улар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш бевосита коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим мезони бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Шунингдек, ходимлар томонидан қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиш динамикасини ўрганиш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни таҳлил қилиш, ушбу идоралар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган одоб-ахлоқ қоидаларининг ишлаб чиқилганлиги, ходимларнинг мазкур талабларга оғишмай риоя этишларини таъминлаш борасида мавжуд амалиётни ўрганиш ва бу масала юзасидан хориж амалиётини қиёсий таҳлил қилиш, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш самардорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни белгилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференция якунида коррупцияга қарши курашишда идоралараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишларини таъминлаш ва ушбу йўналишдаги илгор тажрибаларни оммалаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Х. М. Қиличев,

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети махсус
фанлар цикли бошлигининг ўринбосари*

ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ (ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда маҳалла институтининг шаклланиши, тарихи, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ маҳаллий урф-одатлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларнинг ривожланиши тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахс, фуқаролик жамияти.

Правовое регулирование гражданско-правового статуса органов самоуправления граждан (историческо-правовой анализ)

Аннотация. В статье исследованы формирование института махалли в Узбекистане, его история, местные традиции, связанные с органами самоуправления, а также развитие гражданско-правовых норм в гражданско-правовых документах.

Ключевые слова: махалля, органы самоуправления граждан, юридическое лицо, гражданское общество.

Legal regulation of citizens' self-governing bodies' legal statute (historical and legal analysis)

Annotation. The article deals with the formation and history of the makhalla institution, investigation of local customs concerning the activity of the citizens' self-governing bodies and the questions of development of rules connected with their civil and legal statute in legal documents.

Key words: community, citizens' self-governing bodies, juridical person, civil society.

Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ноёб шакли бўлмиш маҳалла азалдан чинакам миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлган. Ушбу ноёб ижтимоий институт мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди¹. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди.

Айни пайтда, шиддат билан ривожланаётган давр талаблари ҳамда Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми-

ни тартибга солиш тизимини ҳам такомиллаштиришга қаратилган назарий тавсиялар ишлаб чиқилишини тақозо этади. Бошқача айтганда, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Ўрта Осиё ва аввало, Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг маҳалла каби ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача сақланиб қолган. Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариши узоқ тарихий ривожланиш ҳосиласи бўлиб, унинг шаклланиши инсоният бирлашиб яшай бошлаган бронза даври (мил. ав. 3-2 минг йилликлар) билан боғлиқ эканлиги, дастлабки шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам айнан маҳаллалар

асос бўлганлиги кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган². Ушбу даврлардан оилалар бирлашиб, янги турмуш тарзи ва ҳамма учун тааллуқли қоидаларни шакллантирганлар.

Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, ижтимоий ҳаётда ҳеч бир нарса тегишли шарт-шароитларсиз вужудга келмагани каби, турли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳам муайян шарт-шароит юзага келиши билан вужудга келади³. Чунончи, ўзини ўзи бошқариш тизимида моддий неъматлар, қайси давр бўлишидан қатъи назар, доимо биринчи ўринда турувчи эҳтиёж сифатида сақланиб қолган.

Сўнгги даврларда қўлга киритилган археологик маълумотларга кўра, мамлакат ҳудудида фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг илк белгилари жез даврига бориб тақалади. Жез даврининг ёдгорлиги бўлган ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудидан топилган Сополлитепа манбаларининг гувоҳлик беришича, у ерда милoddан аввалги XVIII-XV асрларда саккиз оиланинг бир жойдаги манзилгоҳи қайд этилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қайд этилишича, уларни фақат уруғ жамоасигина эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар, ўз навбатида, Оқсоқоллар олий кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда, жамоа — қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни Олий кенгаш орқали ҳал қилишган⁴.

Бундан ташқари, милoddан аввалги III асрдан то милодий V аср бошларигача қадимги Паркана (Фарғона) давлатида ҳам жамоалар ҳаёти билан боғлиқ масалаларни оқсоқоллар кенгаши ҳал этган⁵. Кенгаш асосан сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уруш эълон қилиш, жамоат ишларига сафарбарлик каби масалалар билан шуғулланган.

«Маҳалла» сўзи арабча «жой» маъносини билдирувчи «маҳаллун» сўзидан келиб чиққан. У турли минтақаларда *маҳаллот* (*жой*), *гузар*, *жамоа*, *элат*, *элод* номлари билан аталиб келинган. Адабиётларда маҳалла

институти кўп минг йиллик тарихга эгаллиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этган. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» асарида маҳаллани «маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча» деб таърифлайди, Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўтади⁶. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳудудда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг дастлабки белгилари жамоавийлик асосида вужудга келган.

Ўрта асрлар (XIV-XVI асрлар)да, Амир Темур ва темурийлар даврида маҳаллаларга катта масъулият юкланган. Соҳибқирон уларга салтанатда қашшоқлар сонини камайтириш мақсадида газнадан нафақалар белгилашни буюрган. Амир Темурнинг ижтимоий қарашлари унинг сиёсати ўзини ўзи бошқариш инсон ва унинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлашга йўналтирилганидан далолат беради. Маҳаллалар Амир Темур даврида равнақ топган, фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган (масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва ҳ.к.)⁷

Алишер Навоий ўз даврида жамият тузилиши ва турли табақаларнинг турмуш тарзини ўрганар экан, маҳаллалардаги 32 хил ижтимоий қатлам ҳақида маълумот беради⁸. Унда юқори синф вакиллари, камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар, муҳтожлар, текинхўрлар ҳам алоҳида кўрсатилган. Жумладан, ижтимоий қатламларнинг йигирма еттинчисини ғариб ва бечоралар, йигирма саккизинчисини гадойлар ташкил этишини эътироф этади. Алишер Навоий бу каби табақаларнинг қашшоқликдан чиқишларида кўмаклашиш ва уларни ижтимоий муҳофазалашда маҳалланинг ўрни тўғрисида ижодий изланишлар олиб бориб, ушбу қатламларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини енгилаштиришга кўмаклашувчи ва барчага бирдай хизмат кўрсатувчи 52 та работ, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом, қатор масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар қурдириб, маҳаллалар ихтиёрига топширган.

Ўзбекистон ҳудудида маҳаллалар Сомонийлар (IX-X асрлар) ва Қорахонийлар (XI асрлар) даврида ҳам бўлган. Ҳозирги кунда мавжуд маҳаллаларнинг аксарияти XIV-XV асрларда вужудга келган⁹.

Чор Россиясининг мустамлакачилиги даврида 1903 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини идора этиш низоми»га мувофиқ, ўлкадаги вилоятлар уезд, шаҳар, волость ва овулларга бўлинган. Вилоят ва уезд маъмурий идоралари жойлашган аҳоли марказлари шаҳар ҳисобланган. Шунини айтиш керакки, ҳар бир волость 1000 дан то 2000 гача хонадонни ёки 10-13 та қишлоқ жамоасини ўз ичига олган¹⁰. Оқсоқолларнинг вазифалари ўз ҳудудида мажлис ва йиғинлар ташкил этиш, солиқ ва бошқа тўловларни тўплаш, расмийлаштириш ҳамда уларни давлат хазинасига топширишдан иборат бўлган.

Совет ҳукумати маҳаллага ўтмиш сарқити сифатида қараган. Бошқача айтганда, собиқ тузум мафкураси маҳаллаларни расман тан олмаган, уларни жамиятни бошқариш тизими-га киритмаган. Бошқача айтганда, маънавият, таълим-тарбия соҳасида маҳалланинг аҳамияти йўққа чиқарилган эди. Жумладан, 1920 йил бошларида совет ҳукумати маҳаллаларнинг ваколатини чеклаш ва уларни ўзига бўйсундиришга интилди. Бу ҳол маҳалла фаолиятига салбий таъсир кўрсатди¹¹. Туркистонда совет ҳокимияти томонидан шаҳар кварталлари ўрнига маҳалла комиссиялари номли ҳокимият институти жорий қилинди¹². Ушбу комиссиялар 1922-1923 йилларда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги фармойиши билан қонунийлаштирилган ва расмий мақом олган¹³. Уларнинг асосий вазифаси аҳолидан солиқ йиғишда молиявий ташкилотларга ёрдам бериш, ҳовли ва ариқларнинг тозаланишини назорат қилишдан иборат бўлган¹⁴.

1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда биринчи марта Шаҳарлардаги маҳалла комитетлари тўғрисида низом қабул қилинди¹⁵. Маҳалла қўмитаси уч кишидан (раис, ўринбосар ва котибдан) иборат бўлиб, умумий йиғилишларда аҳоли томонидан сайланган¹⁶.

1941 йилда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети Шаҳарлардаги маҳалла

комитетлари ҳақидаги низомнинг янги таҳририни қабул қилади¹⁷. Ушбу Низом талабларига кўра, маҳалла комитетлари аъзолари меҳнати учун ҳеч қандай ҳақ олмас эди. Маҳалла комитетлари молиявий-хўжалик ишлари (ошхоналар, чойхоналар, сартарошхоналар очиш ва уларни ишлатиш) билан шуғулланишлари мумкин эмас эди, улар юридик шахс мақомига эга бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида маҳалла байналмилалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳоли ва болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди¹⁸.

1953 йил 3 апрелда Ўзбекистон ССР Министрлар кенгашининг «Ўзбекистон ССР шаҳарларидаги маҳалла (квартал) қўмиталари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда маҳаллаларнинг солиқ йиғишдаги амалий вазифаси ўз долзарблигини йўқотди¹⁹. 1961 йилнинг августида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан чиқарилган «Республика шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овулларидаги маҳалла қўмиталари тўғрисида»ги низомда ҳам маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. «Маҳалла қўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган, асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ва колхозларга қаратилган²⁰.

1990 йил 9 апрелда Советлар давлатида моҳиятан янги бўлган ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги биринчи қонун, яъни «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликлар борасидаги дастлабки тадбирлар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон ССР ҳам, СССР қонунига мувофиқ, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида ўз қонунини қабул қилиши лозим эди. Совет Иттифоқи таназзулга юз тутиб бораётгани туфайли бу масаланинг ҳал этилиши кундан-кунга мураккаблашиб борди. Шу сабабли «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликлар борасидаги дастлабки

тадбирлар тўғрисида»ги қонун амалда ҳаётга татбиқ этилмади.

Мустақилликдан сўнг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон умумжаҳон нормаларини инобатга олган ҳолда, миллий давлатчилик пойдеворини яратишга киришди. Маҳалланинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала эканлиги эътироф этилиб, уни мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди²¹.

Миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустақамлаб қўйилди.

Конституциямизда белгиланган қоида асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини шакллантириш жараёнларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Жумладан, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган ҳамда 1999 йил 14 апрелга қадар амалда бўлган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида²² илк бор фуқаролар йиғинларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокига оид қоидалар белгиланди. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши, 14-моддасида ўзлари қурган, сотиб олган ёки белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки эканлиги, 15-моддада уларнинг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисоб-варақаларида сақланиши, мустақил тасарруф этилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмаслиги каби муҳим қоидалар белгиланди.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун²³ мамлакатимизда босқичма-босқич амалга

оширилган кенг кўламли ислоҳотларга ҳам-оҳанг тарзда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлар доирасини кенгайтириш, уларни амалга ошириш механизмларини яратиш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамият касб этди. Хусусан, 1993 йилдаги Қонунда фуқаролар йиғинларининг 7 та ваколоти мустақамланган бўлса, 1999 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Қонунда 23 та ваколат белгиланди²⁴.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида илгари сурилган устувор вазифалар маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада оширишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, уларнинг вазифалари кўламини кенгайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларни таъминлашга қаратилган нормалар ўз ифодасини топди²⁵.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокига оид амалдаги нормалар билан бир қаторда, қўшимча равишда Қонуннинг 11-моддасида кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан, уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудда жойлашган (яшаётган) тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлиш, 17-моддасида тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий

тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришда кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга оид ваколатлар берилди. Шу билан бирга, қонун нормаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш механизмларини жорий этиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4944-сон Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаб берди²⁶.

Хусусан, Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида 37 та аниқ тадбир амалга оширилишини назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонда белгиланган қоидалар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни²⁷ билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу борада энг муҳим янгилıklar қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз:

биринчидан, Қонуннинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга оладиган орган аниқ белгилаб қўйилди. Улар илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши назарда тутилган бўлса, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларида ҳисобга олинadиган бўлди;

иккинчидан, 11-модда номидаги «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла» деган сўзлар чиқариб ташланиб, ушбу модда «Фуқаролар йиғинининг ваколатлари» деб номланди. Бу эса «Шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари» деб номланган 12-модда чиқариб ташланишига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Фармоннинг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўғинлардан воз кечиш мақсадида таркибида маҳаллалар тузилган жами 991 та, шу жумладан 912 та қишлоқ ва 79 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари тугатилди²⁸. Бу эса юқорида қайд этилган моддаларга ўзгартишлар киритилишига асос бўлиб хизмат қилди;

учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазибаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 11, 13-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари — кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳудуддаги профилактика инспекторлари, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарлари киритилди. Бундан ташқари, белгиланган тартибда ва муддатларда уларнинг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларини, қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарларининг ахборотини фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)да эшитиш амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди;

тўртинчидан, Қонуннинг 20-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда эса ҳудудий кенгашлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Соҳага оид қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни самарали бажаришда ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда азалдан тарбия ўчоғи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлар маскани, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи сифатида эътироф этиб

келинаётган маҳалла институтининг фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар туфайли ушбу ноёб тузилма мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган принципнинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ *Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир /Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съездидаги маърузаси //uzlider.uz.

² *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. — Т., 2004. — Б.56; Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. — Т., 1993. — Б. 53.; Айний С. Дохунда. — Т., 1956. — Б.76.

³ *Раҳмонқулов Ҳ.Р.* Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм). — Т., 2010. — Б.65.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Т., 2003. — Б.548.

⁵ *Рўзиев З.* Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари /Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. — Т., 2016. — Б.30.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Б.548.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Б.548.

⁸ *Алишер Навоий.* Ҳайратул-аброр. — Т., 1989. — Б.254.

⁹ *Баҳронов Ж.* Социология. — Самарқанд: СамҚХИ, 2000. — Б.78.

¹⁰ Положения об управлений Туркестанского края. — Т., 1903. — С.64.

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Б.549.

¹² *Шодмонова С., Аҳмедов Т.* Маҳалла комиссиялари фаолиятида трансформация жараёнлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. — 2014. — № 3. — Б. 62.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р.39-фонд, 2-рўйхат, 176-иш, 5-5 варақ орқаси.

¹⁴ *Шодмонова С., Аҳмедов Т.* Ўша манба. — Б. 62.

¹⁵ Положение «О махаллинских (квартильных) комитетах в городах Узбекской ССР» //Собрание узаконений и распоряжений рабоче-дехканского правительства Узбекской Советской Социалистической Республики. — 1932. — № 10. — 7 апреля. — С.617-623.

¹⁶ *Шодмонова С., Аҳмедов Т.* Ўша манба. — Б. 63.

¹⁷ Положение «О махаллинских (квартильных) комитетах в городах Узбекской ССР» //Собрание узаконений и распоряжений рабоче-дехканского правительства Узбекской Советской Социалистической Республики. — 1941. — № 3. — 18 февраля. — С.4.

¹⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Б.549.

¹⁹ *Рўзиев З.* Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари /Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. — Т., 2016. — Б.43.

²⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Б.549.; Маҳмудбеков Ш. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш тизими: тарихи ва бугунги куни, — Т., 2004, — Б.14.

²¹ *Аҳмедов А.* Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. — 2014. — № 2. — Б.4.

²² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. — № 9. — 322-м.

²³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й. — № 5. — 110-м.

²⁴ *Рўзиев З.* Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари /Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. — Т., 2016. — Б.50,54.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й. — № 4. — 96-м.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, № 6. — 69-м.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 18 сентябрь, № 37.— 978-м.

²⁸ Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг архив материалларидан. — Т., 2017.

ПРИРОДА И ПОНЯТИЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ МАТЕРИАЛЬНЫХ СЛЕДОВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

Аннотация. В статье рассматриваются понятие, а также природа проведения предварительного исследования материальных следов преступления. В связи с этим анализируются мнения учёных, которые по-разному толкуют данное понятие.

Ключевые слова: внешние признаки преступника, индивидуальные признаки орудия преступления, экспрессный характер, следы-отображения, следы-предметы, констатирующая информация, познавательная деятельность, слеодообразование.

Жиноят моддий излари дастлабки тадқиқотининг табиати ва тушунчаси

Анотация. Мақолада жиноят содир этилиши давомида келиб чиққан моддий излар дастлабки тадқиқотининг моҳияти ва табиати ёритилган. Шу муносабат билан ушбу тушунчани турлича талқин этувчи олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жиноятчининг ташқи белгилари, жиноят қуролининг хусусий белгилари, тез тавсиф, акс-излар, буюм-излар, қайд этувчи ахборот, билишга оид фаолият, из ҳосил бўлиши.

Nature and concept of the preliminary investigation of material traces of crime

Annotation. The article deals with the concept, as well as the nature of the preliminary investigation of the material traces of the crime. In this regard, are analyzed the views of scientists who interpret the concept in different ways.

Key words: external sign of criminal, individual signs of implement, express character, traces-mappings, traces, ascertaining information, cognitive activity, read the trail, trace formation.

Из практики раскрытия и расследования преступлений известно, что основной объем криминалистически значимой информации обычно содержат такие ее источники и носители как материальные следы преступления. Поэтому не только их обнаружение и фиксация, но и безотлагательное всестороннее исследование является важным элементом технико-криминалистического обеспечения следственных действий и оперативно-розыскных мероприятий. Диапазон исследования весьма широк: оно может представлять собой простейший анализ (на основе органолептического метода) и описание количественных характеристик следа, проведенные следователем на месте его обнаружения, а может быть

сложным лабораторным исследованием в процессе производства экспертизы.

В криминалистической литературе данный вид углубленных до экспертных исследований материальных следов преступления, с учетом их специфичности и в отличие от экспертных (как в процессуальной, так и в не процессуальной форме), принято называть предварительными.

Наиболее широко предварительные исследования проводятся в условиях осмотра места происшествия. В исследовательской деятельности субъектов осмотра они в большинстве случаев являются обязательным её элементом и играют весьма важную роль. «Будучи направленными на выявление и закрепление информации об

обстоятельствах совершенного преступления и приметах преступника, содержащейся в материальных следах, но недоступной непосредственному восприятию «невооруженным глазом», они нередко дают ключ к раскрытию преступления по горячим следам, оказывают существенную помощь в розыске и изобличении преступника»¹.

Поскольку до экспертные предварительные исследования материальных следов преступления проводятся главным образом с целью получения ориентирующей информации для скорейшего раскрытия преступления и розыска преступника, постольку они имеют безотлагательный и оперативный характер. В настоящее время имеется широкий круг публикаций, посвященных предварительным исследованиям материальных следов преступления, авторы которых в общем адекватно определяют предмет, объекты и задачи такого рода исследований. Однако указанные авторы не имеют единого мнения о природе предварительных исследований и по этой причине по-разному определяют понятие предварительного исследования. Мы полагаем, что отсутствие единого, унифицированного понятия является пробелом в языке криминалистической науки.

Несмотря на отмеченное выше методическое единство предварительных и экспертных исследований, мы усматриваем разницу в их природе. Различная природа этих исследований наглядно проявляется во вне в первую очередь через приоритетность разрешаемых исследованием вопросов.

В тоже время есть и другие существенные особенности, определяющие природу каждого из указанных исследований, на которых следует остановиться более подробно.

Основные особенности предварительных исследований, отличающие их от экспертных, заключаются в следующем. *Во-первых*, это — субъект проведения предварительного исследования. «Предварительное исследование материально фиксированных объектов (предметов, документов и т.д.) может

осуществляться самостоятельно и с помощью специалиста следователем, работником органа дознания, прокурором, судьей»². Следовательно, предварительное исследование на месте происшествия вполне самостоятельно может провести следователь.

Следует отметить, что в практике органов внутренних дел широко применяется также и непроцессуальная форма экспертных исследований, аналогичных производству экспертиз³. Как известно, основная часть сотрудников экспертно-криминалистических подразделений системы МВД является экспертами по должности. Только этой категории должностных лиц ведомственными подзаконными актами предоставлено право проведения экспертных криминалистических исследований по заданиям оперативных аппаратов органов внутренних дел. Следовательно, по субъекту проведения такие исследования также отличаются от предварительных.

Во-вторых, особенностью методик проведения предварительных исследований является экспрессный характер (в силу их ограниченности во времени и предъявления к ним требования оперативности) и использование только тех приемов и методов исследования, которые: а) могут быть применены на основе технических средств «полевой криминалистики», представляющих собой чемоданы (или кейсы) с унифицированными либо целевыми комплектами инструментов, приборов, устройств и материалов, б) не вызывают изменений вида и свойств объектов исследования, не влекут их порчи или утраты и не исключают возможности последующего экспертного исследования (то есть, не являются деструктивными). По указанным здесь причинам предварительные исследования минимальны по объему — исследуется только то, что не терпит отлагательства. *В-третьих*, криминалистически значимая информация, получаемая в результате предварительных исследований, проводимых в рамках следственных действий, не имеет самостоятельного доказательственного значения. Тогда как заключение

эксперта, даваемое по результатам производства экспертизы, в случае его положительной оценки следователем (в соответствии со статьей 187 УПК), приобретает самостоятельное доказательственное значение, то есть, является одним из видов доказательств.

Правда, в литературе имеется и другая точка зрения, согласно которой при определенных условиях информация, полученная по результатам предварительных исследований, приобретает доказательственное значение. Речь идет о случаях, когда она получена и закреплена протокольно в процессе производства следственного действия⁴. Как следует из статьи 81 УПК, доказательствами являются фактические данные, устанавливаемые из исчерпывающе определенного законодателем круга источников сведений о них, в числе которых – вещественные доказательства и протоколы следственных действий. Объектами предварительных криминалистических исследований на месте происшествия в подавляющем большинстве случаев являются вещественные доказательства, а именно: следы-отображения и некоторые следы-предметы (орудия преступления, части целого, запирающие устройства и т.п.). Их исследованием добывается криминалистически значимая информация двух видов: а) констатирующая (удостоверяющая какой-либо конкретный факт) информация б) ориентирующая информация (в большинстве своем она имеет вероятный характер).

Констатирующая информация во всех случаях должна быть зафиксирована в протоколе следственного действия. На практике так обычно и происходит: например, в протоколе осмотра места происшествия закрепляется наличие, количество, вид и топография, а также визуально определяемые качественные характеристики (в т.ч. особенности) обнаруженных и изученных в ходе осмотра следов рук, и только в таком качестве она приобретает доказательственное значение.

Ориентирующая информация (например, о пригодности следов рук для идентификации, о происхождении следов, о свойствах лица их оставившего, и т.п.) занесению в протокол осмотра не подлежит (обычно она фиксируется в справке предварительного исследования). Поэтому такая криминалистически значимая информация доказательственного значения не имеет.

В криминалистической литературе имеется несколько вариантов определения понятия предварительного исследования. Так, Маврин А.Г. пишет: «Предварительные исследования представляют собой одну из форм познавательной деятельности органов дознания и предварительного следствия, осуществляемую в условиях осмотра места происшествия с использованием специальных познаний и научно-технических средств (а при необходимости и с помощью сведущих лиц) для получения данных о механизме, условиях, обстоятельствах совершения преступления, личности преступника и другой необходимой для раскрытия преступления информации путем исследования и оценки ее материальных источников, обнаруженных на месте происшествия»⁵.

Герасимов А.М., Капитонов В.Е. и др. дают близкое по содержанию выше приведенному определению: «Предварительные исследования представляют собой одну из форм познавательной деятельности лиц, участвующих в производстве дознания и предварительного следствия, которая осуществляется в условиях осмотра места происшествия путем изучения следов и других материальных объектов с использованием специальных познаний и научно-технических средств в целях получения данных о механизме, условиях, обстоятельствах совершения преступления, личности преступника»⁶. По поводу данного определения ограничимся замечанием о том, что не все субъекты предварительного исследования просто участвуют в производстве дознания и предварительного следствия. Наиболее краткое определение находим у

Сыркова С.М.: «Под предварительным исследованием на месте происшествия понимается непроцессуальное исследование обнаруженных материальных следов, проводимое в условиях осмотра на основе специальных познаний, соответствующих методов и технических средств, для получения ориентирующих данных о механизме, обстоятельствах, условиях совершения преступления и личности преступника»⁷.

Общим недостатком для всех приведенных здесь определений мы посчитали то, что везде речь идет о предварительных исследованиях в условиях осмотра места происшествия. Тогда как предварительные исследования могут также проводиться в ходе иных следственных действий. Более того, такие дополнительные доэкспертные обработки объектов, могут быть продолжены в оперативно-розыскных целях непосредственно после производства процессуального действия (то есть, вне его рамок, но там же, в «полевых условиях»)⁸. Несколько иначе определяет понятие предварительного исследования Ищенко П.П., который считает, «что предварительное исследование следов – это применение специальных познаний для определения относимости обнаруженных следов к расследуемому событию, получения данных о механизме их образования, установления признаков следообразующего объекта и сбора сведений о возможных приметах, привычках и других данных, характеризующих преступника. Проведение предварительного исследования позволяет точнее определить вид экспертизы и необходимые образцы, конкретизировать задание эксперту, облегчает выдвижение и проверку следственных версий»⁹.

Ряд авторов приведенных выше определений, уверены в не процессуальном характере предварительных исследований. Правда, один из них, а именно Ищенко П.П., допускает непоследовательность, сначала указав на не процессуальный характер таких исследований, а чуть ниже заявив о возможности предварительного исследования

носить и процессуальный характер, если субъектом его проведения будет эксперт¹⁰.

Ранее уже приводилось авторитетное мнение о том, что полученная в результате предварительного исследования информация, если она добыта и закреплена протоколно в процессе производства следственного действия, может приобрести доказательственное значение. Логично было бы заключить, что в таком случае предварительное исследование должно иметь процессуальный характер. Но тогда, если учесть, что проводимое в рамках оперативно-розыскного мероприятия предварительное исследование изначально не может иметь процессуального характера, напрашивается вывод о двойственном характере предварительных исследований.

По нашему глубокому убеждению, это не так. Говорить о процессуальном или не процессуальном характере предварительного исследования имело бы смысл, если бы оно представляло собой самостоятельную форму применения специальных познаний, как, например, экспертное исследование. Однако в криминалистике давно и четко определены все формы использования специальных познаний, и в их системе такая самостоятельная форма не предусматривается. Так, законодательно закрепленными процессуальными формами использования специальных познаний являются:

- использование следователем (прокурором, судьей) собственных специальных познаний;

- участие в следственном действии специалиста;

- производство экспертизы.

К непроцессуальным формам, которые определены в криминалистической литературе и регламентируются ведомственными нормативными актами, относятся:

- консультативная и справочная деятельность специалиста;

- производство ревизионных и аудиторских действий;

- непосредственное участие в оперативно-розыскных мероприятиях¹¹.

Как видим, в обоих случаях предварительное исследование как самостоятельная форма использования специальных познаний не выделяется. Хотя по своей сущности оно есть процедура, основанная на использовании таковых. Следовательно, логично будет сделать вывод о том, что предварительное исследование: а) само по себе (как процедура) не является самостоятельной формой применения специальных познаний в рамках оперативно-розыскной или следственной деятельности б) представляет собой лишь часть всей исследовательской деятельности субъектов применения специальных познаний в процессе производства следственного действия или оперативного мероприятия. Другими словами, оно является составным элементом (частью целого) отдельных процессуальных и непроцессуальных форм использования специальных познаний в уголовном процессе и сопровождающей его оперативно-розыскной деятельности и само по себе не может иметь ни процессуального, ни непроцессуального характера.

В заключении, с учетом всего сказанного о природе, объектах и задачах предварительных исследований, а также о недостатках, усмотренных нами в определениях их

понятия, сформулируем собственное определение. По нашему мнению, предварительное исследование — это доэкспертное безотлагательное исследование субъектом поисково-познавательной деятельности материальных следов преступления, которое проводится им в ходе следственного действия или оперативно-розыскного мероприятия на основе приемов и методов соответствующего вида судебной экспертизы, применение которых возможно вне лаборатории, в целях получения криминалистически значимой информации о преступнике и обстоятельствах преступного события, необходимой для раскрытия преступления «по горячим следам» и розыска преступника.

Мы полагаем, что наше определение, может быть, не бесспорное, но в большей степени отвечающее современному понятию предварительных исследований материальных следов преступления, чем приведенные в данной работе определения других авторов, поможет решению проблемных вопросов, связанных с их природой, предметом, объектами и решаемыми задачами, и будет способствовать более широкому, целенаправленному внедрению такого рода исследований в практику борьбы с преступностью.

¹ Алексеев А.А. Предварительные криминалистические исследования материальных следов на месте происшествия. — М., 1987. — С. 6.

² Криминалистика / Под ред. В.А. Образцова. — М., 1997. — С. 66.

³ Наставление по работе ЭКП ОВД РУ. Приложение 4 к приказу МВД № 230-2001. разд. 2., гл. 2., п. 2.5.1.

⁴ Криминалистика / Под ред. В.А. Образцова. — М., 1997. — С. 66.

⁵ Алексеев А.А. Предварительные криминалистические исследования материальных следов на месте происшествия. — М., 1987. — С. 5.

⁶ Экспертная практика: Сборник. Вып. 28. — М., 1989. — С. 35.

⁷ Сырков С.М., Фефилатьев А.В. Проведение предварительных исследований материальных следов на месте происшествия. — М., 1986. — С. 6.

⁸ Криминалистика / Под ред. В.А. Образцова. — М., 1997. — С. 65-66.

⁹ Вопросы теории криминалистики и экспертно-криминалистические проблемы: Сб. науч. трудов. — М., 1990. — С. 57.

¹⁰ Там же.

¹¹ Криминалистика / Под ред. Р.С. Белкина. — М., 2000. — С. 398-399.

Одилқориев Х.Т. Davlat va huquq nazariyasi. — Т., 2018. — 528 б.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз онгида жиддий бурилиш юз бериб, давлат ҳокимияти, сиёсий ва ҳуқуқий тизим ва умуман, ҳуқуқ, адолат, қонун, демократия каби қадриятларга тамомила янгича ёндашув қарор топмоқда. Ижтимоий тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон манфаатларининг устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли муҳофазаланиши, фуқаролик жамияти билан давлатнинг яқин ҳамкорлиги ва мулоқоти каби масалалар биринчи ўринга чиқди.

Инновацион ғояларга кенг йўл бериш, замонавий технологиялар асосида жадал иқтисодий ривожланишга эришиш давримизнинг мағзи ва шиори бўлган ҳозирги шароитда, табиийки, таълим-тарбия ҳам ана шу юксак талабларга жавоб бериши лозим. Таълим ва билимнинг асоси эса китоб бўлгани боис бугун замон руҳига мос дарсликларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам катта. Зеро, юксак малакали, чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш давримизнинг энг асосий талабига айланди.

Кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар жараёнида янги демократик жамият барпо этишнинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини англаб етиш, ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари ривожланишининг устувор тамойиллари мағзига етиб бориш, ҳуқуқий категорияларнинг асл моҳиятини тушуниш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Таниқли олим, юридик фанлар доктори, профессор Х.Т.Одилқориевнинг мазкур дарслиги бу борада муҳим ва ишончли ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Китобда кейинги йилларда давлатимиз Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, қонунчиликдаги сўнги янгилликлар, ислоҳ этилаётган суд-ҳуқуқ тизими-га оид маълумотлар фан ва таълим соҳасига моҳирона киритилган; назарий хулоса, таъриф ва тўхтамларни изоҳлаш ҳамда исботлашда ушбу норматив манбалар ва уларни қўллаш амалиётига қатъий асосланган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев президентликка сайланган, мамлакат ривожига янги босқич бошлангани, жумладан, инсон шаъни ва қадр-қимматини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда кафолатлари яратилаётгани, Президент фармонлари ва қарорларида илгари сурилаётган инновацион ғояларнинг мазмуни жонли мисоллар билан ёритилгани дарсликнинг энг катта ютуқларидандир.

Китобда барча мавзулар юксак фалсафий даражада, пухта методологик асосга таянилиб, тўлиқ ва муфассал баён этилган, назарий тадқиқот усулларининг эвристик имкониятлари кенг намоён этилган; давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши масалалари юксак назарий савияда, изчил ва комплекс равишда кўриб чиқилган, давлат ва ҳуқуқ ривожининг истиқболлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ёритилган.

Дарсликда жаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи, давлатчилик ва ҳуқуқ тараққиёти тажрибаси билан

бирга, мустақиллик йилларида республикаимизда тўпланган давлатчилик ва ҳуқуқий ривожланиш тажрибаси, умуминсоний ҳамда миллий маънавий қадриятларга, замонавий давлатчилик ва ҳуқуқ концепцияларига, халқимизнинг бой ҳуқуқий меросига ҳам кенг ўрин берилган.

Муаллиф давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрганиш доирасига «социал (ижтимоий) давлат», «ҳуқуқий макон», «ҳуқуқий сиёсат», «ҳуқуқий тафаккур», «юридик жараён ва амалиёт», «ҳуқуқий презумпция», «юридик ихтилоф», «юридик масъулият», «ижобий-ҳуқуқий санкция», «ҳуқуқий раббат» каби кўплаб янги замонавий илмий категорияларни киритиб, фаннинг предметини муайян даражада кенгайтирган, ушбу категорияларга батафсил таъриф ва тавсиф берган.

Дарсликда давлат ва ҳуқуқ институтларига ижтимоий қадриятлар нуқтаи назаридан (аксиологик) баҳо берилиб, мамлакатимизда қарор топаётган давлат ва ҳуқуқ тизимларининг ижтимоий қадрият сифатидаги табиатини, бунёдкорлик ва инсонпарварлик салоҳиятини очишга катта эътибор қаратилган.

Китобда ҳуқуқий тартибга солишнинг олий кўриниши сифатидаги «конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизми», «конституциявий қонунчилик тизими ва конституциявий қонунийликни таъминлаш муаммолари», «ҳуқуқий ислохотлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳияти ва асосий йўналишлари», «ҳуқуқий тизим (ҳуқуқ нормаси) билан қонунчилик тизими (қонун нормаси)нинг диалектик нисбати», «ҳуқуқнинг идеал ва функционал талқини», «давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклиги», «парламент назорати, конституциявий назорат ва жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти, амалга ошириш механизmlари», «қонун ижодкорлигини демократлаштириш, унда аҳоли иштирокини кенгайтиришнинг замонавий усулларини жорий этиш», «дунё ҳуқуқий тизимлари, шунингдек мусулмон ҳуқуқининг хусусият ва манбалари изоҳи» каби долзарб мавзуларнинг олим талқинида янада аниқ ва чуқур ёритилгани алоҳида эътиборга молик.

Дарсликда дунё ҳуқуқшунослик фанидаги инновацион ғоялар, жозибador таълимот ва концепциялар назарий таҳлил асосида ўзбек давлат ва ҳуқуқ назариясига олиб кирилган, фаннинг муаммолари фундаментал, методологик, умумназарий, хусусий-назарий гуруҳларга ажратилиб, китобхоннинг диққати ушбу йўналишлардаги долзарб мавзуларга қаратилган. Бу эса илмий фаолият билан шугулланиш истагида бўлган илм толиблари учун келажакдаги тадқиқотлари учун аниқ мўлжал вазифасини ҳам ўтаган.

Мураккаб назарий конструкция ва умумлашмалар юртимиз воқелигидаги реал ҳодисалар, статистик маълумотлар, қонунчилигимиздаги қоидалар асосида тушунтирилгани, фаннинг аксарият ғоялари, китобхон янада осон тушуниши учун, жадваллар тарзида берилгани дарсликнинг яна бир ютуғидир.

Дарслик олий ўқув юрларининг талабалари, ўқитувчилари, илмий изланувчилар, амалиётчи юристлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизиқувчи барча китобхонлар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Профессор И. Исмоилов, доцент Ш. Бердияров